

И Н

ҲАЁТИНГИЗДАГИ
МОЛИЯВИЙ ИНҚИЛОБ

Стратегиянинг кучи

Қ И

ГАРИ КИСИ

Л О Б

И

Н

ҲАЁТИНГИЗДАГИ МОЛИЯВИЙ ИНҚИЛОБ

Стратегиянинг кучи

Қ

И

ГАРИ КИСИ

Л

О

Б

Your Financial Revolution, The Power of Strategy, Uzbek

Copyright © 2022 by Gary Keesee
Originally published in English
Copyright © 2019 by Gary Keesee
ISBN: 978-1-945930-14-0

Gary Keesee Ministries,
P.O. Box 779, New Albany,
OH 43054, USA
GaryKeesee.com

This book is a FREE GIFT from Gary Keesee Ministries and is
NOT FOR SALE

Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб, Стратегиянинг кучи, ўзбек тилида

Гари Киси, © 2022
Биринчи марта инглиз тилида чоп этилган
Гари Киси, © 2019
ISBN: 978-1-945930-14-0

Гари Киси Хизмати,
П/Қ 779, Нью Олбани,
Огайо 43054, АҚШ

GaryKeesee.com

Бу китоб – Гари Кисининг Хизматидан тўхва ва **СОТИШ ТАЪҚИҚЛАНАДИ.**

“Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб” номли китоблар тўпламининг учинчи қисмида Гари Киси ўз муваффақиятининг энг муҳим таркибий қисмларидан бирини ва Худо Шоҳлигининг ЭНГ МУҲИМ сирини: стратегиянинг кучини очиб беради! Тўрни қаерга ташлашни билса, ҳар ким ҳам балиқ овлаши мумкин. Худода сизга керак бўлган жавоблар бор, лекин сиз бу жавобларни қандай эшитишни ва уларни ҳаётингизда қандай қўллашни тушунишингиз лозим. Бу китоб айнан шу ҳақидадир.

БАҒИШЛОВ

*Мен бу китобни рафиқам Дрендага бағишламоқ-
чиман, чунки айнан унинг ёрдами, Худонинг ишла-
рига бўлган иштиёқи ҳамда оиласига ва менга
бўлган севгиси бу йиллар давомида руҳлантиради.
Биз орзулар ҳақиқатан ҳам амалга ошишини бир-
галикда исботладик!*

– Гари Киси

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----|
| Кириш | 7 |
| 1 БОБ. Биздан нимани истайсан? | 21 |
| 2 БОБ. Шоҳлик | 37 |
| 3 БОБ. Ҳайратда қолганлар | 47 |
| 4 БОБ. Муҳими: бусиз уйдан чиқманг | 65 |
| 5 БОБ. Муқаддас Калом гувоҳликлари | 83 |
| 6 БОБ. Ҳамма ҳам номаълум тилда ибодат қиладими? | 93 |
| 7 БОБ. Ҳазина сандиғи | 107 |
| 8 БОБ. Олға юриш учун қийин ҳолат | 125 |
| 9 БОБ. Сокин, хотиржам овоз | 137 |
| 10 БОБ. Ваҳийлар ва тушлар | 151 |
| 11 БОБ. Муқаддас Рух менинг бошлиғим десам ҳам бўлади | 165 |
| 12 БОБ. Қандай ибодат қилиш ва Муқаддас Рухга чўмиш керак | 181 |

КИРИШ

“Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб. Стратегиянинг кучи” – бу “Молиявий инқилоб” номли китоблар сериясининг учинчиси ҳисобланади. Уларнинг жами бешта бўлиб, барчаси мен 2005-йилда Олмонияда ўзказган анжуманларнинг кенгайтирилган талқинидир. Айнан мана шу анжуманда менинг ҳаётим тубдан ўзгарди. Агар сиз бу тарихни эшитган бўлсангиз, кириш қисмини ўтказиб юбориб, биринчи бобдан бошлашингиз мумкин. Агар эшитмаган бўлсангиз, мовий нур ҳақида гапириб берсам. “Мовий нур? – деб сўрайсизми? – Бу нима?” Саволингиз тушунарли. Мен буни кўрганимда, бунинг нима эканини билмас эдим, лекин Худонинг кучи шунчалик қудратли эдики, бу Худодан бўлиши кераклигини тушундим. Келинг, сизга бу воқеани сўзлаб бераман.

Хотиним билан ҳаётимизни қарздорлик билан бошладик ва тўққиз йил давомида қарздорликда қолдик. Нафақат қарздорликда, балки пул ва унга боғлиқ муаммолардан келиб чиққан жуда оғир босим ва қўрқув азобларида қолдик. Гарчи биз ҳаётимизни молиявий жиҳатдан бузишни режалаштирмаган бўлсак-да, биз айнан шундай қилдик. Биз ёқилғи қуйиш шохобчасида оддий кредит картасидан бошладик, кейин битта Виза картаси, сал ўтиб, яна ўнлаб виза карталари. Виза карталари билан тўлай олмаганимизда, тўловларимизни бирлаштириш учун молиявий ширкатлардан юқори фоиз тарифлари бўйича кредит олдик: йигирма саккиз фоиздан ўттиз уч фоизгача. Лекин кейинчалик, яна карталардан фойдаландик ва қарз ўсишда давом этди. Натижада, бизда ўнта тўлиқ миқдори чекланган кредит карталари бор эди, молиявий ташкилотлардан учта қарздорлик, солиқ хизмати ҳисобига ўн минглаб долларлик

гаров гувоҳномаси, шунингдек, кўпгина бошқа майда қарзлар.

Тиш шифокоримизга, кимёвий тозалашга, ота-онамизга, иккита машинамиз ва ўй ижарамизга ўн минглаб қарз эдик. Рўйхат бу билан тугамайди. Ўша пайтда биз ишлатилган буюмларимизни сотишдан кун кўрар эдик. Тушкунлик мени том маънода ўлдирар эди. Менда ваҳима ҳужумлари бор эди ва менга тушкунликка қарши дорилар буюрди, булар ҳам ёрдам бермади.

Бизда нимаики бўлса, ҳаммаси барбод бўлган эди. Машиналаримизнинг босиб ўтган масофаси 200 000 милни ташкил этарди. 1856-йилда қурилган, ойига 300 долларга ижарага олган кичкина фермерлик уйимиз билан муаммолар бор эди. Уйнинг кўп эски ойналари синган эди, таъмирлашга пулимиз бўлмаганлиги сабабли, ёриқларни шунчаки скотч билан ёпиштириб қўярдик. Лекин шу ҳам етарли эмас эди. Ромлар тирқишидан узум токи ичкарига ўсиб кирарди. Хотиним Дренда шохларни шунчаки кесиб қўярди, улар худди уйнинг безагининг бир қисмидек эди. Ўғилларимизнинг ётоқхонаси учун гиламни кўчадаги ахлат қутисидан топган эдик. Уларнинг тўшаклари қариялар уйдаги ташлаб юбориладиган нарсалар уюми орасидан олинган эди. Ҳар бир мебель буюмлар, аллақандай гаражлар арзон савдосида ёки кимнингдир ахлат уюмида топилган эди.

Ҳар куни оилани қандай боқиш керак деган фикр билан ўйғонганингизда, ҳаётдан қувониш қийин бўлади. Қўрқув мени исканжага олган, қувонч ва умид эса, тирик қолиш учун мантиқсиз интилишда йўқоларди. Биз Дренда билан шу тарзда узоқ тўққиз йил яшадик! Узун тўққиз йил! Бир ой, жуда борса, бир йилни тасаввур қилиш мумкин? Лекин тўққиз йил! Шундай тўққиз йиллик босимдан сўнг, сиз ҳиссий ҳолдан тоясиз ва сабрингиз тугайди.

Бутун бу тўққиз йил масиҳий бўлганмиз ва камбағалчилик Худонинг халқи учун Унинг иродаси эмас деб бизни ўргатган жамоатга қатнар эдик. Кўпинча ушр ва қурбонликлар берардик, лекин Худонинг Сўзидаги бундай таълимот ва кўрсаткичларнинг тўғрилиги

бизнинг молиявий аҳволимизга мос келмас эди. Эски Аҳд бўйича маълумотим бор эди, шунингдек, Муқаддас Китоб мактабида бир йилдан ортиқроқ ўқиган эдим. Мен нимадир нотўғрилигини тушунар эдим, лекин вақти келиб ҳаммаси ўрнига тушишига умид қилар эдим. Нима ҳам дер эдик, бу нарса, узоқ тўққиз йил содир бўлмади. Мажбурий ижро хизмати қарийб ҳар куни қўнғироқ қилишарди ва биз Дренда билан ҳар қандай умидни йўқотган эдик.

Бундан ташқари, менинг соғлиғим билан боғлиқ муаммолар қийнардди. Шифокорлар менда қандли диабет бошланишининг барча белгилари бор деб айтишди. Пул йўқ, барча кредит карталари бекор қилинган, уйда эса егулик йўқ эди. Қўрқув мени шу даражада азоблар эдики, мен деярли ўйдан чиқишга қўрқардим. Хотиним эримни йўқотиб қўяпман деб ўйлагани учун болалар билан ота-онасининг олдига, қандай қилиб қайтиб кўчиб кетишни онгида режалаштиришни бошлаган эди. Бироқ айнан мана шу жойда ҳаётим тубдан ўзгарди.

Менга доимий равишда адвокат қўнғироқ қилиб турарди ва мен унга пул тўлашга ваъда берардим, буни чин дилдан амалга оширишга умид қилар эдим, лекин ҳисобни тўлаш учун пул йўқ эди. Бир куни эрталаб сўхбат чоғида унинг сабри портлади: “Ёки сиз уч кун ичида пул топиб берасиз, ёки мижозимга берилиши керак бўлган пулни ундириш учун судга даъво қиламан”. Ўша вақтда мен айёрлик тугаганини билдим. Менда пул йўқ эди, ҳатто ота-онам ҳам бизга ортиқ пул бера олмас эди. Мен умидсизликка тушиб, кичик фермадаги ётоқхонамизга зинадан кўтарилиб, каравотимга ётдим ва Худога илтижо қилдим. Ажабланарлиси шундаки, У дарҳол менинг руҳимга жавоб берди. Биринчидан, У менга Филиппиликларга мактубидан 4:9ни, мен кўп эшитган ва ўқиган оятни эслатди.

“Менинг Худойим эса Исо Масиҳ орқали сизларнинг ҳар қандай муҳтожликларингизни Ўз шухратининг бойлиги билан қондиради”.

“Албатта мен Муқаддас Ёзувдаги бу жойни биламан, - дедим Раббийга ва давом этдим, - лекин бу менинг ҳаётимда амалга ошмаяпти”. Раббий менга жавоб берди: “Сенинг кўнгилсизликларингга Менинг ҳеч қандай алоқам йўқ, сен уларга ўзинг гирифтор бўлдинг, чунки Менинг Шоҳлигим қандай ҳаракат қилишини билмадинг”. У менга яна бир нечта нарсани айтди, лекин мен тушундим: Қарз менинг ҳаётим учун Унинг иродаси эмас эди. Гарчи мен Худодан эшитганларимдан қўрқиб кетган бўлсам ҳам, тан олишим керакки, мен У Шоҳлик деганида нимани назарда тутганини билмас эдим. Менинг илоҳиётшунослик бўйича маълумотим бор эдим ва Муқаддас Каломни етарлича яхши биламан деб ўйлардим, лекин, аниқки, мен хато қилган эдим. Бу сўзларни эшитиб, биринчи қилганим, Дрендани топиб, ўзимизни бундай вазиятга гирифтор қилганимиз учун унинг олдида тавба қилдим. Сўнгра иккаламиз Худога ибодат қилиб, Унинг Шоҳлиги қандай ишлашига бизни ўргатишини Ундан сўрадик. Биз яна қарзга умид қилганимиз учун тавба қилдик ва қарзни ҳаёт тарзи сифатида энди қабул қилмасликка қарор қилдик. Лекин, аслида, илоҳий маълумотга эга бўлишимга қарамасдан, ўша пайтда Худонинг Шоҳлиги мен учун сир эди. Янги Аҳддаги ягона ҳаёлимга келган “Шоҳлик” сўзи “Осмондаги Отамиз” ибодати эди.

“Сенинг Шоҳлигинг келсин! Осмонда бўлгани каби ерда ҳам Сенинг ироданг бажо бўлсин!” (Матто 6:10).

Биз ҳақиқатан ҳам Худо бизга нима демоқчи бўлаётганини тушунмас эдик, лекин биз Раббийни излай бошлаганимизда, У бизни ўргата бошлади. Аввало, Шоҳлик нима эканини ва Худо бу атамани нима учун ишлатганини тушуниш керак эди. У бизга нима демоқчи эди? Баъзи бир изланишлар олиб борганимдан сўнг, мен Шоҳлик бу шунчаки одамлар оломони эмаслигини билиб олдим. Бу ҳукумат ва шоҳнинг юрисдикцияси остида яшайдиган кўплаб одамлар экан. Аслида “шоҳлик” сўзи подшоҳнинг ҳоқимиятини англатади.

Подшоҳнинг ҳукмронлиги ёки унинг ҳокимияти ва қонунлари ўз ҳукмронлигидаги ҳар бир фуқарога унинг ҳукумати орқали тарқалади. Шундай қилиб, шу ерда менга асосий фикр очилди: “Худонинг Шоҳлиги – бу ҳукуматдир.

Бу ҳукуматнинг қонунлари бор!

Кўряпсизми, мен Худога кўпчилик масиҳийлар сингари унинг имкониятларини нотўғри талқин қилган ҳолда қабул қилганман. Мен ўйлардимки, У Худо бўлгани учун У хоҳлаган нарсани хоҳлаган вақтда қила олади. Китобни шу жойигача ўқиб келиб, мени ноҳақ деб айтишингизни биламан, лекин давом этишга ижозат беринг. Мен Худо хоҳлаган нарсани хоҳлаган вақтда қилиши мумкинлигига ишонганим учун мен жавобсиз ибодатни, Худо рад этган илтимос сифатида кўрар эдим. Ибодат ҳақидаги бу ноаниқлик мени фақат, У жавоб беришига умид қилишга мажбурлар эди. Шу тарзда, менинг ибодат ҳаётимнинг каттагина қисми, менинг ҳолатим Худонинг эътиборини жалб қилиш учун етарлича жиддий кўринишига умид қилиб, илтижо қилиш ва раҳм-шафқат сўрашдан иборат эди. Лекин Худо менга Унинг бутун Шоҳлиги бу биз ўрганишимиз ва фойдаланишимиз мумкин бўлган қонунларга эга ҳукумат эканини ўргата бошлаганида, мен хурсанд бўлдим. Мен Масиҳга келиб, Унинг буюк Шоҳлигининг меросхўри ва фуқаросига айланганимни тушуниб етдим.

“Демак, сизлар энди бегона ва келгинди эмассизлар, балки муқаддасларнинг ҳамфуқароси ва Худонинг хонадонидагиларисизлар” (Эфес. 2:19).

Муқаддас Ёзувдаги бу жойни ўқиб чиқиб, ўйлаганимни эслайман: “Менда Унинг Шоҳлигида қонуний ҳуқуқларим бор! Наҳотки ҳаммаси шунчалик оддий бўлса? Мен Америка Қўшма Штатлари фуқароси бўла туриб, менга фуқаро сифатида тегишли бўлган нарсалар тўғрисида сўрашим ва илтижо қилишим шарт эмас. Фуқаролигимни исботлаш учун эҳтиромли кўрқувга тушишим шарт эмас. Мен шу ерда

туғилганман. Мен Худонинг Шоҳлигида юқоридан туғилганман, мен Унинг Шоҳлигининг фуқароси бўлдим. Бу мен Унинг Шоҳлиги қонунларида ёзилган барча қонун ва имтиёзлардан қонуний фойдаланиш ҳуқуқига эга эканимни англатади”. Худо менга буни кўрсата бошлаганида, менинг дунё қарашим тубдан ўзгарди. Ахир Дренда ва мен аксарият масиҳийлар сингари Шоҳлик ва унинг қонунларини тушунмас эдик.

Дарҳақиқат, кўпчилик масиҳийлар оғир кунларни бошдан кечириб, кўпинча шундай дейишади: Худо рухсат беради, Худо яхшироқ билади, ҳаммаси Худонинг назоратида, ёки Худо мустақил”. Бундай сўзлар Худо жавоб беришга қодир, лекин буни хохламайди ёки бунда иштирок этмасликни қарор қилди дейдиган имон ҳақида гувоҳлик беради. Бу Худо ҳақидаги ёлғон тасаввурлар Унинг табиатини билмасликнинг ёки Худо Шоҳлиги қандай ишлашини тушунмасликнинг натижасидир. Гапираётганларимни мисоллар билан изоҳлашимга рухсат берсангиз. Агар банкда миллиард долларингиз бўлганида эди: “Менда миллиард доллар бор” деган бўлар эдингиз. Лекин аслини олганда, айтаётган пайтингизда чўнтагингизда миллиард доллар йўқ. Бунинг ўрнига сизда қандайдир идорада миллиард долларингиз бор ва сиз бу идорадан пулларни қўлингизга олиш учун маълум бир юридик жараёнга амал қилишингиз керак. Худонинг Шоҳлиги ҳам худди шундай. Худо хонадонининг фуқароси ва аъзоси сифатида биз аслида, Худода бор бўлган ҳамма нарсанинг меросхўрларимиз. Аммо шундай қонун ва жараёнлар мавжудки, улар орқали аллақачон ўзимизга қонуний равишда тегишли бўлган нарсаларни эгаллаб олишимиз мумкин. Аксарият одамлар Худонинг Шоҳлигини ҳам, унинг ҳаракат қилаётган жараёнлари ва қонунларини ҳам тушунмасликлари сабабли, бирор нарса Худонинг Каломида ёзилганидек содир бўлмаганда, одамлар айб уларда эмас, Худода деб ўйлашади.

Мана нимани аниқладим. Айтайлик, сиз Эмпайр-стейт биносидан сакрашга қарор қилдингиз. Сизда парашют ҳам, бошқа қурилмалар ҳам йўқ, агар сиз қўлларингизни кучли силкитсангиз, хавфсиз тарзда

пастга тушишингиш мумкинлигига ишончингиз комил. Ўйлайманки, бу аҳмоқона ҳазил қандай тугабини биласиз. Натижани, билишингизнинг сабаби тортишиш қонунини тушунишингиздадир. Қонуннинг объектив эканини, севимлилари йўқлигини ва ҳар сафар бир хил ишлабини билиб, натижага ишончингиз комил бўлади. Худди шундай, электр тармоғини қўшиш тугмасини босганингизда, электр қонунларини тушунганингиз учун чироқ ёнишини кутасиз. Самолётда учганимда, кўтарилиш қонунини тушунганим учун унинг кўтарилишини кутаман. Самолёт ва ёруғлик билан боғлиқ умидлар ҳар сафар оқланади, чунки улар ўрганиш мумкин бўлган қонунларга асосланади ва кейинчалик бил хил натижаларга эришиш ва бир хил вазифаларни бажариш учун қайта фойдаланиш мумкин. Худди шундай ишонч даражаси Худо Шоҳлигига ҳам тааллуқли.

Мана, Худого нисбатан биз шундай дадилликка эгамизки, Унинг иродаси бўйича Ундан нимаики сўрасак, У бизни тинглайди. Агар Худо барча сўраётганларимизни тинглаётганини билсак, Ундан сўраётган нарсаларни олишимизни ҳам биламиз.

– 1-Юҳ, 5:14-15

Бизнинг ишончимиз мана шунда. Агар биз Унинг иродаси бўйича нимаики сўрасак, У бизни тинглашини биламиз, агар биз Уни тинглашини билсак, Ундан сўраган нарсамизни олишимизни ҳам биламиз. Тушунаяпсизми, менинг натижага ишончим комил, чунки қонунни айнан подшоҳ ўрнатган. Шунингдек, У Ўзининг қонунини қўллаб-қувватлашни режалаштиради. Муқаддас Ёзувда У бизни тинглайди дейилганда, У бизнинг сўзларимизни фақат товуш тарзида қабул қилишини англамайди, балки судьянинг қарор чиқариш учун ишни тинглашини эслатади. Судья ўз ҳиссиётларига асосланиб эмас, балки шоҳликнинг фуқароларининг манфаати учун қонунни ижро этишда ҳукм қилади. Мен суд иши ҳали бошланишидан олдин уни нима билан тугабини биламан.

Биз Дренда билан Худо Шоҳлигининг қонунларини ҳаётимизда қўллашни бошлаганимизда, унда ажойиб нарсалар қандай содир бўлишини кўрдик. Биз тахминан икки ярим йилда қарзларимиздан тўлиқ қутилдик. Биз “Happy Meal”ни уч нафар болаларимизга бўлиб бериш заруриятидан, нақд пулга машиналар сотиб олиш ва ўзимиз пулини тўлаган “22 гектар” ернинг 55 акрига орзуимиздаги уйни қуришгача бўлган йўлни босиб ўтдик. Биз ширкатга асос солдик, бу ширкатлар йиллар ўтиб ҳозиргача йилига юз минглаб долларлар соф фойда келтиради. Сўнгра биз Худонинг Шоҳлиги ҳақида билганларимизни одамлар билан бўлишиш учун мен туғилган шаҳарда жамоатга асос солдик. Кўп одамлар биз ўрганган нарсаларни билишни ва Худонинг Шоҳлиги таклиф қилаётган яхши ҳаётда яшашни хоҳлашларини аниқладик. Осмон Шоҳлиги ҳақидаги Хушхабар туфайли жамоат бир неча минг одамга ўсди.

Тингламоқчи бўлганлар учун, Худо Шоҳлиги ҳақидаги деярли кундалик ҳикояларга қарамасдан, мен илгари бу ҳақида ҳеч қачон эшитмаган бир гуруҳ одамларга тажриба сифатида мурожаат қилмоқчи эдим. Мен инсоннинг Худо Шоҳлиги ҳақидаги тушунчасига нисбатан ҳаётидаги ўзгаришларни кўриш учун унга Шоҳлик ҳақидаги асосий тушунчани етказишим учун бир неча учрашувлар керак бўлишини билардим. Менинг фикримча, ишлаши керак бўлган моҳиятлар, методистлар жамоатида тарбияланган тажрибамдан келиб чиққан. Ёшлигимда кечги ҳафталик ўйғонишлар ўтказиларди. Шунинг учун, агар шундай айтилиши мумкин бўлса, мен бир ҳафта давом этадиган молявий ўйғонишни ўтказишни орзу қилардим. Мен бу хизматлар беш кечликда давом этишини тасаввур қилардим. Мен илгари ҳеч қачон Худо Шоҳлиги ҳақида бундай кўринишда таълим бермаганман ва умуман олганда уни ташкил қила оламанми деб ўйладим. Шу билан бирга, бу кетма-кет бешта дарс тингловчиларга қандай таъсир қилиши менга қизиқ эди. Мен шундай сессияни ўтказиш учун ибодат қила бошладим ва Худодан менга шундай имконият беришини сўрадим. Менинг

талабим, Шоҳлик ҳақида биринчи марта эшитаётган бир гуруҳ одамларга бу ҳақда гапириб бериш эди.

Бир куни кундузи Олмонияда хизмат қилган дўстимни учратдим. Сўхбатимиз давомида жамоат ва хизматнинг кўпгина жихатларига тўхталиб ўтдик ва охирида сўхбат, Худо менга кўрсатган нарсага қаратилди. Ўша йилнинг кузида Ларри, Олмонияда ўзининг йиллик миллий хизмат анжуманини ўтказаётган эди ва мени маърузачилардан бири бўлишга таклиф қилди. Мен унга бешта сессия ўтмоқчи эканимни айтмадим, лекин у мен ўша ерда учта сессия ўтказишим мумкинлигини айтганида, хурсанд бўлдим. У нафақат ўзим, балки келишни истаган кўплаб чўпонларнинг йўли учун ҳам тўлашим кераклигини айтди, чунки ўша пайтда Олмония жуда қашшоқ мамлакат эди. Мен рози бўлиб, 2005-йилнинг кузида Олмонияга боришни режалаштирдим.

Ниҳоят, сафар вақти келди ва мен масиҳий бўлиш нимани англатишини, эндигина ўрганаётган бир гуруҳ одамларга Худонинг Шоҳлиги ҳақида таълим бера олишимдан жуда ҳаяжонланардим. Олмонияга етиб келганимда, Ларри мени аэропортда кутиб олиб, унинг маърузачиларидан бири чиқишини бекор қилганини ва мен бешта сессия ўтказишим кераклигини айтди. Мен буни албатта, Муқаддас Руҳ ташкиллаштирганини билардим. Менда учта сессия учун қайдлар бор эди, лекин мен тезда ибодат қилиб, яна иккита сессияни ёздим. Мен одамлар қандай муносабатда бўлишидан бироз хавотирланардим. Ахир улар ўта қашшоқликда, мамлакат эса порахўрлик ботқоғида эди.

Биринчи машғулотда уларнинг бироз иккиланганини кўрдим, лекин Худо менга ўргатган нарсаларни ўргатишда давом этиб, шу билан бирга ўргатганларимни тасдиқловчи воқеаларни айтиб берганим сари одамлар янада хурсанд бўлиб, кўпроқ руҳланаверишди. Тўртинчи машғулотда улар кулишди ва баъзилари эшитган нарсаларидан жуда бахтли бўлиб қичқирди. Ғалати, лекин мен Раббий менга бешинчи сессияда қурбонлик йиғишимни

айтганини ҳис қилдим. Мен “ғалати” дедим, чунки бу одамларнинг кўпчилиги бу ерга келиши учун ўзим пул тўлаганман ва уларнинг маблағи жуда кам ёки умуман йўқлигини биламан. Аммо мулоҳаза юритиб, одамлар эшитган нарсаларига қараб ҳаракат қилишлари кераклигини англадим. Бироқ бу ҳақда Ларрига айтишдан бироз чўчидим, лекин у қурбонлик ғоясини дарҳол маъқуллади. Албатта, мен ўзим учун қурбонлик йиғмадим, бу пуллар олмон жамоатлари манфаати учун Олмонияда қолиши керак эди.

Охирги сессия келди ва мен ўргатган баъзи қонунларни тушунтириб, имонни қандай ишга солиш ҳақида ўргатдим. Хизмат якунида қурбонлик қабул йиғаетганимда вазият издан чиқиб кетди. Худонинг мойланиши зални тўлдирганда, одамлар бақириб, рақсга туша бошладилар. Олдинда саватлар билан турган тўрт киши зўрға оёқда турар эдилар. Одамлар қурбонликларини олиб келганларида улар йиғлаб, Худонинг ҳузуридан титрардилар. Мен ҳеч қачон айниқса, қурбонликлар қисмида бундай ҳолатни кўрмаганман.

Ларри ва мен йиғинни тарк этар эканмиз, кучли мойланиш ва одамларнинг муносабатидан ҳайратда қолганимиз ҳақида гаплашдик. Биз Ларрининг уйига келганимизда, у пулни санашни хоҳлади, чунки илгари ҳеч қачон қурбонлик хизматида иккита тўлиқ қоп пул йиғмаган эди. Унинг айтишича, у қурбонлик йиғилиши ҳақида эълон қилганида, одатда қопнинг тўртдан бир қисмида пул йиғилган. Ларри қопдаги пулларни меҳмонхона столи устига тўкаётганда, тўсатдан хонани мовий нур тўлдирди ва мен илгари ҳеч қачон ҳис қилмаган мойланиш қўйилди. Ўрнимизга қайта ўтиришдан бошқа ҳеч нарса қила олмадик. Қаршимиздаги стол устидаги даста пулларга қараганимда, уюмнинг ўртасидаги эркаклар никоҳ узугига кўзим тушди. Бу узукни пули бўлмаган одам қурбонлик қилганини билардим. Узукни кўрганимда, Раббий менга гапирди.

“Мен сени дунё халқларига Менинг молиявий баракам ҳақидаги аҳдимни ўргатишга даъват этаман ва сени қаерга юборсам ҳам, бунинг ҳаққини тўлайман”.

Мен гангиб қолган эдим. Мен уч кун ухлай олмадим. Бу мойланиш бир неча ҳафта давомида мен билан бўлди. Агар бошқа давлатдан кимнидир учратсам, бу мойланишни яна ҳис қилардим. Қурбонликлар албан жамоатлари учун қолдирилган бўлсада, уйга қайтганимдан сўнг, Ларри менга қўнғироқ қилиб, Раббий унга мен учун узук юборишни буюрганини айтди. Бу мени тўлқинлантириб юборди. Мен Ларрига бу узукка эга бўлиш истагим ҳақида ҳеч нарса айтмаган бўлсамда, у бу ҳақида Худодан эшитиб, менга юборди. Мен бу узукни Раббийнинг менга айтганлари хотираси сифатида сақламоқчи эдим ва бугун у менинг деворимда осилиб турибди.

Мен Огайога уйга қайтганимда, Ларрининг дўсти бўлмиш, Юта штатидаги кичик жамоатнинг чўпони Олмонияда содир бўлган воқеани эшитиб, агар имкони бўлса, келишимни сўради. У ҳинд резервациясида чўпон эди ва у ердаги одамлар ниҳоятдан камбағал эканини айтди. У жамоатида бор-йўғи олтмишга яқин одам борлигини айтди, лекин мен бунинг аҳамияти йўқлигини ва келишимни айтдим. Мен Олмонияда бўлгани каби бешта сессия ўтказдим. У ерда мовий нурни кўрмадим, аммо мойланиш яна жуда кучли эди.

Бу ҳолатда қурбонлик менинг хизматим учун эди, шунинг учун пули бор сумканинг оғзини ёпиб, Огайога олиб келдим. Офисга келиб, пулни ҳисоблаб, ҳисобимга киритиб қўйиши учун сумкани котибамга бердим, сўнгра тушлик қилиш учун кетдим. Тушлик пайтида менинг уяли телефоним жиринглади ва унда котибамнинг рақами кўринди. Гўшакни кўтарганимда, ҳеч кимни овозини эшитмадим. Гўшакни қўймоқчи бўлган ҳам эдимки, кимнингдир йиғлаётганини эшитгандай бўлдим.

Трейси? – дедим.

Трейси ҳиссиётларини жиловлашга уриниб, жавоб берди:

Чўпон, Ютада бу пулларга нима бўлди? – деди.

Пуллар билан нима бўлганини сўраб, нимани назарда тутяпсан? – дедим.

Тушунапсизми, - деди у, - пулларни санаш учун сумкани очиб,

пулларни стол устига тўкканимда, тўсатдан, Худонинг мойланиши менга шундай куч билан қуйилдики, мен ерга йиқилдим. Шовқинни эшитган бошқа котиба нима бўлаётганини кўриш учун хонасидан чиққанида, Худонинг кучи унга ҳам шундай тегди. Чўпон, пулга нима бўлди?

Мен унга Ютада нима содир бўлгани, қурбонлик йиғаетган пайтимизда у ерда ҳис қилган кучли мойланишим ҳақида, лекин бундан ташқари ҳеч нима содир бўлмагани ҳақида айтиб бердим. Тан олишим керакки, содир бўлаётган нарсалар мени жуда қизиқтириб қўйди, чунки илгари ҳеч қачон бундай нарсаларни эшитмаган ва кўрмаган эдим. Тушунмаган бўлсам-да, йиғиндан олинган мойланиш бу пулларда экани кўриниб турарди! Ғаройиб!

Биз бутун мамлакат бўйлаб, катта-ю, кичик жамоатларда, бизни тинглашни хоҳлаган барча жойда “Молиявий инқилоб анжуманларини” ўткази бошладик. Мовий нурни баъзи бир ҳолларда кўрган бўлсак ҳам, мойланиш ҳар доим кучли бўлар эди. Олмонияда бўлгани каби Юта штатидаги ҳинд жамоатидаги қурбонликлар билан бўлган ҳолатда ҳам мойланишнинг қолдиқлари қурбонликнинг ўзида эди. Мен йиғин якунида қурбонликлар ҳисоблаб чиқилгандан сўнг, ўша қурбонликдан битта тангани қўлингизга олсангиз, шунчаки Муқаддас Рухнинг таъсири остида титрашни бошлашингиз мумкинлигини пайқадим. Биз эътибор берган яна бир қизиқ жиҳат шундаки, пул қоғозлари ёки чеклар ҳар хил эди. Уларнинг ҳаммаси ҳам бир хил мойланиш даражасига эга эмас эди. Кейинчалик билдимки, бу қурбонлик келтирган одамнинг имон кучига боғлиқ эди. Ажойиб!

Бешта китобдан иборат “Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб” туркуми Олмониядаги ўша биринчи учрашувда ўтказган бешта сессияни ўз ичига олади. Албатта, китобларнинг мазмуни биринчи анжуманга нисбатан бироз кенгайтирилган. Ишонаманки, биз Дрендадек, Шоҳликни ўрганишни бошласангиз, бу ҳудди биз билан содир бўлганидек, ҳамма нарсага нисбатан муносабатингизни

Ўзгартиради. Туркумдаги бу учинчи китоб, Олмонияда ўргатганимда дастлаб “Муқаддас Рухдан келган бойлик” деб номланган эди. Бу фикрни бугунги кунда ҳам тўғри деб биламан. Айнан Муқаддас Рух томонидан илҳомлантирилган режалар сизни фаровонликка олиб боради. Умид қиламанки, бу китоб орқали сиз бу режаларни ҳаётга тадбиқ этиш учун Муқаддас Рух ерда қандай ишлашини билиб оласиз.

1-БОБ.

БИЗДАН НИМАНИ ИСТАЙСАН?

Мен илк бор Олмониядан уйга қайтганимдан сўнг, саросимага тушиб қолдим. Раббий бизнинг ҳаётимизда нима қилганини ва кейин У менга буни халқларга етказишимни айтганини ҳазм қилиш қийин эди. Халқларга? Тўйимиздан кейин Дрендага ҳеч қачон саёҳатга бормайман деб айтган мен. Мен ҳеч қачон бошқа давлатларга хизматга боришни орзу қилмаганман. Лекин албатта, Худонинг бошқа режалари бор эди. Мен халқларга мурожаат қилишим керак эди, лекин қандай қилиб? Менинг Америка Қўшма Штатларининг кўп қисмини қамраб олган бизнесим, бошқаришим керак бўлган жамоатим, ғамхўрлик қилишим керак бўлган оилам ва бошқа кўп масъулиятларим бор эди. Мен шунчаки ҳаммасини бошқа халқларга қандай айта олишимни тушунмасдим. Лекин Худода менинг саёҳат қилишимни талаб қилмайдиган, бу ҳақда ҳеч қачон ўйламаган ва ўйлашни ҳам хоҳламаган режаси бор эди – бу ойнаижаҳон эди.

Биз Дренда билан ойнаижаҳонга умуман тушунмас эдик. Ўша вақтларда биз, ҳатто хизматларимизни тасвирга олмас эдик. Аммо Худо бизга нима бўлишини ва буни қандай қилиш кераклигини кўрсата бошлади ҳамда биз ойнаижаҳонга қизиқиш ҳис қилдик. Биринчи билганим, ойнаижаҳон учун пул керак, жуда кўп пул керак эди. Биз ҳаммасини ҳисоб-китоб қилганимизда, ойнаижаҳондаги биринчи йил иш учун тахминан 300 000 доллар керак бўлиши маълум бўлди. Тан олишим керакки, унинг қанчалик қимматлиги мени

хайратда қолдирди. Асосий муаммо жамоат аллақачон молиявий имкониятларнинг охириг чегарасида эди, чунки биз ўз хизматимизни олиб борадиган шаҳарчамизни, “Ҳозир” номли марказимизни қураётган эдик, бизда ойнаижаҳонга тўлаш учун ортиқча пул йўқ эди. Шундай қилиб, мен Раббийга ҳозир ойнаижаҳон лойиҳаси учун пул йўқлигини айтдим. Эсимда, У гапимга розилик билдириб: “Тўғри, шунинг учун сен бун Дренда билан тўлайсизлар!” – деди. Биз биров довдираб қолдик десам, айниқса, олти-етти миллион долларлик жамоат қурилиши лойиҳаси қизғин паллада эканини ҳисобга олсак, ҳеч нима демаган бўламан. Ишонинг, “Ҳозир” маркази лойиҳасининг ўзи имонга асосланган катта ташаббус эди ва келадиган барча пулларни олиб қўяр эди. Бундан ташқари, биз Дренда билан лойиҳага 250 000 доллар ажратишга ваъда бергандик ва ўша пайтда бу пулларнинг ҳаммаси ҳали қўлимизда эмас эди. Буларнинг барчасига ўша йилнинг ўзида тўланиши керак бўлган яна 300 000 долларни қўшиш имконсиз бўлиб туюлди.

**ХУДО ЎЗ СЎЗИГА СОДИҚ
ЭКАНИНИ ВА УНГА
НИМА ҚИЛИШИМНИ
КЎРСАТИШИГА
ИШОНИБ, ИМОН
ҚАДАМИНИ
ТАШЛАШИМ
КЕРАКЛИГИНИ
БИЛАРДИМ.**

Мен отланган саёҳат Раббийдан эканини билардим ва У мени қаерга юбормасин, ҳамма нарса учун пул бериши ҳақидаги Унинг ваъдаси ҳамон ичимда янграб турарди. Лекин шунга қарамай, мен рақамларга қайси томондан қарамайин, қилган нарсаларимизга қўшимча 300 000 долларни Дренда билан қандай тўлай олишимизни тушунолмасдим. Худо ўз Сўзига содиқ эканини ва Унга нима қилишимни кўрсатишига

ишониб, имон қадамини ташлашим кераклигини билардим. Жамоат ҳар бир унга тушган тийинини бино қурилишига сарфлаган. Менинг барча шахсий пулларим эса, беришга ваъда қилган 250 000 долларни тўлаш учун ишлатилди. Ўша йили бизнесимнинг бошқа кўплаб соҳалари ҳам молиялаштирилишга муҳтож эди. Ойнаижаҳон

лойиҳасини ишга тушириш учун шунчаки бизда 300 000 доллар йўқ эди!

Дренда билан Гавайяда икки ҳафталик таътилни режалаштирган эдик ва уйга қайтгандан сўнг, ойнаижаҳонда иш бошлаш учун шартнома имзолашим керак эди. Менга албатта, Гавайя ёқди, лекин ростини айтсам, уйга қайтганимда дуч келадиган қарор юкини онгимдан чиқариб ташлаш қийин бўлгани сабабли хотиржам дам олиш қийин бўлди. Ойнаижаҳон лойиҳанинг пулга тегишли жиҳатидан ташқари, мен бу ишга мутлақо тайёр эмас эдим, чунки камерага гапирганимда ўзимни ноқулай ҳис қилардим. Йиғинда минглаб одамлар билан гаплаша олардим, лекин телекамера қаршисида шунчаки ваҳимага тушардим. Буларнинг барчаси онгимда ва руҳимда содир бўлаётган бир пайтда, мен бу қарорни қабул қилиш қўрқуви билан курашардим.

Мен Раббийни мутлақо аниқ эшитганимни билсамда, ҳали-ҳануз пул йўқ эди. Мен шундоқ ҳам молиявий жиҳатдан бир йил давомида бизнесдаги камаримни сиқиб боғлаб қўйган эдим ва бунинг қандай имконли эканини тушуна олмас эдим. Ҳа, бу қўрқув эди, ҳа бу ишонмаслик эди. Мен буни биламан. Мен шунчаки бу қандай бўлса, шундайлигича айтяпман. Мен Каломни тутиб туриб, зарур ишлардан чалғиб, ўша узукка қарашни давом эттиришим кераклигини билардим. У тўлашини айтди! Ўша пайтда қурбонлик йиғинларимизнинг бирида, менга олтин танга олиб келдилар. Тўғриси айтсам, олтин тангани қўлимга олмагунимча, бунақа тангаларни ҳеч қачон кўрмагандим. Мен уни ушлаб турганимда, Раббий менга гапирди: “Мен Петъорга солиқ тўлаш учун танга қаерда эканини кўрсатганимдек, ойнаижаҳон учун тўлашинг учун пулни қаердан топишни кўрсатаман”.

Мен бу олтин тангани ўзим билан Гавайяга таътилга олиб бордим ва Худо ойнаижаҳон ҳақида ғамхўрлик қилишини эслатиб туриши учун қўлимда танга билан соҳил бўйлаб юриб, ибодат қилдим. Менинг соҳилдаги ибодат саёҳатларим одатда мана шундай

ўтарди. Бир мунча вақт Рухда ибодат қилганимдан сўнг, шартнома имзолаш ҳақида ташвишлишни тўхтатдим ва уйга қайтиш учун қайрилдим, лекин тепаликка тахминан 10-15 метр юрганимдан сўнг, онгим пул топишнинг ҳеч қандай имкони йўқ деб яна қичқиришни бошлади. Аслида ҳам пулимиз йўқ эди, ТВ-лойиҳасини қандай амалга оширишни билмас эдик, бизда ҳеч қандай ускуна йўқ эди ва бу рўйхатни давом эттириш мумкин. Аммо Раббийнинг Олмонияда менга айтган сўзлари менинг қалбимда ҳамон жаранглаб турарди: У мени қаерга юбормасин, бу учун У тўлайди. Буларнинг барчаси май ойида содир бўлди ва асосан бунга амалга оширишим учун йил охиригача 300 000 доллар пул топишим керак эди, бу эса вазифани мураккаблаштирди.

Худо менга айтган нарсаларни ушлаб қолиш қароримни синаш учун қўрқув яна менга гапирди: “Сен молиявий бенуқсонликни ўргатяпсан, тўловларингни тўлолмаганигда, бу қандай бўлади?” Шунда мен орқага ўгирилиб, тинчликка эга бўлмагунимча ибодат қилиб, Худонинг сўзи билан онгимни янгилаб, соҳилга қайтиб кетардим. Ҳаммаси яхши бўлишини ва қўрқув энди мени салбий фикрлар билан қийнамаслигини тушунмагунча бу шартноманинг ижобий ва салбий томонларини ўйлаб кўриб, тахминан бир ҳафта давомида у томондан бу томонга кезиб юрдим. Дренда билан пул қаердан келишини билмас эдик, лекин биз Худони эшитганимизни билар эдик. Шунинг учун уйга қайтгач, шартнома имзолаб, ойнаижаҳон қандай ишлашини билиш учун йўл олдик. Тенгламанинг пул томонига келсак, ажабланарлиси шундаки, Гавайяга режалаштирилган таътилдан бир неча ой олдин, Атлантадаги номаълум бир эркак менга қўнғироқ қилди. У менинг молия ҳақидаги китобимни кўриб қолгани ва унга ёққанини айтди. Ўша пайтда менинг китобим фақат ўз-ўзидан нашр этилган ва ўз шаҳримдан бошқа ҳеч бир жойда сотилмаган эди. Лекин менинг ходимларимдан бири Атлантага таътилга борганида, аэропортда тасодифан учратган бир киши билан тирикчилик учун қандай пул топиши ҳақида суҳбат олиб борган кўринади. Ҳамкасбимда ўзи

билан китобим бўлган ва уни ўша кишига берган.

Охир оқибат, у киши китобни ўқиганини айтди ва китоб уни шунчалик қизиқтирганки, у мен билан гаплашиш керак деб ҳисоблаган. Биз узоқ суҳбатлашдик ва у асосан хорижий мамлакатларда ишлайдиган саёҳатчи хушxabарчи эканини айтди. У қачон учрашимиз мумкин деб сўради ва мен таътилимдан сўнг ўтиши керак бўлган йиғинга кетаётганимда, тахминан бир ойдан кейин Атланта аэропортида бўлишимни айтдим. Биз учрашишга келишиб олдик. Ниҳоят биз учрашганимизда ажойиб суҳбат қурдик. Мен унинг саёҳатларида тез-тез дуч келадиган мўъжиза ва хавф-хатарлар ҳақидаги барча ҳикояларини тинглаш менга жуда ёқди. Аммо биз айнан молия мавзусида чиндан ҳам яқинлашдик. У менинг китобим ва қарзлардан қутилиш ҳақидаги ҳикоямга маҳлиё бўлиб қолгандек туюлди.

Суҳбатимиз чоғида у киши телекўрсатувда меҳмон бўлиб, ҳозиргина Шарлоттадан қайтганини ва менинг молия тўғрисидаги ҳикоям бу шоу учун ажойиб мавзу бўлади деб ҳисоблашини айтди. Уларга китобимни бериб, мен ҳақимда айтиб беришини айтди. Мен буларнинг барчасидан бироз ҳайратда эдим.

Мен у тилга олган теледастур тўғрисида ҳатто эшитмаган эдим, лекин бир неча ҳафтадан сўнг ҳақиқатан ҳам дастур бошлиғи қўнғироқ қилиб, шоуда иштирок этишни хоҳлайсизми деб сўраб қолди. Шоуда иштирок этишнинг талабларидан бири улар эфирда таклиф қилиши мумкин бўлган маҳсулотга эга бўлиш эди. Шунинг учун мен уларга бешта компакт-дискдаги “Молиявий инқилоб” курсимнинг ёзуви бор дедим. Улар бу жуда ажойиб дейишди ва биз дисклар тўпламининг нархини келишиб олдик. Албатта, мен уларга тўпламни улгуржи нарҳда бердим, лекин мана шундай нарҳда ҳам фойданинг бир қисмини хизматимиз учун қолдиришга муваффақ бўлдик. Шоу ҳайратланарли даражада муваффақият қозонди ва биз минг-минглаб ушбу компакт-диск тўпламларини сотдик. Фақат шунинг ўзигина бу шартномани имзолаш чоғида мен ҳеч нарса

билмаган манбадан ойнаижаҳон учун минглаб долларни олиб келди.

Кейин яна бир ларзага солувчи ҳодиса содир бўлди: жамоатимиздан бўлган бир киши келиб, телекўрсатувни молиялаштиришга ёрдам бериш истагини билдирди, у бир неча йил олдин молиявий қийинчиликда ва кўчада қолиш хавфига яқин турган эди. У Худо Шоҳлиги ҳақидаги воизликларда эшитганларини амалда қўллаган ва қамбағалликдан чиққан эди. У менга телекўрсатувимиз учун 120 000 доллар берди! Ушбу компакт-дисклар тўплами сотилишини, жамоатдаги дўстимнинг совғаси ва бошқа келган совғаларни ҳисобга олганда, биз Дренда билан ойнаижаҳондаги биринчи йиллик ишимизга ўз маблағимиздан бир тийин қўшишимиз ҳам шарт бўлмади! Худо Ўз Сўзига содиқ эди. У бу учун тўлашини айтган эди ва У тўлади. Хўп, муаммонинг ярми ҳал қилинди, лекин менда ҳал қилиниши керак бўлган бошқа муаммо бор эди ва у ҳам жиддий эди. Мен илгари айтганимдек, ойнаижаҳон ҳақида ҳеч нима билмас эдим!

Ўша кузда Дренда катта масиҳий аёллар анжуманида иштирок этди ва уни йиғилишлар оралиғидаги танаффусларда меҳмонлар йиғиладиган дам олиш хонасига таклиф қилишди. Дренда учун таклифнома олиш катта шараф эди ва бажонидил борди. Йиғилишларнинг биридан сўнг, тушлик қилиш учун ўтирганида, ёнига илгари ҳеч қачон учратмаган бир аёл ўтирди. Бироз ҳол-аҳвол сўрашишгандан сўнг, аёл бирдан сўради:

– Сиз энди ойнаижаҳон билан шуғулланыпсизми?

Дренда бироз ҳайратланиб, жавоб берди:

– Йўқ, лекин биз бу ҳақда ўйлапмиз.

Шунда аёл деди:

Мабодо қарор қилсангиз, мана бу йигитга қўнғироқ қилинг, у сизларга ёрдам беради. Дренда аёл берган рақам ва электрон почтани ёзиб олиб, қоғозни сумкасига солиб қўйди.

Дренда бир-икки ҳафтадан бери уйда ва сумкасига солган қоғозни унутган эди. Аммо бир куни кечқурун қоғозни топиб йигит

нима деб жавоб беришини билиш учун унга ёзишга қарор қилди. У қизиқиб қолиб, унга менинг “Молиявий инқилоб” компакт-диск тўпламимни юборишимни илтимос қилди ва биз юбордик. Тахминан бир ҳафта ўтгач, унинг ёрдамчиси бизга қўнғироқ қилиб, бу жаноб ўта қизиқаётганини ва бир неча ҳафтадан сўнг бўлиб ўтиши керак бўлган миллий диний телерадио ширкатларнинг йиллик анжуманида биз билан учрашмоқчи эканини айтди. Биз унга боришга ваъда бердик.

Биз Дренда билан анжуманга бордик ва учрашувдан олдин бироз асабийлашдик. Мен бу учрашув учун янги қора костюм сотиб олдим ва ҳақиқатан нима кутишни билмас эдим. У биздан телелойиҳани муҳокама қилиш учун меҳмонхонадаги унинг хонасида учрашишимизни сўради. Эсимда, унинг хонасига чиққанимизда, бироз тинчланиш учун хона эшигини тақиллатишдан олдин бир неча марта йўлак бўйлаб у ёқдан бу ёққа юрдик. Хонага кириб, биз билан гаплашмоқчи бўлган бутун бир гурӯҳ одамларни кўриб ҳайрон қолдик. Ўриндиқлар ярим доира шаклида жойлаштирилган эди ва мен билан Дрендани ўриндиқлар қаршисига ўтқизишди. Уларнинг ҳеч бири билан илгари учрашмаган эдик ва уларнинг барчаси жуда расмий кийинган эди.

Биз кичик суҳбатдан бошладик, лекин кейин улар бизнинг ойнаижаҳон билан шуғулланиш истагимиз ҳақида саволлар беришди. Биринчи саволни ҳанузгача эслайман:

– Ҳўш, ойнаижаҳон билан нима учун шуғулланмоқчисиз?

Ўша пайтда хонада йиғилган одамлар ойнаижаҳон ишининг турли жиҳатларини тақдим этувчи юқори даражадаги раҳбарлар эканини билмас эдим. У ерда биз гаплашган киши ҳам бор эди, у одамдан ташқари у ерда ишлаб чиқариш ва маркетинг билан шуғулланувчи одамлар, шунингдек, қийин саволлар берган бошқа соҳалардаги мутахассислар ҳам бор эди. Умуман олганда, фикримча, учрашув жуда яхши ўтди. Биз ҳеч қандай таассурот қолдиришга уринмасдан, боримизча бўлдик ва шунчаки Худо бизга нима қилгани тўғрисида

воқеа билан бўлишдик. Бизнинг мақсадимиз ва иштиёқимиз уларнинг барчасига ёққандек кўринди ва улар тафсилотларни муҳокама қилиш учун бир неча ҳафтадан сўнг қўнғироқ қилишини айтишди.

Бир неча ҳафта ўтгач, биз яна гаплашдик ва бу сафар телекўрсатувни аниқ режалаштиришга ўтишга қарор қилдик. Ўша пайтда биз шоуни ўзимизда суратга олишимиз мумкин деган хулосага келдик, шунинг учун Дренда билан боғланган жанобга, рафиқам кейинги учрашувни ўйимизда ташкил қилишимиз мумкинлигини айтди. У ҳақиқатан ҳам бунинг имкони борлигини тушуниши учун ўйимизни кўрмоқчи эди. Ўша кун келди, у ўйимизга келди ва ҳаммамиз гаплашиш учун ўтирдик. Унинг ташрифига ойнаижаҳондаги ўнинг тарихи ҳақида деярли ҳеч нарса билмасдим, фақат Дренда иштирок этган йиғиндаги бир аёл унга телефон рақамини берганини билар эдим. Биз қўлай жойлашиб олганимиздан сўнг, у продюсерлик қилгани ва ҳозирги кунда шуғулланаётган барча телевизион шоулар ҳақида гапириб беришни бошлади. Барча номлар машҳур эди. Мен уни ҳурмат қилиб ўтирдим: “Худойим, бу йигитни қандай қилиб Лос-Анжелесдан, олис ердаги кичкина тупроқ йўл бўйидаги ўйимга олиб келдинг?” У биз учун барча шоуни ташкиллаштиришга, суратга олишга, монтаж қилишга ва жуда мақбул нархга продюсерлик қилишга рози бўлди. Биз ҳам бошланишига ўйимиздаги меҳмонхонада суратга олишни бошлашга келишиб олдик.

Суратга олишнинг биринчи куни ҳам келди, мен асабийлашганимни тан оламан. Айтганимдек, бу иш бўйича тажрибам йўқ эди. Телекўрсатув қандай тузилишини билмасдим. Илгари ҳеч қачон камерага гапирмаганман, ҳаммаси янги эди. Мен Худо Шохлиги тўғрисидаги ҳикоямни айтиб бера олишимдан қувончли тўлқинланишни ҳис қилдим, лекин ойнаижаҳон мен ҳаётимда енгиб ўтишим керак бўлган қўрқинчли тўсиқлардан бири эди.

Энг ёмони, суратга олиш кунини янада фожеали қилган, юракни эзадиган бир воқеа содир бўлди. Бир ҳафталик суратга олиш учун

юборилган продюсер ярим тунда жўнаб кетди. Фожиали бахтсиз ҳодисада қўшнисининг машинаси орқага ҳаракатланаётганда, унинг ўғлини уриб юборган ва у ҳалок бўлган эди. У ерда бўлган ассистент нима бўлганини тушунтирди ва биз бу ҳақда суратга олиш тугамагунча ҳеч кимга айтмасликка қарор қилдик. Қандайдир тарзда биз буни урдасидан чиқдик. Ўша куни биз учта кўрсатув ёзиб, расман эфирга чиқдик. Қойил!

Биз теледастурни бошлаган пайтимизда, кейинчалик эфир вақти учун тўловни қандай давом эттиришимизни тасаввур қилолмас эдик. Лекин Худо нафақат дастур бошланиши учун бизга керак бўлган 300 000 долларни беришини, балки эфир вақти учун тўлов давом этишини бизга ўргата бошлади. Биз ўрганишимиз керак бўлган нарсалар жуда кўп эди. Биласизми, биз ҳатто одамлар бизнинг телевизион кўрсатувимизга сармоя киритишни истайди деб ўйламаган эдик, биз ниҳоятда содда эдик.

Эсимда, кўрсатувимиз эфирга узатила бошлаганидан кўп ўтмай, котибам Трейси офисдан қўнғироқ қилди. Телефонни кўтарганимда, унинг хайратда қолганини ҳис қилдим. Унинг овози титтарди.

– Чўпон, - деди у, - кўрсатувни томоша қилганлардан кимдир бизга 500 долларга чек юборибди. Чўпон, мен уни олганимда, сиз ҳинд резервациясидан олиб келган пулларда бўлганидек, бу чекда ҳам ўша мойланиш бор эди.

– Жиддий гапиряпсизми? – дедим
ғўлдираб, - ҳақиқатан ҳам кимдир
бизга пул юбордимми?

Бу чек пайдо бўлмагунича,
одамлар кўрсатувни қўллаб-
қувватлаб, пул юбориши ҳаёлимга

**АГАР ОРАНГИЗДА БИРОР
КИШИ АЗОБ ЧЕКАЁТГАН
БЎЛСА, У ИБОДАТ ҚИЛСИН.**

– Ёқуб 5:13

ҳам келган эмас эди. Лекин Худога шараф, ўшандан бери одамлар пул юборишда давом этмоқдалар ва энди дастур ҳар куни бутун дунё бўйлаб барча вақт минтақаларида намойиш этилмоқда! Ҳисоб бир йилда миллионгача ўсди, лекин Худо менга берган Сўзини доимо

бажарди. У ҳар доим тўловларни тўлайди.

Бу китоб Муқаддас Рухни қандай эшитиш ва Унга ҳаётингизни бошқаришга изн бериш тўғрисида. Бизнинг ойнажаҳон ҳақидаги ҳикоямиз Муқаддас Рух одамларни ўзлари, қачонлардир тасаввур ҳам қила олмайдиган катта ютуқларга етаклашининг яхши намунасидир. Худо бизнинг ҳаётимизда қилган барча нарсалар фақатгина Унинг Шоҳлиги қандай ҳаракат қилишини билиш эмас, балки шунингдек, Худо бизга керак бўлган йўл-йўриқ, донолик ва жавобларни эшитиш қобилиятимиз туфайли ҳам содир бўлди. Агар мен Муқаддас Рухни тинглашни билмаганимда эди, ҳозиргина мен сизга айтиб берган ҳикоя ҳеч қачон содир бўлмасди. Бизнинг ҳаммамиз баъзан умидсиз бўлиб кўринган қийин вазиятларга дуч келамиз. Лекин Худода жавоб бор.

“Агар орангизда бирор киши азоб чекаётган бўлса, у ибодат қилсин” (Ёқуб 5:13).

Нима учун ибодат қилиш керак? Чунки сиз жавоб, йўл-йўриқ ва муаммонинг ечимини эшитишингиз керак. Биз Дренда билан муаммога дуч келганимизда ўзимиз тасаввур қилганимиздан кўра, Худо кўпроғига қодир эканига бир неча бор ишончимиз комил бўлди. Сизга имконсиз бўлиб кўринган нарсани енгиб ўта олишингиз учун У сизга ўзига хос, баъзан ғалати ечимлар ва режалар билан ёрдам беради. Кўп ҳолларда жавобни эшитиш қобилиятингиз муваффақият ва муваффақиятсизлик, ўлим ва ҳаёт ўртасидаги фарқ бўлиши мумкин. Мен бу китобда Муқаддас Рухнинг овозини эшитиш ҳақида кўп гапираман, лекин аввало сизга Муқаддас Рух қийин пайтларда қандай ёрдам бериши ҳақида яна бир мисол келтиришимга рухсат беринг.

Биз “Ҳозир” марказимизни қурилиши бўйича 6,5 миллион долларлик лойиҳани бошлаганимизда, биз дастлаб 2,5 миллион доллар нақд пул тўпландик, шунингдек, банк ҳисобларидаги маблағлардан қисман ишлатдик. Қолаверса, бизда қурилиш кетаётган

пайтда 18 ой ичида тушган пулларимиз бор эди. 550 кишилик жамоат учун бу жуда кенг кўламли лойиҳа эди. Биз 2007-йилнинг кузида пойдевор қўйдик ва 2008-йилнинг баҳоригача ҳаммаси зўр кетди. Эҳтимол, сиз 2008-йилдаги иқтисодий инқирозни эсласангиз керак. Шундай қилиб, биз қурилишимиз билан унинг марказида эдик. Ҳамма нарсанинг нархи осмон бўлиб кетди! Пўлатнинг нархи савдода таклиф қилинган нархдан 300 000 долларга ошиб кетди. Бу фақат бир мисол. Ўша йили хом-ашё нархининг кескин кўтарилиши туфайли бутун лойиҳа, биз тузган бюджетдан ошиб кетди.

2008-йилнинг охирига келиб, инқироз чуқурлашгани муносабати билан ҳудудимиздаги ва бутун республикамиздаги банклар кредит йўналишларини ёпиш ва кредитларни қайтаришни талаб қила бошлади. Бир кун бизнинг пудратчимиз банкимиз томонидан олдиндан тасдиқланган тўлов учун бизникига келди. У субпудратчилар билан ҳисоб китоб қилиши ва бошқа тўланмаган тўловларни қилиши, аллақачон сарфланган пулларни қоплаши керак эди. Миллион долларлик чек, олдиндан келишилган банк маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши керак эди, чунки ўша вақтга қадар биз барча нақд пулларни сарфлаб бўлган эдик. Лекин миллион доллар учун чек йўқ эди. Банк ўз таклифини қайтариб олганини ва кредит йўналиши қисқартирилганини билганимизда ҳайратда қолдик. Яна, бу фақат бизнинг банкимиз эмас, балки шаҳарнинг барча банклари ҳам шундай қилган эди. Бизнинг банкимиз ўша ҳафта маҳаллий газетанинг биринчи саҳифасида чиқди. Шу билан бирга улар 550 нафар ходимни ишдан бўшатишди ва молиявий инқироз шароитида омон қолиш учун курашдилар.

Яна муаммо шунда бўлдики, бизнинг пудратчимиз ўзининг субпудратчиларига ҳақ тўлаши ва у аллақачон ишлатган хом-ашёлар учун тўлов қилиши керак эди. Бу миллион долларлик чек келажақдаги эҳтиёжлар учун эмас эди. У бу миллион долларни сарфлаб бўлган эди! Энди бошқа ширкатлар ва оилаларга пудратчимиз пул тўлаши учун, биз унга тўлашимиз керак эди. Биз каби у ҳам банк ҳар қандай

ҳолатда ҳам ўз мажбуриятларини бажаради деб ўйлаган. Энди нима бўлади? Бундай вазиятда нима қилиш керак? Менинг қўлимда миллион доллар йўқ ва жамоатимиз аъзоларимиздан пул сўраш ниятим йўқ эди. Бундан ташқари, биз кўплаб бошқа тармоқларни кенгайтирганимиз сабабли ойнаижаҳон харажатлари ошиб борарди. Бизнинг эфир вақтимиз энди ойига 500 доллар бўлди. Бизга фақат Ёқуб (5:13)да айтилганини қилишдан бошқа нима қолди? Ибодат қилиш!

Шундай бўлдики, биз ўз бизнесимиз орқали Гавайяга яна бир сафарни ютиб олдик. Жўнаб кетишдан бор-йўғи бир неча кун олдин банкнинг кредит тўғрисидаги жавобини билдим. Тан олишим керакки, Мауига учиб учун рейсимизга улгуриш учун аэропортга шоша туриб, мен ҳали ҳам шокда эдим. Менинг фикрларим соатига миллион мил тезликда югурар эди. Аммо мен ўзимга ачиниш васвасасига тушиб, аэропортга кетаётганимда, Раббийнинг овозини эшитдим. У: “Таёғингни кўтар!”- деди. Мен тўхтаб, Раббий менга айтишга уринаётган нарса ҳақида ўйлаганимда, мен бирдан тушундим.

Фиръавннинг қўшини Исроилни Қизил денгизга сиқиб келгани сабабли Исроилнинг борадиган жойи қолмаганида, Худо Мусога айнан шуни айтган эди. Худо Мусога таёқни денгизга кўтаришини буюрди ва Мусо шундай қилганида, денгиз иккига бўлиниб, Исроилга нажот йўлини очди. Мусонинг таёғи Худо томонидан унга берилган ваъдаларни, шунингдек, ўз вазифасини бажариши учун берилган ҳокимиятни ифодалайди.

Ўша пайтда Худо менга нима деганини билар эдим. Мен бу жамоатнинг чўпони, етакчиси эдим. Бу вазиятни ҳал қилиш учун менга ҳокимият берилган эди. Мен ўз ҳокимиятимдан фойдаланишим, қатъийлик кўрсатишим ва ечим топишим керак эди. Биз Гавайяга келганимизда, мен фақат ибодат қила олардим. Уйқусизликдан қийналардим. Рўҳим саросимада эди ва мен истаган жавоб учун Рўҳда курашаётганимни билар эдим. Ниҳоят, Дрендада

унинг фикрича Раббийдан бўлган бир ғоя пайдо бўлди. Хотиним учун Худога шараф! У зарур режаларни қуришимда ва ҳар хил вазиятларда йўналиш топишимда менга жуда кўп ёрдам берган. У мен учун қанчалик азиз эканини ва уни қанчалар кучли севишимни таърифлаб беролмайман. У ҳеч қачон таслим бўлмайди!

Унинг режаси оддий ва шу билан бирга, асосли эди. Ҳеч нарса бу режа ишлашани кўрсатмас эди, лекин биз дарҳол ишга киришдик. Режага кўра, ўзимизнинг банкка эмас, пудратчининг банкига бизга пул қарз бериб туриш илтимосномасини бериш учун тақдимот тайёрлаш эди. Тақдимотимиз банкка бизнинг кимлигимизни ва нима учун биз кредит икки томон учун ҳам фойдали бўлишига ишонишимизни кўрсатиши керак эди. Имкониятлар кичик эди, чунки айтганимдек, шаҳардаги барча банклар кредит беришни бутунлай қисқартирган эди. Агар бизнинг пудратчимизга тўланмаса, у ўзини банкрот деб эълон қилиш керак бўлади, бу эса банкдаги унинг ҳозирги барча кредитларини қайтармаслигини хавф остига қолдиради деб ўйладик. Бу банкка қимматга тушишига ва улар бунга хоҳламаслигига ишончимиз комил эди. Эслатиб ўтаман, бу бизнинг банкимиз эмас эди ва уларни биз билан ҳеч қандай алоқаси ёки тарихи бўлмаган. Шунинг учун биз ҳудудимизнинг демографик ҳолатини ва унинг ўсиш суръатини батафсил тавсифловчи чизмалар туздик. Биз банкка ҳикоямизни айтиб бердик ва кутилаётган ўсишни кўрсатдик. Шунингдек, биз биномиз жамоат хизматларидан ташқари даромад оладиган кўплаб имкониятларга эга эканлиги ҳақида, масалан, ойнаижаҳондан келаётган даромадлар қанчалик тез ўсиб бораётгани ҳақида ва бизнинг фикримизча уларни қизиқтириши мумкин бўлган яна кўп нарсалар ҳақида айтиб бердик. Биз уларни мана шундай қийин вақтларда

**АГАР СИЗ
ҚАЧОНЛАРДИР ОСМОН
ШОҲЛИГИНИНГ
АЖОЙИБ
САЛОҲИЯТИДАН
ФОЙДАЛАНМОҚЧИ
БЎЛСАНГИЗ, СИЗ
МУҚАДДАС РУҲНИ
ЭШИТИШНИ
ЎРГАНИШИНГИЗ КЕРАК.**

ҳам банк учун фойдали таваккалчи эканимизга ишонтирмоқчи эдик. Шунингдек, биз уларга агар пудратчига пул тўланмаса, улар эҳтимолий йўқотиш хавфи остида қолишлари мумкинлиги, биз эса “уларга буни олдини олишларига” ёрдам бермоқчилигимиз ҳақидаги фикрни етказишни истар эдик. Биз банкнинг тижорат кредитлари бўйича масъул вице-президенти билан учрашишни илтимос қилдик. Биз ибодат қилиб, бу режа бизга Муқаддас Рух томонидан берилганини аниқ билган ҳолда унинг хонасига кирдик ва ариза топширдик.

Қизиғи шундаки, тақдимотимиздан сўнг вице-президент котибасидан, биз ўзимиз билан олиб кетишимиз учун, ўша ернинг ўзидаёқ жамоатга 500 000 долларлик чек ёзиб беришини сўради. У бу одатий тартиб доирасидан чиқишини ва одатда бундай қилинмаслигини айтди. Ҳеч қандай кредит хавфини баҳолаш, ҳеч қандай расмиятчилик бўлмади, шунчаки 500 000лик чек борилган эди. У қолган 500 000 долларга кредит хавфини баҳолаш ўтказилишини айтди, лекин ҳаммаси жойида бўлишини, чунки қарорни у қабул қилишига бизни ишонтирди ва шундай қилинди. Биз пудратчимизга миллион доллар тўлаб, қурилишни якунладик.

Чўнтагимизда 500 000 долларлик чек билан сафардан ўйга қайтаётган пайтимизда Дренда билан ҳис қилган нарсамизни таърифлаш қийин. Биз ўзимизда йўқ бахтиёр эдик ва ўзимизни ажойиб ҳис қилар эдик! Ўша пайтдаги ҳисларимизни тўғри ифодалайдиган сўз йўқ эди, лекин биз Муқаддас Рух ҳозиргина қилган ишларидан илтифотни ҳис этдик. Биз қўнғироқ қилган биринчи одам пудратчимиз бўлди. Биз унга яхши хабарни етказган пайтимиздаги унинг овозидаги қувончни ҳанузгача эшитаман.

Нима, нима қилдиларингиз? – деб сўради, - улар сизларга ўша ернинг ўзидаёқ чек ёзиб берди?

Бу Худо эканини барчамиз билар эдик.

Бу қандай содир бўлди? Муқаддас Рух! Дўстим, Худода сизга керак бўлган жавоблар бор. Агар сиз Худо Шоҳлигининг жуда ажойиб

имкониятларидан фойдаланмоқчи бўлсангиз, сиз Муқаддас Рухни эшитишни ўрганишингиз керак. Бу китоб мана нима ҳақида.

Ҳар қандай вазиятлардан Муқаддас Рух билан ўтиш, қачонлардир Жеймс Бонд ҳақида кўрган, қизиқарли фильмларингиздан яхшироқдир. Худди фильмдаги каби, қанча кескин лаҳзалар юзага келишидан қатъий назар, охирида ким ғалаба қозонишини ҳар доим биласиз.

2-БОБ.

Шоҳлик

Ишончим комил, сиз кейинчалик суд томонидан рад этилган жиддий бўлмаган даъволар ҳақида эшитгансизлар. Мана бунга мисол.

Колорадо қамоқхонасидаги маҳбус Миллий футбол лигасига қарши 88 миллиард доллардан (ҳа, миллиард) ортиқ пулга даъво аризаси билан мурожаат қилди. Даъво “Даллас-Ковбойс” ва “Грин Бай Пакерс” гуруҳлари ўртасидаги плей-офф ўйинида ҳакамлар томонидан қабул қилинган қарор билан боғлиқ. Функционерлар Дез Браянт (Ковбойлар гуруҳидан) томонидан ушланган тўпни ҳисобламасликка қарор қилишди. Маҳбус бунга рози бўлмади. Унинг даъвосига кўра, НФЛнинг мансабдор шахслари совуққонлик қилишган ва ўзларининг ишончли бурчларини бузишган. Нега маҳбус 88 миллиард долларлик даъво аризаси билан чиқди? 88 – бу Браянтнинг форма рақами эди.

Аҳмоқлик, тўғрими? Ўйлашимча, бу даъво аризаси олдинга силжимаслигини ҳамма тушунади. Аммо даъвонинг асосли ёки асоссизлигини қандай аниқлаш мумкин. Қонун нуқтаи назаридан, law.com сайтига кўра суд иккита асосий сабабга кўра ишни кўриб чиқишни рад этди – бу юрисдикция масаласи ёки қонуний асослар бўлмаганда. Нима учун мен Муқаддас Рух ҳақидаги китобда ҳуқуқий масалаларни кўтаряпман? Чунки агар сиз ўзингизнинг вазиятингизда Муқаддас Рухнинг ҳаракатини кўрмоқчи бўлсангиз, қонунда нима дейилганини аниқ билишингиз керак. Худонинг Шоҳлиги – Шоҳлик қонуниятлари чегарасида ҳаракат қилувчи шоҳликдан кўпроқ ёки

**ИСО МУҚАДДАС РУҲНИ
МАСЛАҲАТЧИ ДЕБ
АТАЙДИ. ДЎСТИМ,
БУ MASЛАҲАТЧИ
СИЗДА ЯШАЙДИ ВА
СИЗНИ ҲЕЧ ҚАЧОН
ҚОЛДИРМАЙДИ.**

кам эмас. Ушбу тўпламдаги олдинги иккита китобимда – “Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб”, “Стратегиянинг кучи” ва Тинчликнинг кучи” қисмларида мен юрисдикция ва қонунга нисбатан Худо Шохлиги ишларининг асосий тамойилларини баён этганман. Лекин Муқаддас Рух ҳақида нимани назарда

тутаётганимни тушуниш учун биз орқага қайтиш ва ҳеч бўлмаганда бу тамойилларни ёдга олиш бизга халал бермайди. Келинг, савол-жавобдан бошлаймиз.

Исо эса уларга: “Пайғамбар ўз ватанидан, ўз қариндошлари ва хонадонидан бошқа ерда ҳурмат-иззатсиз бўлмайди”, – деди. Бинобарин, У ўша ерда ҳеч қандай мўъжиза ярата олмади. Фақатгина бир неча беморларга қўл қўйиб, уларни шифолади.

Шунда У уларнинг имонсизликларидан ҳайрон бўлди. Сўнг атрофдаги қишлоқларга бориб таълим берди.

– Марк 6:4-6

Нима учун Исо бу парчада одамларни шифолай олмаганини менга айта оласизми? Дин одатда уларни шифоламаслик, Худонинг иродаси бўлса керак деб айтади. Ахир Худога аён, агар У уларни шифолашни истаганида, шифолаган бўлар эди, тўғрими? Ахир, У Худо! Шунингдек, сиз у ерда шифога муҳтож бўлган, лекин уни ололмаган одамлар ҳам бор эди деб тахмин қилишингиз мумкинми? Бу ҳам матнда кўришиб турибди деб ўйлайман. Нима учун Исо одамларни шифолай олмаган, деган саволга жавоб топиш жуда муҳим. Бу жавоб берилиши керак бўлган савол. Агар ушбу ҳикоянинг хулосасини ўқисак, Исо одамларнинг шифо топишига айнан имоннинг етишмаслиги тўсқинлик қилганини айтганини кўрамиз.

Исонинг кузатуви ва Унинг одамлар нима учун шифо топмагани ҳақидаги ҳулосасини тушуниш учун биз имон нима эканини ва бу ерда самовий қонуний юрисдикцияга эга бўлиш учун, ер юзидаги шоҳликда нима учун имоннинг зарурлигини яхши тушунишимиз керак.

Бу муаммони умумлаштираемиз. Бу Исонинг кучи ёки хоҳиши йўқ дегани эмас. Муаммо юрисдикцияда эди. Дарҳақиқат, бу вазиятда Осмоннинг кўпчилик одамларга таъсир қилиши учун ҳеч қандай қонуний асоси йўқ эди. Нима ҳақида гапирётганини билмайман деб бу китобни деворнинг нариги томонига отишдан олдин, ҳаммасини тушунтиришим учун менга бир дақиқа беринг.

Одам Ато ва Момо Ҳаво яратилганида, улар ер юзида тўлиқ ва мутлақ ҳокимиятга эга эдилар. Ўйлайманки, қўйидаги парча менинг фикримнинг ёрқин далилидир.

Сен уни фаришталардан бир оз паст қўйдинг, унга шухрату шараф тожини кийдирдинг ва Ўз қўлларингнинг ишлари устидан қўйдинг.

Ҳамма нарсани унинг оёқлари остига бўйсундирдинг”. Худо ҳамма нарсани одамнинг оёқлари остига бўйсундирган бўлса, демак, унга тобе бўлмаган бирор нарсани қолдирмади.

– Ибронийларга мактуб 2:7-8

Эътибор беринг, Муқаддас Китоб Одам Атога шухрату шараф тожи кийдирилганини айтади. Бу ерда “тож кийган” атамаси Одам Ато Адан боғида ҳақиқатан тож кийиб юрганини эмас, балки Одам Ато ҳокимият орқали ҳукмронлик қилган жой назарда тутилган. Лекин биз унинг атрофида нур ёки ёруғ доира бўлиши мумкин деб тахмин қилишимиз мумкин. Одам Ато Худо Шоҳлигининг шухратига (Шоҳликнинг мойланиши ва улуғворлиги) ва шарафига (ҳокимиятга ўралган мавқе) эга эди. Бу икки жиҳатни ҳисобга олиб, у Худо Шоҳлиги томонидан берилган ҳокимият билан ер устидан ҳукмронлик қилган. Инсон яратилиши вақтида аллақачон ер юзида бўлган шайтон

инсондан нафратланган ва у эга бўлган ҳокимиятни жуда истаган. Одам Ато шайтон устидан тўлиқ ҳокимиятга эга бўлганлиги сабабли Одам Атодан ҳокимият тожини шунчаки тортиб ололмаслигини билган шайтон, уни тождан (ҳокимлик ваколоти) ўз ихтиёри билан воз кечишга, алдов йўли билан мажбур қилди.

Шундай қилиб, шайтон Момо Ҳавони алдади ва Одам Ато унга эргашиб, Худога қарши исён кўтарди ва бу уларнинг Худо Шоҳлигидаги мавқеини йўқотишига олиб келди. Улар шайтонга эргашиб, унинг шоҳлигининг юрисдикцияси остига ўтдилар. Сиз: “Нима учун Худо шайтонни Адан боғига киришига рухсат берди?” деб сўрашингиз мумкин. У шундай қилиши керак эди. Бундай жавоб сизни бироз ҳайратга солиши мумкинлигини биламан, лекин бунинг тўғрилигини кўрасиз.

Келинг, Ибтидо 2:8-9га қисқача тўхталсак.

Раббий Худо Аданда, шарқ томонда боғ ўтқазди ва Ўзи яратган одамни ўша ерда жойлаштирди.

Раббий Худо ердан кўзга ёқимли ва емоққа яхши бўлган ҳар хил дарахтларни ўстирди. Боғнинг ўртасида эса ҳаёт дарахтини ва яхшилик билан ёмонликни билиш дарахтини қўйди.

Бу парчани ўқиганимизда, нима учун Худо Адан боғининг ўртасида ҳаёт дарахтининг ёнида яхши ва ёмонликни билиш дарахтини ўрнатди деб савол беришимиз мумкин. Аслида Худо шайтоннинг ҳудудига қонуний бостириб кириши учун У инсонга, Худога ёки шайтонга хизмат қилиш танловини бериши керак эди. Раббий шунчаки қонунга асосланиб шайтоннинг ҳудудига кириб, инсонни у ерга жойлаштира олмас эди. Ҳаммаси қонунга мувофиқ бўлиши учун инсон кимга бўйсуннишни танлаши керак эди. Инсон ҳаёт дарахти бўлмиш, Худони танлаган экан, у шайтон устидан ҳукмронлик қилган эди. Ана шу сабабли яхшилик ва ёмонликни билиш дарахти ҳаёт дарахти ёнига ўрнатилиши лозим эди.

Буерда муҳим бир мулоҳазани айтиш керак. Инсон эркин иродасиз ер юзига жойлаштирилиши мумкин эмас эди. Кўпчилик масиҳийлар Худо

ким Уни севишини кўриши учун биз эркин ирода билан яратилганмиз деб айтишини биламан. Аммо аслида, танлов эркинлигисиз бу ноқонуний бўлар эди. Агар инсонга эркин ирода берилмаган бўлганда эди, уни бу ерда жойлаштириш мумкин бўлмас эди. Ушбу мунозара доирасида яна кўп нарсани муҳокама қилишим мумкин, лекин бу ҳақда олдинги иккита китобимларимда гапириб ўтганман.

Шундай қилиб, Одам Ато шайтоннинг алдовини танлади, Худонинг Шоҳлигини йўқотди ва Худо Ибтидо 3:17-19да инсонга қарши турди:

...ер юзи сен туфайли лаънатланди. Бутун умринг бўйи ундан азобланиб озиқланасан.

Ер сенга тикану янтоқ ўстиради, сен эса дала ўтлари билан озиқланасан.

Сен ўзинг олинган ерга қайтгунингча пешана теринг билан нон ейсан, чунки тупроқдирсан ва тупроққа қайтасан”.

Аслини олганда, Худо Одам Атога ерни лаънатлаган Одам Атонинг ўзи эканини айтмоқда. Одам Ато ер юзида мутлақ ҳокимиятга эга бўлганлиги сабабли айнан у шайтоннинг ҳокимиятига эшик очди ва ҳақиқатан Худони ҳайдади. Худонинг қўллари энди боғланган ва Отам Ато пешана тери тўкиб, ўзининг оғир меҳнати билан яшайди. Шайтон Момо Ҳавони васвасага солганида, унга айтишни унутган майда бир зиғирдек тафсилот бор. Бу Раббий аллақачон, шайтонни ҳукм қилгани, уни жаннатдан қувгани ва “дўзах” деб аталмиш жойни унинг абадий ўйи деб эълон қилганидир. Буни тушунишингиз жуда муҳим. Кўпчилик: Қандай қилиб, севувчи Худо одамларни “дўзах” деган жойга ҳайдаши мумкин?” – дейди. Худо буни қилмади, буни Одам Ато қилди. Қуйидаги парчада кўриб турганимиздек, дўзах ҳеч қачон инсон учун мўлжалланмаган.

“Шунда Унинг чап томонида турганларга ҳам сўзлайди: “Эй, лаънатланганлар! Менинг олдимдан шайтон ва унинг фаришталарига тайёрлаб қўйилган абадий оловга кетинглар” (Мат. 25:41).

Одам Ато ва Момо Ҳаво шайтоннинг юрисдикцияси остида қолганларида, улар унинг ҳукми остида ҳам қолдилар. Бутун инсоният Одам Ато орқали шайтоннинг ҳокимияти остида қолди. Тасаввур қилинг-а, қорамол қандай боқиб кўпайтиради. Агар сигирларингиздан бири бузоқча туғса, у сизга тегишли бўлгани учун бу бузоқча сизнинг тамғангиз билан тамғаланади, чунки бутун пода сизга тегишли. Шу тарзда Одам Атонинг бутун авлоди беихтиёр шайтоннинг юрисдекцияси остига тушди. Инсоннинг тақдири - унинг қанчалик яхши ёки ёмонлигига қараб жаннат ёки дўзах деган стандарт диний тушунча ёки айтишим мумкинки, тушунчанинг йўқлиги – мутлақо нотўғри фикрдир. Гап шундаки, бу аллақачон ҳал қилинган. Барча одамлар дўзахга тушадилар. Улар қандайдир ёмон нарса қилгани учун эмас, балки Одам Ато қилган иш учун. Энди эса, Худо Ўзи яратган эркак ва аёлга бўлган севгиси туфайли, У Исо Масих орқали одамларга бу тақдирдан қутилиб, Худо Шоҳлигининг юрисдикциясига қайтишга имкон берадиган нажот режасини амалга оширди.

“У бизни зулмат ҳукмронлигидан халос қилиб, севимли Ўғлининг Шоҳлигига олиб кирди” (Кол. 1:13).

Шуни таъкидлаш керакки, Худо шайтоннинг юрисдикцияси ва ҳукмидан чиқиш йўлини олдиндан белгилаб қўйди. Лекин бундан фойдаланиш учун ҳар бир эркак, аёл ва бола Исонинг исмини чорлаб, бу қарорнинг фойдасига ўзлари танлов қилишлари керак. Масихийлар, бир зум мени тингланг. Қўшни кўчадаги ўша ёқимтой аёл, агар кимдир унга ўлиmidан олдин Исонинг исмини чақиринини айтмаса, дўзахга тушади. Дўзахда жуда кўп яхши одамлар бўлади. Шайтон одамларни яхши ишлар қилиб дўзахдан қутилиб қолиш мумкин деб ўйлашга мажбурлаб, алдайди. Исонинг исми – нажот топиш ва шайтоннинг ҳукмидан қутилиш учун эркак ва аёлларга берилган ягона исmdir. Шунга ҳам аниқлик киритмоқчиманки, Одам гуноҳга йиқилганида, у руҳан ўлди ва Худодан ажралиб қолди, лекин

у ҳали ҳам қонуний равишда ер устидан ҳукмронлик қилади. Шундай экан, одамларнинг шоҳлигида ишларни амалга ошириш учун шайтон жинлардан руҳланган одамлардан, Худо эса, Руҳга тўлган одамлардан фойдаланиши керак. Хулоса қилиб айтганда, жаннатга ёки дўзахга тушиш бизнинг қанчалик яхши эканимизга боғлиқ эмас, балки Исо хочда шайтон устидан қозонган қонуний ғалабасига асосланган ҳуқуқий масала эканини тушунамиз. Лекин шунга қарамасдан, гарчи Исо шайтоннинг юрисдикцияси остидан чиқишнинг қонуний йўлини белгилаган бўлса-да, ҳар бир киши ундан фойдаланиш учун Исонинг исмини имон билан чақириши лозим.

Биз бир неча сатр юқорида мунозарани тўхтатганимизни биламан, лекин келинг, энди аввалроқ берилган саволга қайтсак: “Нима учун Исо Марк Хушхабарининг 6-бобида одамларни шифолай олмади?” Мен бу юрисдикция масаласи деб айтдим ва ҳақиқатан бу шундай. Одам Ато инсонлар шоҳлиги устидан руҳий юрисдикцияни шайтонга бергани учун Худо истаган вақтида бу ерга шунчаки бостириб кела олмайди, чунки бу ноқонуний бўлади. Ҳозир айтганимни, ер кимга тегишли экани билан аралаштириб юборманг. Муқаддас Каломда ер бутунлай Раббийга тегишли экани аниқ айтилган. Бироқ инсонлар шоҳлигига келсак, Худо унинг устидан қонуний юрисдикцияга эга эмас. Бунинг тасдиғини Луқо Хушхабариде топишимиз мумкин (4:5-7).

“Шунда иблис Исони баланд тоққа олиб чиқди-да, бир лаҳзада оламнинг барча шоҳликларини кўрсатиб, Унга:

– Булар устидан барча ҳокимиятни ва буларнинг шўҳратини Сенга бераман, – деди, – чунки бу менга топширилган ва мен буни истаганимга бераман.

Агар Сен менга сажда қилсанг, ҳаммаси Сеники бўлади”.

Бу ерда биз Одам Ато шайтонга дунё шоҳликлари устидан қонуний юрисдикцияни берганини кўрамиз. Шу сабабли Худо ердаги шоҳликда одамларга нисбатан Ўзи истаган нарсани қила олмайди.

Лекин Худо Унга ишонадиган ва осмон ҳокимиятига тўлиқ амин бўлган эркак ва аёлни топса, Худо Ўз ҳокимиятини ўша одам орқали амалга ошириши мумкин. Худди шундай шайтон ерга қонуний эгалик қилган одам – Одам Ато орқали азалдан ердаги шоҳлигига кириш ҳуқуқига эга бўлди. Худо Ўзининг одами – Одам Атони йўқотганида, Ўзининг нажот режасини амалга ошириш учун ер юзига бошқа кириш йўлини топиши керак эди ва бу одамнинг исми Ибром эди.

“Раббий Ибромга деди: “Ўз ерингдан, она юртингдан, ўз отангинг уйидан чиқиб, Мен сенга кўрсатадиган ерга боргин.

Мен сендан буюк халқ яратаман. Сени дуо қилиб, номингни улуғлайман. Сен дуо-баракали бўласан.

Сени дуо қилганларни Мен дуо қиламан, сени лаънатлаганларни Мен лаънатлайман. Ер юзидаги барча қабилалар сенда барака топадилар”.

– Ибтидо 12:1-3

Ибром ёки Иброҳим Худонинг ердаги шоҳликка қайтиш ҳуқуқини олиш ва инсониятни қутқариш режасини амалга ошириш учун фойдаланган эшик бўлди. Худо Иброҳим ва унинг авлодлари билан аҳд тузди ва бу қонуний келишув орқали Худо Исо Масиҳни дунёга олиб келиш имконига эга бўлди, лекин фақат Иброҳимнинг насли орқалигина. Мана нима учун Исо Иброҳимнинг авлодидан бўлиши керак эди ва Исроилга бошқа қўшни халқлар билан турмуш қуришга рухсат берилмаган. Айнан шу сабабли Янги Аҳднинг биринчи китоби – насабномадан бошқа нарса ҳақида эмас. Бу Исо ҳақиқатда Иброҳимнинг қонуний авлоди эканини исботлайди ва шу билан шайтонга Исонинг келиши ва гуноҳ учун тўлов қонуний эканини исботлайди.

Чунки эркаклар ва аёллар ҳали ҳам ер устидан қонуний назоратга эгалиги сабабли, буни руҳий назорат билан адаштирмаслик керак,

Худо ва шайтон ўз мақсадига эришиш учун одамлардан фойдаланиши керак. Оддий қилиб айтганда, эркак ва аёллар ер юзидаги ягона қонуний субъектлардир. Шайтон унинг сўзларига ишонган Одам Ато ва Момо Ҳаво орқали киришга эришганидек, Худо ҳам ер юзида Ўзини намоён қилиш имкониятига эга бўлиши учун Унинг айтганларига ишонадиган одамларни топиши керак. Эркак ва аёл ўз юракларида шайтоннинг шоҳлиги эмас, балки осмон гапираётганига тўлиқ амин бўлса, бу осмонга, ўша одам орқали ер юзида намоён бўлиш ва шайтоннинг шоҳлигига қарши Худонинг иродасини олиб юриш қонуний юрисдикцияни берувчи имон деб аталади. Яна кўп нарсани гапириш мумкин, лекин мен бу ҳақида аввалги иккита китобимда батафсил ёритиб берганман.

Асосий жиҳат қуйидагидан иборат. Гарчи шайтон шу жойда, ер юзида экан, у доимо ўз шоҳлигини ҳимоя қилади ва ҳар доим Худонинг режаларини бузишга уринади. Шунинг учун Худо Ўзининг режалари ва мақсадларини ер юзидаги шоҳликка жорий этиш учун яширинча ишлайди. Айнан Худо, қай тарзда яширинча ишлашини билиш орқали ҳаётингиздаги муваффақият ва ғалабанинг буюк калитини топасиз. Мен буни режанинг кучи деб атайман!

3-БОБ.

ҲАЙРАТДА ҚОЛГАНЛАР

Менга мутлақо нотаниш киши қўнғироқ қилди. У ўзини таништириб, унга ва бир қанча йигитларга “Имон ови” китобим ва Худонинг Шоҳлиги ҳақидаги таълимотим жуда ёққанини айтди. Бундан ташқари у Монтанага келиб, жума куни кечқурун ва шанба эрталаб 70 нафар эркақдан иборат гуруҳда дарс беришни хоҳлайсизми деб сўради. Мен жавоб беришга улгурмай, у: Шанба куни эрталаб дарсдан сўнг, ҳозир антилопа овининг айни мавсуми бўлгани учун сизни антилопа овига олиб бормоқчимиз, - деди. Жавоб беришим кўп вақт талаб қилмади. Агар ўғилларим хоҳласа уларни ҳам таклиф қилишимни айтди. Кейинги ёз ойларида улар яқинлашиб келаётган кузги овга рухсатномани тўғри расмийлаштиришда менга ёрдам беришди. Ўғлим Тим мен билан боришга қарор қилди ва рухсатнома олди.

Бу “Аҳд қўриқчилари” гуруҳи эканини билганимда, ўз таълимотимда сўзлаб берган ов воқеалари ва имон орқали кийикларни қандай қўлга киритганим уларни мафтун қилиб қўйди. Улар менинг ҳар доим қандай қилиб 30-40 дақиқада кийик овлашим ва Худо мени қандай ҳайвонни овлаш, аниқроғи унинг жинсини ва шохининг ўлчамини, қандай қилиб аниқ топишни ўргатгани ҳақида кўпроқ эшитишни хоҳладилар. Тан оламан, ўзим гувоҳ бўлган воқеалар уйдирмага ўхшар эди, агар мен уларни ўз кўзим билан кўрмаганимда эди, эҳтимол, мен ҳам худди улардек қизиққан бўлар эдим.

Ниҳоят, Монтанага саёҳат вақти келди. Биз Тим билан учиб

келдик ва эркаклар гуруҳининг бир қанча етакчилари, Раббийни чиндан севадиган ажойиб йигитлар билан учрашдик. Улар бизни форел балиғи овлаш учун олиб кетди, яна биз учун тайёрлаб қўйган қурол отиш полигонига олиб боришди. Огайо штатида ўсганим учун, узоқ масофадан қуролдан отишга одатланмаганман. Бизнинг қонунларимиз кийик ови учун сочма ўқ отадиган ов милтиғига рухсат берган, масофа эса деярли 100 метр, кўпинча ҳатто 50 метрдан ҳам кам бўлган. Шу сабабли улар нишонни 180 метрга қўйганларида, бу мен учун ноодатий эди, лекин бироз машқ қилганимдан сўнг, пўлат пластинкага тегиб, овга тайёр эканимни айтдим.

Ўша куни кечқурун мен маҳаллий мактабнинг мажлислар залида эркакларга дарс бердим ва эртаси куни эрталаб ҳам. Барча йигитлар Худонинг Шоҳлиги ҳақида эшитишни ва билишни, айниқса, Худо менга ов орқали Шоҳликнинг қонунларини қандай ўргатганини сабрсизлик билан кутишарди. Тушлиқдан сўнг улар: “Хўш, антилопа овига борайлик”, - дейишди. Мен ҳеч қачон антилопа овламаганман ва бунни қандай бўлишини тушунмас эдим. Овчилик тажрибамга кўра, овга кўпи билан икки-уч киши овга боради. Лекин улар уч-тўртта тўла машина одам эди. Эслайман, Тим кечки овқат олдидан мендан сўради: “Дада, антилопа ови учун асабийлашмаяпсизми? Сиз уларга Осмон Шоҳлиги ҳақида ўргатасиз ва Шоҳлик ҳар сафар ишлашини ишонч билан эълон қиласиз. Лекин антилопани овлолмасангизчи, улар бунни кўрсачи?” Мен унга антилопа учун қайғурмаётганимни айтдим. Биз Дренда билан аллақачон уруғ эканмиз ва бу антилопа ҳақида келишиб олганмиз, у ўша ерда бўлади.

Уларда ов рухсатномаси ишлайдиган ранчога кетаётганимизда, менга антилопа Шимолий Америкадаги энг тез ҳайвон ва сайёрадаги иккинчи энг тез ҳайвон эканини ва фақат гепард ундан ўзишини тушунтиришди. Улар антилопанинг кўриш қобилияти ажойиб эканини, уларнинг асосий ҳимояси югуриш эканини тушунтиришди, шунинг учун улар сизни пайқасалар, бир зумда кўздан йўқолади дейишди. Менинг отиш рухсатномам нар антилопани, Тимники урғочи антилопани отишга берилган эди.

Бизнинг режамиз ранчога келишда машиналарда юқорироққа кўтарилиш, кейин пиёда тепага чиқиб, пастдаги текисликларда ҳайвонларни қидириш эди. Юқорига кўтарилаётганимизда, узоқдан бир гуруҳ антилопаларни пайқадик. Тоғ ёнбағрининг ўзига хослиги сабабли яқинлашганимиз сари дараларда туриб, отиш даражасида яқинлашишимиз мумкинлигига келишдик. Биз охири тепаликка жуда эҳтиёткорлик билан етиб олишимиз керак, сўнгра агар биз у ерга етиб борсак, антилопалар ҳали ҳам ўша жойда бўлса, отиш учун тепаликнинг чўққисига секин чиқишимиз керак эди. Бундай ҳолда, биз ўрнимизни эгаллаганимизда, ҳайвонларгача бўлган масофа тахминан 200 метрни ташкил қилар эди.

Тим ва мен антилопалар кўриниб турган жарликка қараган тепалик четига етиб бориш учун анча вақт қорнимизда секин судралдик. Режа шундай эди: мен нар антилопани отганимдан сўнг, Тим урғочисини отади. Мен секин тепалик қиррасига судралиб, қарадим. Албатта, бизнинг режамиз ўхшади: кичик пода бизни пайқамади. Мен милтиқни кўтардим, лекин масофа узоқлиги ва судралиб ҳансираш тўфайли уни қўлларимда маҳкам ушлашим қийин эди. Лекин, ниҳоят, мен нар антилопани нишонда ушлаб тургандек кўрингач, тепкини босдим. Нишонга теккиза олмадим. Мен иккинчи марта отганимда, пода саросимага тушгандек бўлди. Яна нишонга теккизолмадим. Энди пода ҳаракатлана бошлади. Мен учинчи, кейин тўртинчи марта ўқ уздим – бирортаси тегмади. Бешинчи марта отмоқчи бўлганимда, фақат отиш овозини эшитдим. Ўқ-дориларим тугаган эди.

Саросимада бутун поданинг қандай кетиб, ўқ етмайдиган жойга бориб қолганини сезмабман. Бироқ мен отган нар антилопа, мен биринчи марта ўқ отганимда турган жойдан бор йўғи бир неча метр нарида умуман қимирламасдан турарди. Мен шоша-пиша Тимдан милтиғини сўрадим. Бу сафар ўрнимдан сакраб туриб, дарҳол ўқ уздим. Нар қулади. Мен бир вақтнинг ўзида ҳаяжон ва енгиллик ҳис қилдим. Антилопани қўлга киритдим. Ортга қараб, йигитларни кўриб, ҳайрон бўлдим, барчаси хурсанд бўлиб, табриклашарди. Улардан баъзилари уяли телефонларда гаплашаётган эди ва мен

улардан бирининг шундай деганини эшитдим: «Ҳа, ҳаммаси худди “Имон ови” китобида ёзилганидек бўлди, бу атиги 40 дақиқа ичида содир бўлди, нар антилопа ҳам худди китобдагидек қимирламасдан турди”.

**ДУНЁ АРСИЙДИГАН
НАРСАЛАРНИ КЎРИШГА
ЧАНҚОҚ, ХУДО ҲАМ
АЖАБЛАНТИРИШНИ
ЯХШИ КЎРАДИ.**

Уларнинг барчаси Осмон
Шоҳлигининг қандай ишлашини
кўришга келишган эдилар. Охир-
оқибат, мен буни уларга соатлаб
ўргатдим ва улар буни қандай
ишлашини кўришни хоҳлашди.
Менинг ёмон ўқ отишимга қарамай,

буларнинг ҳаммаси барибир ишлади ва таълимотимга шубҳасиз тўғрилиқ қўшди. Тим ўша куниеқ югуриб кетаётган антилопага аниқ ўқ узиб, ўз урғочи антилопасини қўлга киритди. Иккаламиз ҳам хаяжонда эдик! Монтана ажойиб, Тим ва мен Шоҳликнинг ажойиб тажрибасига эга бўлдик. Мен Худонинг Шоҳлиги ва Худонинг садоқатини эслатиб туриши учун антилопанинг бошини хонамдаги иш столим тепасига осиб қўйдим.

Нима учун мен бу китобда сизларга ов ҳақидаги чўпчакни айтиб беряпман? Чунки Худо сизнинг барча дўстларингизга, қўшнилариңгизга ва қариндошлариңгизга Ўзининг Шоҳлигини кўрсатиш учун сиздан фойдаланмоқчи. Уларнинг барчаси буни қандай ишлашини кўришмоқчи. Дунё арсийдиган нарсаларни кўришга чанқоқ, Худо ҳам ажаблантиришни яхши кўради. Буни амалга ошириш учун сиз Худонинг Шоҳлиги қандай ҳаракатланишини ва сиз бошқаларни, ҳатто ўзингизни ҳайратлантириш учун Муқаддас Рух сизга зарур жавоб ва имкониятларни қандай беришини билишингиз керак. Кейинчалик аниқласам, эркаклар гуруҳини бошқарган ўша йигитлар мени маълум бир мақсад билан – динда ботиб қолган йигитларга Шоҳликни кўрсатиш учун олиб келган экан. Кейинчалик улардан кўпчилиги менинг ўша кунги таълимотим тўғайли юрагини Раббийга берганини билдим. Муқаддас Рух бу режани амалга оширишга олиб келди ва У сизларга ҳам режалариңгизни

муваффақиятли амалга оширишингизга ёрдам беради.

Сизларга яна бир воқеани айтиб бераман, лекин бу сафар ҳикоя тўғридан-тўғри Муқаддас Каломдан олинган, бу Худонинг борлигини ва севгисини атрофингиздаги одамларга исботлаб берувчи ғайритабиий режа ва стратегиялар билан Худо сизни қандай ҳайратлантирмақчи эканини яна бир марта мисоллар билан кўрсатади.

Бир куни Исо Геннисарет қўли ёнида турганида, халқ Худонинг Сўзини тинглаш учун Унинг олдига сиқилиб келар эди.

Исо кўл қирғоғида турган икки қайиқни кўрди. Балиқчилар эса қайиқдан чиқиб, тўрларини юваётган эдилар.

Исо Шимоннинг қайиғига тушиб, қирғоқдан бир оз нарироқ сузишини илтимос қилди. Кейин ўтириб, қайиқдан халққа таълим бера бошлади.

У таълимотини тугатганидан сўнг Шимонга: –Чуқур жойга сузиб бориб, балиқ овлаш учун тўрларингизни ташланглар, – деб айтди.

Шимон эса Унга жавобан: –Устоз! Биз тун бўйи уриниб, ҳеч нарса тутмадик. Лекин Сенинг сўзинг бўйича тўрни ташлайман, – деди.

Шундай қилганларида, улар жуда кўп балиқ овладилар, ҳатто тўрлари йиртилиб кетди.

Улар бошқа қайиқдаги шерикларига ёрдам беришлари учун имо-ишора қилдилар. Улар келиб, иккала қайиқни шундай тўлдирдиларки, ҳатто чўка бошладилар.

Шимон Петъор буни кўриб, Исонинг оёқларига тиз чўкиб, деди: – Ҳазрат! Менинг ёнимдан кет, чунки мен гуноҳкор одамман.

Чунки улар тутган бундай кўп балиқ овидан унинг ўзи ҳамда у билан бирга бўлганларнинг ҳаммаси ваҳимага тушган эдилар.

Шимоннинг шериклари Забадийнинг ўғиллари Ёқуб билан Юҳанно ҳам бундан ваҳимага тушган эдилар. Исо эса Шимонга: –Қўрқма, бундан буён инсонларни овлайсан, – деди.

– Луқо 5:1-10

Петъор, Ёқуб ва Юҳанно тун бўйи тинмасдан балиқ овида ўтирдилар ва ҳеч нима тута олмадилар. Улар кўлда ўсган ва уни яхши биладиган тажрибали балиқчилар эди, шунга қарамай, қуруқ қўл билан келишди. Лекин албатта, ҳикоя шу билан тугамайди. Исо қайиқдан воизлик қилиш учун Петъорнинг қайиғини қарзга олди, сўнгра унга балиқ овлаш учун чуқурроққа сузишни буюрди. Бироз ҳайратда қолган Петъор улар туни билан уриниб, бирорта ҳам балиқ тутмаганини айтди, лекин Исо шундай дегани учун у тўр ташлади. Муқаддас Калом айтадики, Петъор тўр ташлаганида, шунчалик кўп балиқ тутдики, тўр зўрға бардош берди, шунинг учун у шерикларини ёрдамга чақирди. Муқаддас Ёзув айтади, унинг ҳамроҳларининг тўрлари ҳам йиртилишига оз қолди ва натижада, иккала қайиқ ҳам балиққа шунчалик тўлдики, чўкиб кетишига оз қолди. Муқаддас Калом бу тажрибали балиқчилар ўша кунги овдан шунчалик ҳайратда қолишганидан, улар балиқ овлашни ташлаб, Исога эргашганини айтади.

Бу Муқаддас Каломдаги менинг энг сеvimли ҳикояларимдан бири, чунки бу икки шоҳлик – зулмат шоҳлиги ва Худонинг Шоҳлиги ўртасидаги фарқни яққол кўрсатади. Зулмат шоҳлиги, шайтоннинг ҳокимияти – бу вайронагарчилик, қашшоқлик, тун бўйи балиқсиз балиқ ови. Бу оддий тирикчилик учун азобли меҳнат ва пешана терга тўла тизимдир. Мен буни Худо Шоҳлиги ва унинг инъомларининг улўғворлиги сурати билан солиштирганда, Одам Атонинг исёни оқибатида ерни лаънатлаш тизими деб атайман. Бу икки чегарага диққат билан қаранг ва Худо сизга иккинчи эшикни – Худонинг Шоҳлигини очаётганини англайсиз.

Ҳозир ҳар бир масиҳий ҳайқириб, қарсак чалиб: Ҳа, Худонинг

Шоҳлиги буюк, бу овга қаранг!” – дейди. Лекин жуда камчилик одам Исо бун қандай қилганини сўрайди ва кўпчилик уларга ўша куни Петъор, Ёқуб ва Юҳанно роҳатланган мўл-кўлчиликнинг бундай даражасидан баҳраманд бўлиш учун бир хил ваколат ва қобилият берилганини билмайди. Исо ўша куни қилган ишини қандай амалга оширди деган саволга оддий жавоб шундан иборатки, У – Исо бўлгани учун бун қила олди. Лекин шошмай турингчи, Исо Марк Хушхабарининг 6-бобида ҳаммани шифолай олмади, чунки осмон у ерда юрисдикцияга эга эмас эди. Йўқ, ўша куни балиқ овини имконли қилган нарса, у ерда Худо Шоҳлигининг руҳий қонунлари ҳаракат қилди.

Лекин гап мана нимада. Мен учратадиган кўпчилик масиҳийлар худди Исодек қилиш мумкинлигини, ҳатто ўйламайдилар, ўйлаган бўлсалар ҳам, У бун қандай қилганини тасаввур ҳам қилишмайди. Мен анжуманларимда ҳар доим: “Агар сиз ниманидир ўрганмасангиз, унда бу билан яшай ҳам олмайсиз” – дейман. Яъни, агар сиз бу ов қандай содир бўлганини аниқлай олмасангиз, уни ҳеч қачон қайта такрорлай олмайсиз. Демак, бу катта тутилган балиқ қаердан келиб қолди? Сиз бун аниқлай оласизми? Агар сиз худди шундай муваффақиятга эришмоқчи бўлсангиз, бу балиқ қаердан пайдо бўлганига аниқлик киритишингиз керак. Бироқ кўпчилик менинг бундай мулоҳазаларимдан ҳайрон қолишади. Лекин Исо нима деди?

Ростини, сизларга ростини айтаман, Менга ишонган одам, Мен қилган ишларни қилади ва бу ишлардан кўра каттароғини ҳам қилади, чунки Мен Отанинг олдига кетяпман.

Юҳанно 14:12

Исо биз У қилган ишларни қила олишимизни, чунки У Отанинг олдига кетаётганини айтганда, У Ўзининг ўлими ва тирилишидан сўнг устимизга тушадиган Муқаддас Руҳни назарда тутган эди. Айнан ўша

Муқаддас Рух Йордан дарёсида Унинг устига тушди ва Унга Худонинг қудратли ишларини амалга оширишга имкон берди, биз бунини Унинг хизматларини ўрганганимизда кўришимиз мумкин. Марк 6-бобда бу кучга одамларнинг имонсизлиги халақит берганини, лекин Луқа 5-бобда балиқ тутишда бу кучга ҳеч нарса халақит бермаганини билганимиз учун ҳар хил вазиятларда Муқаддас Рухнинг эркин ҳаракатланишига нима халақит бериши ва нима имкон беришини аниқлашимиз учун, Шоҳликнинг қонунларини ўрганишимиз зарур. Шундай экан, келинг, ушбу воқеани таҳлил қилиб, аниқлашимиз ва ниманидир ўрганишимиз мумкин бўлган Шоҳликнинг қонунларини ҳамда тамойилларини топа оламизми ёки йўқми қараб чиқамиз.

Агар сиз менинг биринчи китобимни ўқиган бўлсангиз, у ерда Петъор Исога қайиғини берганида руҳий маънода нима содир бўлганини биласиз. Петъорнинг қайиғи ва аслида бутун балиқчилик саноати шоҳликларни ҳамда юрисдикцияларни ўзгартирди! Ҳа, Исо қайиқни Ўз бошқаруви остига олганида, Петъорнинг қайиғи Худо Шоҳлигининг юрисдикцияси остига ўтди. Бу содир бўлгани заҳоти Муқаддас Рух Исога чуқур сувдаги балиқлар тўдасининг жойлашуви ҳақида билим сўзи етказиш учун қонуний асосга эга бўлди.

Катта ов ўша кунини Исо орқали Петъорга Муқаддас Рух томонидан юборилган ғайритабиий режа ва стратегиянинг натижаси эди. Мен бунини сирли билим деб атайман, бу билим туфайли Петъор, Ёқуб ва Юҳанно умрида кўрган энг катта овни қўлга киритдилар. Аслида Муқаддас Калом бу тажрибали балиқчилар ҳайратда қолганини айтади.

Ишонаманки, Исо сизнинг ҳам ажойиб ҳаёт кечиришингизни, Худонинг Шоҳлигини кўрсатадиган ҳаёт кечиришингизни хоҳлайди, шунда атрофингиздаги одамлар, кўрган нарсаларидан ҳайратда қолишади ҳамда Исони таниб билишади. Диннинг бўш қайиқлари одамларни ҳеч қачон Худога чорламаслигига ишонаман. Худо одамлар Унинг Шоҳлигининг эзгулигини кўришларини, Унинг эзгу эканини ва Унинг олдига келганларнинг барчасини қабул қилишга тайёр эканини ҳамма кўришини ва ишонишини истайди. Ишаъё

жамоатга тегишли қўйидаги башоратни эълон қилганида, бу ҳақида шундай деган:

“Уларни ҳақликда кучли бўлган, Раббийнинг шухрати учун ўтқазилган... деб атайдилар” (Ишаъё 61:36).

Демак, Луқо Хушхабарининг 5-бобидаги балиқ ови ҳақидаги ҳикоядан қандай номани олишингизни хоҳлардим? Бу ҳикояда ўрганиш мумкин бўлган кўплаб руҳий қонунлар мавжуд, агар сиз ҳеч бўлмаганда мана шу фикр билан кетсангиз ҳам, бу сизнинг ҳаётингизни ўзгартириб юборади.

Агар Исо тўрни қаерга ташлашни аниқ айтса, исталган одам балиқ тутиши мумкин! Ёки бошқача қилиб айтаман: Агар Исо қаерда балиқ борлигини ва қандай тутишни айтса, ҳамма одам балиқ тутиши мумкин!

Одамлар: “Ҳа, Гарри, бу яхши, лекин энди Исо бу ерда эмас” - дейишади. Йўқ, лекин ўша куни Исога балиқ қаердалигини айтган ўша Муқаддас Рух ҳозир шу ерда ва агар сиз имонли бўлсангиз, У сизнинг ичингизда яшамоқда. Исо шогирдларини тарк этишга тайёрланаётганда уларга нима деганини тингланг:

Сизлар билан бирга бўлганимда Мен сизларга буларни айтдим. Менинг номимдан Отам юборадиган Юпатувчи эса – Муқаддас Рухдир. У сизларга ҳамма нарсани ўргатади ва Мен сизларга нималарни айтган бўлсам, ҳаммасини ёдингизга солади.

Сизларга тинчлик қолдираяпман: Мен сизларга дунё берадигандек бермаяпман, сизларга Ўз тинчлигимни бераяпман. Юракларингиз ташвишланмасин ва қўрқувга тушмасин.

– Юҳанно 14:25-27

Исонинг тинчлиги нимадан иборат эди? Бу Исо дуч келадиган

ҳар қандай вазиятда қандай йўл тутишни айтадиган Муқаддас Рух эди. Исо Муқаддас Рухни Маслаҳатчи деб атайтиди. Дўстим, бу Маслаҳатчи сизда яшайди ва сизни ҳеч қачон қолдирмайди. Сиз Унга қулоқ соласизми? Сиз дуч келадиган ҳар қандай вазият учун Худода ечим борлигига қўшилишингиз керак. Исо бу Маслаҳатчи сизни ўргатиши ёки сизга ҳар қандай маслаҳат бериши мумкинлигини айтади. Стронгнинг Библия учун тўлиқ симфониясига кўра (3875), бу ерда юнонча “маслаҳатчи” сўзи, сўзма-сўз таржима қилинганда, кимнингдир томонига чақирилган ёки чорланган, айниқса, ёрдамга чақирилган деган маънони англатади. Шунингдек, бу судда бошқа шахсни ҳимоя қилувчини англатади, ҳимоя маслаҳатчиси, юрист ёки адвокатнинг ёрдамчиси бўлади. Кенг маънода бу сўз ёрдамчини ёки ёрдам берувчини англатади.

Сизга қандай билмадим, лекин менга бундай ёрдамчи асқотиб қолади, нега шундай бўлмасин? Улар тун бўйи балиқ овлаб, ҳеч нима тутолмаганида, Муқаддас Рух Петъорнинг жавоби бўлди. Мен қарздорликдан қутилиш учун қаердан пул топишни билмаганимда Муқаддас Рух менинг жавобим бўлган эди. Мен мана шу йиллар давомида оиламни молиявий тартибсизликка дучор қилганимдан сўнг, Худодан ёрдам сўраганимда, айнан Муқаддас Рух бир куни тунда мен ишлайдиган ширкатдан кетишим ва нолдан бошлаб ўз бизнесимни бошлашим кераклигини тушимда айтди.

Айнан Муқаддас Рух менга бу янги ширкатнинг янги вазифаси Худонинг эзгулигини эълон қилиш ва одамларга қарздан қутилишга ёрдам бериш бўлишини айтди, ўша онда бу мен илгари эшитган энг аҳмоқона фикрлардан бири эди. Мен одамларга қарздан қутилишга ёрдам бераманми? Мен пуллар билан қандай муомала қилмаслигини тимсоли эдим. Менинг ҳаётим молиявий даҳшат эди. Лекин У мана шуни қилишни айтган эди, шунинг учун биз Дренда билан имонда бунга итоат қилдик, лекин аслини олганда, Петъорни гапини айтдик: “Раббий, бундан маъни йўқ, лекин Сен бунга айтганинг учун биз қиламиз”. Бу янги ширкат Муқаддас Рухнинг маслаҳатларига қулоқ тутиб, ўсди ва ривожланди, пуллар келтирди ва бу пуллар

Дренда билан бизга қарзлардан тўлиқ қутилишга имкон берди. Бу ширкат 30 йил ўтиб ҳам, бугунги кунда фаолият кўрсатмоқда ва аввалгидек йилига юз минглаб доллар фойда келтирмоқда.

Ҳой, мен у қадар ақлли эмасман, сиз ҳам, лекин Худо сизга ўзингизга зарур бўлган жавобларни олишингизда ёрдам бериши учун Муқаддас Рухни беради. Лекин биз бу китобдан билиб олганимиздек, Муқаддас Рух билан ишлаш орқали Худонинг иродасини бажаришимиз учун ўзимизнинг ролимизни ўйнашимиз керак.

Афсуски, одамлар билан суҳбатлашиш тажрибамдан кўриниб турибдики, кўпчилик масиҳийлар ҳаётларида дуч келадиган муаммоларига ечим топмайдилар. Улар фақатгина ўзларига ишониб шунчаки балиқ овлашни давом эттиришади ва тун бўйи балиқ овлайдилар, уларнинг қўллари ҳар доим бўш бўлади ёки шунга яқинроқ. Улар Муқаддас Рух ҳар қандай вазиятда уларга ёрдам бериш учун шу ерда эканини ҳеч қачон эшитишмаган. Гарчи кўпчилик масиҳийлар: “Худо менга фалон ишларни қилишга ёрдам беради”, - дейишса-да, У уларга айнан қандай ёрдам беришини ёки уларга керак бўлган жавобни қандай эшитишни тушунмайдилар. Кўпчилик керакли жавобни олиш учун Худо билан ишлаш зарурлигини тушунмайди ва ҳалигача Худо уларнинг муаммоси билан нимадир қилишини кутиб ўтирадилар, лекин ўша вақтда жавоб уларнинг ичларида бўлади.

Мисол учун, пул ҳақида гап кетганда, одамлар муваффақиятга эришиш учун Худо ёрдам беради дейишади. Мен айтаман: “Ажойиб! Худо сизларга пулни қандай етказди?” Аввалига улар бу саволдан хафа бўлишади, гўёки уларнинг имонига шубҳам бордек. Лекин мен давом этиб: “Хўш, пул қаердан пайдо бўлади? Худо уларни сизга қандай етказди?” - дейман. Мен улардан жавоб талаб қилсам, улар довдираб қолишади. Буни маълум вақт билмаслик яхши, лекин қачондир жавобингиз бўлиши керак-ку?! Сиз кўрмаётган нарсангизнинг ҳосилини йиғиб ололмайсиз. Эсингиздами, Исо Петьорга қаерда балиқ борлигини айтганида бу жуда аниқ эди ва

ҳатто, уни қандай тутишни айтди: “Тўрларингизни ташланглар”. Охир оқибат, агар сиз балиқ овламоқчи бўлсангиз, қаерга тўр ташлашни билишингиз керак.

Одатга кўра одамлар “почта қутиси” дунё қарашига эга экан, мен буни шундай атайман, яъни Худо шунчаки олиб, ҳаммасини уларнинг ўрнига қилади деб ўйлашар экан, уларнинг молиявий соҳасида 10 ёки 20 йиллаб ўша барча муаммолар ва тартибсизлик сақланиб тураверади. Бу ачинарли. Улар нима учун ўзгармаслигини билишни истайсизми? Чунки уларни Муқаддас Рух ёрдамида, Шоҳлик ёрдамида балиқ овлашга ҳеч қачон ўргатишмаган. Муқаддас Рух уларга муваффақиятли бўлишда ёрдам бериш учун ердаги шоҳликда қандай ҳаракат қилишини билишмайди. Улар жуда муҳтож бўлган муваффақиятга эришишда уларнинг роли ва Муқаддас Рухнинг роли қандай эканини билишмайди.

Бу бугун мен тушлик вақтида кўрган одамга ўхшайди. У жуда семиз эди, эҳтимол унинг вазни 375 фунт эди (170 килограмм). Унинг бир оёғида тиргак ва иккита таёқ бор эди. У зўрға ҳаракат қиларди. Чизбургерни еб бўлгач, ерэнғоқ мойли пирог бўлагини сўради. Унинг бу пирогга буюртма берганини эшитиб, ҳайратда қолдим. У нима ҳақида ўйлаганини билмадим-у, лекин пирогларга тўйиб кетганди. Бу маълум эди ва бу уни ўлдирди. У столдан зўрға турдида, секин ва

**МУҚАДДАС РУХ,
ХУДОНИНГ ЎЗИ СИЗГА
ЗАРУР БЎЛГАН ҲАР
ҚАНДАЙ ЖАВОБНИ
БЕРИШ УЧУН
СИЗНИНГ ИЧИНГИЗДА
ЯШАМОҚДА.**

азобда ресторандан чиқиш томонга кетди. Бугун мен масиҳийларнинг ҳаётини шундай кўраман – улар ваъдани эшитишади, лекин заҳарни қабул қилишда давом этадилар, кейин эса нима учун ҳеч нарса ўхшамаяпти деб ҳайрон бўлишади.

Дўстим, сизда жавоб бор!
Муқаддас Рух, Худонинг Ўзи сизга

зарур бўлган ҳар қандай жавобни бериш учун сизнинг ичингизда яшамоқда. Одамлар мenden Сюзенга ёки Саллига ўйланишини, у ёки бошқа ишга киришини, аввалги жойларидан кўчиб кетишини

ёки қолишини, акцияларини сотишини ёки сотиб олишни сўрашади. Ичингиздаги Муқаддас Рух жавобларни билади. Албатта, ушбу китобнинг мақсади ҳам шу – Муқаддас Рух бизга қандай ёрдам беришини ва Муқаддас Рухнинг овозини эшитишга нисбатан Худонинг Шоҳлиги қандай ҳаракатланишини билишдир.

Шундай қилиб, хулоса қилсак.

Исо балиқ қаердалигини ва уни қандай тутишни айтса, ҳар ким балиқ тутиши мумкин, ҳатто сиз ҳам!

Кэрол ушбу мактубда унинг ҳаёти қандай ўзгарганини айтиб берган.

Ўтган йили худди шу куни мен бутун чекловларни танлаб, кредит карталарим билан Мавлуд байрамига совғалар сотиб олдим, чунки ҳали ҳам Санта Клаусга ишонадиган қизимга совға олишга пулим йўқ эди. Мен доимий ташвиш ва қайғу ичида яшардим ва чўпон Гарига бу экиш ишламаётганини ва ҳеч нарса содир бўлмаётганини ёздим. У жуда сабр билан кутиш керак, ҳосил етилиши учун вақт керак, одатда бу эртасига содир бўлмайди деб жавоб берди.

Бир йил ўтди, бугун бутун оилам учун нақд пулга совғалар сотиб оламан. Мен 300 ёки 400 доллар турадиган совғаларни сотиб оламан ва қийин пайтларда менга ёрдам берган бир нечта одамларни миннатдорчилик билан ёдга оламан. Ўтган йили мен дўстларим бир неча ойга қолишимга рухсат берган ертўладаги хонада яшадим. Овқат ва бензинга ҳам пулим йўқ эди. Ҳозир эса мен чиройли ва ҳашаматли уйда яшайман, музлатгичим эса, озиқ-овқатга тўла.

3-декабр қизимнинг туғилган куни эди ва биз уни Пенсилваниядаги “Херши” боғига олиб бордик. Биз унинг энг яқин дугонасини таклиф қилдик, “Херши” меҳмонхонасида қолдик ва ҳаммасини нақд пул билан тўладик. Мен унга 400 доллардан қимматроққа тушган ажойиб совға сотиб

олишга муваффақ бўлдим, ўтган йили шу вақтда унинг туғилган кунини нишонлаш учун кимдир менга 30 доллар берганида, ҳўрланишни ҳис қилган эдим.

Мен ҳатто бунни кўз ёшларсиз ёзолмайман. Мен чўпон Гари ва унинг рафиқаси Дрендадан жуда миннатдорман. Бу йил ҳаётимдаги энг яхши йил бўлди. Худо ҳаётимда қилган нарса шунчалар ажойиб. Ҳикояларим бутун бир китоб бўлиши мумкин. Менга ер юзида жаннатдагидек яшашни ўргатганингиз учун раҳмат.

Қуйидаги мактуб Худо Шоҳлиги ҳақида мен эшитган энг ҳайратланарли ҳикоялардан бири. Уни Мичигандан Шэрон айтиб берган:

Чўпон Гари, мен бунни эрим ва ўзим номимдан ёзяман. Сизга миннатдорчилик билдирмоқчиман, чунки сиз ва сизнинг рафиқангиз биз учун беқиёс илҳом манбаи бўлдингизлар. Биз сиз ҳақингизда уч ёки тўрт йил аввал Сид Ротнинг кўрсатувида эшитган эдик. Биз жуда қийин даврларни бошдан кечирдик. Эримни 18 йиллик ишидан сўнг, ишдан бўшатишди ва бу содир бўлган вақтда биз эндигина 280 000 долларлик уйимизни қурган эдик. Биз қулоғимизгача қарзга ботган ва оғир тушкунликда эдик.

Биз сизнинг дисқларингизни буюртма қилдик ва улар бердош беришимизга ёрдам берди. Қарз шунчалик оғир бўлиши мумкинки, у соғлиққа ва ҳаётга кучли таъсир кўрсатиши мумкинлигини билиб олдик. Биз чиқиш йўлини кўрмас эдик. Гарчи янги уйимиз учун пул тўлай олмасак-да, кетишга мажбур бўлишдан олдин у ерда икки йил яшадик. Бунинг ўзи барака эди.

Ҳикоямни қисқартираман. Эрим тўрт йилдан сўнг эски ишига қайтишга маваффақ бўлди, чунки у имонда қолди ва

Худонинг ваъдаларига ишонди. Сиз ва сизнинг рафиқангиз дискларингиз орқали бизга ёрдам бердингиз. Эрим эски ишини ва шу тўрт йил учун бутун маошини қайтариб олди! Бу ҳеч қандай адвокатларсиз ва юридик курашларсиз содир бўлди. Унга ўша тўрт йил учун барча таътил кунлари қайтариб берилди. Аслини олганда, уни қайта ишга олишганда, улар ундан биринчи навбатда таътилга чиқишни сўрашди! Натижада, у олган товон пули туфайли биз йўқотганимиздан ҳам яхшироқ уйни нақд пулга сотиб олишга муваффақ бўлдик. Ҳамма қилаётган ишларингиз учун сизга раҳмат.

Миссурилик Эндрюдан:

Икки йил олдин май ойида мен жуда қийин вазиятда эдим. Менга ўзимнинг аввалги ишим ёқмасди ва фаол савдо соҳасида янги лавозимни қабул қилдим. Менга жиддий мажбурий ижро хизматидан бўлган ходимлар қўнғироқ қилишарди, пул ёқилғи ва овқатга зўрға етарди, ой охири яқинлашиб қолар, ижара ҳақи шиддат билан ошиб борарди. Бироқ менда Гарининг “Инқилоб 2.0” сериясидан компакт-дисклар тўплами бор эди. Бир кун мен хизматда ўтириб, қурбонлик бермоқчи эдим, лекин менда бор-ўйғи 23 доллар ва бир ҳафтага зўрға етардиган ёқилғи бор эди. Ишимда ҳаммаси яхши эмас эди ва мен қурбонлик қилишни хоҳлашимни, лекин пулим йўқлигини Худога билдирдим. Мен ичимда овоз эшитдим, у: Мен (Худо) бу 23 доллар билан сендан кўра кўпроқ нарса қила оламан – деди. Худо мен билан 20 доллар қурбонлик қилишимни ва бу менга юз баравар бўлиб қайтиб келишига ишонимни келишиб олди.

Ўша пайшанба кун мен бировнинг ҳисобини юритишга ёрдам бердим. Биз нимадир сотсакда, деярли ҳеч нима олмаслигимга қарамасдан, мен ёрдам бермоқчи бўлдим. Иш

куни тугагандан сўнг, бошлиғим ёрдамимни қадрлаганини ва ўша кундаги барча сотув учун мукофот олишимни айтди (тушунишингиз учун, воситачилик савдоларида бунақаси содир бўлмайди). Топингчи, нима? Мен олишим керак бўлган умумий фойда ... 2000 долларни ташкил қиларди!!! Бир ҳафтадан камроқ вақт ичида эккан пулим 100 БАРОБАР МИҚДОРДА ҚАЙТДИ!

Худо ҳақиқатдан ҳам алдамайди ва агар кичик нарсада Худо иштирок этса, ўша нарса каттага айланади. Ўшандан буён мен виждонан 10 фоизлик ушрларни бердим ва ўсишини кутиб қувонч билан қурбонликлар келтирдим.

Бир неча ой ўтиб, мен АЙНАН орзу қилган янги лавозимга эга бўлдим. Икки йил ичида бемаъни ҳаёт кечиришнинг ўрнига, даромадимни тўрт баробар оширишга ўтдим. Раббийга ҳамдлар бўлсин, барча улуғворлик Унга тегишли. Қўшимча бонус: машинам ортиқ банкка тегишли эмас ва мен ПУЛИ ТЎЛИҚ ТЎЛАНГАН янги машинада юрибман!!!

Мана Кореядан Худонинг улуғворлиги ҳақидаги гувоҳлик:

Ҳурматли чўпон Гари!

Мен мақсадсиз яшардим ва мустақил ҳеч нарса қила олмасдим. Мен хайр-эҳсонга кун кечиришга ўрганган эдим, одамлар эса менга ёрдам беришдан чарчаганларида, умидим фақат бир қути печенье ва бир шиша кока-кола эди. Бу ўзим ва икки нафар болаларим учун оладиган бор овқат эди. Уй-жой ва коммунал тўловлар учун тўлайдиган ҳеч нарсам йўқ эди. Биринчи марта “Имон ҳаёти” (Faith Life Church) жамоатининг жонли эфирдаги хизматини томоша қилганимни ҳали ҳамон эслайман. Мен сизнинг чўпонингизга онлайн тарзда аҳволим қанчалик ёмон эканини тушунтирдим ва у фақат Петъор солиқ тўлаши керак

Бўлганида Худо унга қандай кўрсатган бўлса, Худо менга ҳам қаерда ва қандай балиқ тутишни кўрсатишини сўрашим кераклигини айтди. Қисқа қилиб айтганда, менинг ҳозир африкача рестораним ва сартарошхонам бор. Буларнинг ҳаммаси чўпон Гарининг таълимотларини тинглаганим туфайли содир бўлди. Раббийга ҳамду-санолар айтаман!

Қандай ажойиб ҳикоялар! Лекин сиз: “Бу ажойиб, Гари. Албатта, бошқа одамлар муваффақият қозонишди, лекин мен эмас” - дейишингиз мумкин. Хўш, сизнинг ҳикоянгиз ҳали тугамаган! Сиздан бир нарсани сўрамоқчиман. Сиз ўтириб, бу бобни ўқиётганингизда, сиз ҳавога учиб кетмаслигингиз учун стулингизга қаттиқ ёпишиб олганмисиз? Йўқ, ундай эмас. Нимага? Чунки сиз тортишиш қонунини тушунасиз ва у ҳамма учун бир хил ишлашини биласиз. Демак, Худонинг Шоҳлиги ҳам худди шундай ишлайди. Сиз қонунларни ўрганишингиз мумкин. Сиз ҳаётингизни Худонинг қудрати ҳақидаги ҳикояга айлантирадиган ноёб режаларни эшитишни ўрганишингиз мумкин. Биз аллақачон бу ҳикоялар Муқаддас Руҳнинг сезгирлиги ва ёрдами туфайли содир бўлишини аниқладик. Шундай қилиб, келинг, саёҳатимизни Муқаддас Руҳ ҳаракатларининг баъзи асосларини кўриб чиқишдан бошлайлик, сўнгра бизга зарур стратегияларни эшитиш учун кенгроқ тўхталиб ўтамыз.

4-БОБ.

Муҳими: БУСИЗ УЙДАН ЧИҚМАНГ

Агар сиз Муқаддас Рухнинг стратегияларига ва Муқаддас Рух бошқаруви остидаги ғалабаларга тўла ҳаёт кечирмоқчи бўлсангиз, биринчи навбатда сиз, юқоридан туғилишингиз ва иккинчидан, Муқаддас Рухга чўмган бўлишингиз керак. Ҳа, бу худди ўша битта Рухнинг бутунлай ҳар хил ишлари. Агар бу сиз учун умуман бегона нарсга бўлса, ҳечқиси йўқ. Мен сизни бундан олиб ўтаман. Лекин келинг, бирдан ишга ўтсак, Исо айтганки, Муқаддас Рухга чўмиш шу қадар муҳимки, усиз ҳатто, уйдан чиқиш мумкин эмас! Албатта, бу менинг сўзларим эмас. Исо бу сўзларни Ҳаворийларга 1:4,5да айтган.

Сўнгра уларни йиғиб, уларга буюрди: –Йерусалимдан кетиб қолманглар, лекин Мендан эшитганларинг, Отам ваъда қилганни кутиб туринглар.

Зеро Яхё сувга чўмдирган эди, аммо сизлар бир неча кундан кейин Муқаддас Рухга чўмдириласизлар.

– Ҳаворийлар 1:4-5

Аммо Муқаддас Рух сизларнинг устингизга тушиб келганида, сизлар куч-қудрат оласизлар...Менинг гувоҳларим бўласизлар.

– Ҳаворийлар 1:8

Исонинг нима деганига эътибор беринг: “Бусиз уйдан чиқманг – бу ўта муҳим!” Аслини олганда У: “Худонинг ишларини қилиш учун, Худо Шохлигининг гувоҳлари бўлиш учун бу куч сизларга керак” – деди. Бироқ бугунги кунда Муқаддас Рухга чўмиш ҳақида ҳали эшитиши ва бошдан кечириши керак бўлган кўплаб масиҳийлар бор, жамоатда тарбияланган, лекин бирор марта ҳам Муқаддас Рухга чўмишнинг зарурлиги ҳақида эшитмаган кўплаб масиҳийлар бор. Ёки улар жамоатда тарбияланган, лекин уларга чўмиш ҳозирги кун учун эмас, мўъжизалар ўтмишда қолган деб айтилган.

Мен мана шундай жамоатда ўсганман ва ҳеч қачон Муқаддас Рухга чўмиш ҳақида эшитмаганман. Мен бутун дунё бўйлаб бу қудратли ҳақиқат тўғрисида ҳали эшитмаган одамлардан жуда кўп мактублар оламан. Мен олган мактубларнинг кўпчилигида, бу инъомнинг бугунги кундаги қадрини шубҳа остига қўяди, шунинг учун мен Муқаддас Рухга чўмиш ҳақидаги ҳақиқатни қоғозда баён этишга вақт ажратдим.

Муқаддас Китоб бу масалани жуда аниқ ёритади деб ҳисоблайман ва Муқаддас Китоб ўзи учун гапиришига рухсат бермоқчиман. У сизнинг барча саволларингизга жавоб беради. Лекин авваломбор, сизларга Муқаддас Рух ҳақидаги ҳақиқатни ўзим учун қандай очганлигим ҳақида айтиб бермоқчиман.

Ёшлигимда мен Худога чанқоқ эдим (ёшим бир жойга етган бўлсада, ҳозир ҳам чанқоқман) ва ўзимизнинг конфессиямиздаги жамоатга қатнардим. Якшанба куни эрталаб биз одатий диний маросимни ўтказардик. Эҳтимол, сиз ҳам шундай қилгансиз. Мен бир нечта мадҳияларни эслайман, улардан сўнг бир лаҳзалик жимликда фикр юритиш бўларди. Ҳаммамиз “Осмондаги Отамиз” ибодатини ўқирдик, сўнгра чўпон воизлик қиларди, яқунловчи мадҳия ва дуо қилиш янграрди. Ҳар бир хизмат бир хил ўтарди.

У ерда ажойиб инсонлар бўлиб, албатта, Худони ҳақиқатан севишар эди. Бироқ мен ҳеч қачон Хушхабарнинг ҳақиқийлигини чинакамига кўрмаганман. Одамларнинг ҳаёти тубдан ўзгарганини

ёки Худонинг кучи остида одамлар шифо топганини кўрмаганман. Эҳтимол, мен Худо Шоҳлигининг намоён бўлишини кўрмаганман дейиш мумкиндир.

Шундай қилиб, мен Худога чанқоқ эдим, мен 18 ёшда эдим ва отамнинг пиццахонасини бошқарар эдим. Бир куни кечки пайт бир йигит пиццахонага келди ва мени уйғониш хизматига таклиф қилди. Бу шахримдаги кичик бир методистлар жамоатида ўтказилар эди, таклиф қилинган воиз, Исо Муқаддас Китобда амалга оширган нарсаларини бугун ҳам қилади деб айтган хушxabарчи эди.

Бу менинг диққатимни тортди, чунки мен буни кўрмоқчи эдим. Бир қанча дўстларим бу жамоатга қатнар эди ва мен ҳам боришга қарор қилдим. Гарчи мен ўша кеч Муқаддас Рухга чўмиш ҳақида эшитмаган бўлсамда, бу хизматда Худонинг ҳузуридан қаттиқ таъсирландим. Бу жамоатнинг аъзолари бўлган дўстларим яшанба куни келишни менга таклиф қилишди ва мен шундай қилдим. Мен бу жамоатни севиб қолдим ва у менинг янги руҳий уйимга айланди.

Уйғонишдан сўнг, бир неча ҳафта ўтгач, жамоатга қатнаб, Муқаддас Каломни ўрганиш бўйича ҳафталик машғулотларни ўтказадиган аёллар гуруҳи билан танишиб қолдим. Улар Муқаддас Рухга чўмиш деб аталадиган нарса, Рухнинг инъомлари ва мен илгари ҳеч қачон эшитмаган бошқа нарсалар ҳақида гапиришди. Мен улар гапираётган бу куч ҳақида эшитишни жуда хоҳлардим ва уларнинг, Муқаддас Каломни ўрганиш бўйича аёллар машғулотига келишим мумкинми деб қизиқдим. Бу машғулотлар эрталаб бўлар эди, мен эса пиццахонада кечқурун ишлаганим учун машғулотларга боришга қарор қилдим.

У ерга келиб, мен ҳақиқатан ҳам гуруҳдаги ягона йигит ва 18 ёшли ягона йигит эканим маълум бўлди, лекин менга бунинг аҳамияти йўқ эди. Мен Муқаддас Каломни ўрганишга бордим, чунки Худога чанқоқ эдим. Мен жуда кўп саволлар берар эдим.

Аёллар менга жуда сабрли бўлишди, мени Муқаддас Калом бўйлаб олиб боришди ва менинг шахсий Муқаддас Китобимда

Муқаддас Рухга чўмиш бугунги кунда ҳам долзарб эканини ва Худонинг кучи Исонинг ердаги ҳаётида бўлган даражадаги каби бугун ҳам мавжуд эканини кўрсатишди. Улар айтган барча нарсалардан энг яхшиси, бу Муқаддас Рух барча имонлилар учун – яъни ҳар бир сўраган одам учун берилиши эди.

Муқаддас Китоб машғулотларига бир неча ҳафта қатнаганимдан сўнг, менга “Women’s Aglow” номли миллий вазифа умумшаҳар йиғини ўтказаетганини айтишди. Women’s Aglow Муқаддас Рухга чўмиш ҳақида кўп таълим берадиган ташкилот эди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Бу аёллар йиғинда иштирок этишни режалаштирдилар ва мени улар билан боришга таклиф қилдилар. Ўша вақтда бу чўмиш ҳақида эшитиш ва бошдан кечириш учун ҳар хил йўналишлардан одамлар йиғилдилар, шу пайтгача бу ҳақида фақатгина эллигинчи кун жамоатларида гапирар эдилар. Бу Муқаддас Рух ҳақидаги таълимот барча йўналиш чегараларини кесиб ўтган, кўпчилик буни харизматик уйғониш деб атаган кунлар эди.

Мен Women’s Aglow йиғинига келганимда, юзлаб аёлларни кўрдим. Албатта, мен эркак сифатида озчилик ҳисобида эдим, лекин ўша хонада Худонинг ҳузури сезилиб турарди.

Одамлар шифо топганини гапирганларида мен ҳайрон бўлардим ва айримлар улар учун ибодат қилганларида ерга йиқилганини ҳайрат билан кузатардим. Мен илгари ҳеч қачон бунга ўхшаш нарсани кўрмаганман, бу мен учун қизиқарли ва бироз тушунарсиз эди. Бу Рухда дуо ўқиш эканини аниқлаб олдим. Гарчи бу табиий нуқтаи назардан менга бироз ғалати бўлиб туюлган бўлсада, буни бошдан кечирган одамлар илҳомланиб, ўрнидан туришар ва Худони улар аниқ ҳис этар эди. Кейинчалик мен аёллардан бизнинг танамиз Худонинг кучини ўзига сиғдирилмаслигини ва баъзан улар айтадиган “мойланиш”га бардош беролмаслигини билиб олдим. Улар менга Исонинг хизматида бу қаерда содир бўлганини кўрсатишди. Юҳанно Хушхабари 18:46-бда, аскарлар Исони қўлга олиш учун келганларида, Исо сўради:

—Кимни излаяпсизлар? — деди.

Улар Унга: —Назорий Исо, — деб жавоб бердилар. Исо

уларга: —Бу Менман, — деди.

Исо уларга: —Бу Менман, — дейиши биланоқ улар ортга чекиниб ерга йиқилдилар.

Сажда вақтида атрофимдаги барча аёллар ниҳоятда ҳаяжонда эдилар ва атрофимдагиларнинг кўпчилиги номаълум тилларда гапириб, Худони улуғлаётганини эшитдим. Бу бутун тажриба мен учун шунчалик янги эдики, йиғиннинг асосий вақтида мен шунчаки илтифотда турардим. Йиғиннинг кўп жиҳатлари мен учун бироз ғалати бўлса-да, мен Худонинг ақлга сиғмайдиган ва сезиларли ҳузурини инкор эта олмасдим. Хушxabар ҳақиқат эканини ва Худонинг кучи Муқаддас Каломда бўлгани каби ер юзида ҳамон ҳаракат қилаётганини билиб, жуда хурсанд бўлдим.

Ўша куни воиз Муқаддас Рухнинг бу инъомини олишни истаганларнинг барчаси йиғин охирида ибодат қилиш учун олдинга чиқишларини сўради. Шунинг учун аёллар мен билан бирга ибодат қилишлари учун олдинга чиқдим. Улар ибодат қилишаётганида, Худонинг ҳузурини янада кучлироқ сезилаётганидан мен ҳаяжонланардим. Мен Унинг ҳузурини шўнғиб, Муқаддас Рух билан ибодат қилишни ва ўзим тушунмайдиган сўзларни айтишни бошлаганимни кўриб ҳайрон бўлдим. Ўша оқшом мен узоқ вақт номаълум тилларда ибодат қилдим. Мен бошдан кечирганларимдан шунчалар таъсирланганимдан, учратган ҳар бир кишига мен билан нима содир бўлгани ҳақида айтишни хоҳлардим! Аммо жамоатимдаги дўстларим билан бўлишганимда, улар худди шундай руҳланишни ҳис қилмадилар. Одатда улар тиллар – шайтондан ёки бу энди муҳим эмас дейишарди. Улар мени бу муқаддас-қалтироқлардан узоқроқ юришимни айтиб огоҳлантиришди!

Ўша пайтларда жамоатлар Рухнинг инъомлари учун очиқ эмас ва мўъжизалар ҳаворийлар билан бирга йўқ бўлиб кетган деган таълимот устун эди. Аммо энди мен тушундимки, Худонинг кучи мутлақо йўқ бўлиб кетган эмас экан!

Ушбу Women's Aglow тадбири ўтказилишидан биров олдин мени бу кичик методист жамоатида ёшлар учун масъул этиб тайинлади. Мендан кўп нарса талаб қилинмас эди, фақат яқшанба оқшомида жамоат ертўласида ёшлар учрашувини ўтказишим керак эди. Одатда биз ўйин ўйнар эдик, тамадди қилиб, озроқ Калом ўрганар эдик. Ўзим ҳали жуда ёш эдим, аммо менда Худонинг ишларини қилишга иштиёқим борлигини кўрдим ва ёрдам беришга тайёр эдим.

Гуруҳда 15га яқин бола бор эди ва ўша кўни Women's Aglow йиғинида олган тажрибамдан сўнг, Муқаддас Рухга чўмганим ҳақида уларга айтмоқчи бўлдим. Уларнинг кўпчилиги мен каби бундай нарса ҳақида ҳатто эшитмаганини тушунар ва бу жамоатда яқшанба кўнги эрталабки хизматда бу ҳақида эшитмасликларини билар эдим.

Кейин нима содир бўлгани ҳақида айтиб беришдан аввал ўша пайтдаги фикрларимни қисқача тасвирлашим керак. Мен бу ҳақида ёшлар билан гаплашишга рухсат олиш учун чўпонимга мурожаат қилмадим (Бўни қилишим кераклигини энди тушуняпман). Шунингдек, унга мен билан нима содир бўлгани ҳақида айтмадим.

Мен жамоатимга қарши исён кўтаришга уринмаганман ва чўпонимни четлаб ўтишга ҳаракат қилмадим. Мен шунчаки жуда ҳаяжонда эдим. Ўша пайтда мен бу мавзу қандай баҳсларга сабаб бўлишини чиндан тушунмас эдим ва чўпон албатта, қарши бўлади деб ҳам ўйламагандим.

Яқшанба кўни кечқурун Муқаддас Рухга чўмганимдан сўнг, ёшларга мен билан нима содир бўлгани ҳақида айтиб беришни ва уларга бу ҳақида гапирадиган Муқаддас Ёзувлардан, яъни Ҳаворийлар китобидаги парчаларни кўрсатишни режалаштирдим. Биз жамоатнинг ертўласида эдик ва полда доира бўлиб ўтирдик, мен улар билан тажрибамни бўлишдим ва бу тажрибани тасдиқловчи баъзи Ёзув оятларини кўриб чиқдим.

Айнан ўша кеча чўпон йиғинимизга келди ва мен буларни айтиб бераётганимда, у менинг чап ёнимда ўтирган эди. Мен чўпоннинг борлигига эътибор бермадим. У менинг чўпоним сифатида

бўлишмоқчи бўлган нарсам ҳақида барибир аллақачон билади деб ўйладим.

Шундай қилиб, мен қатнашган йиғин тўғрисида ва кўрган нарсаларим ҳақида уларга айтиб бердим. Номаълум тилларда гапириш ҳақидаги тафсилотларга берилиб ўтирмадим. Бунинг ўрнига Ҳаворийлар 1:9 даги Худо ҳақида гувоҳлик бериш учун Муқаддас Рух бизнинг устимизга тушганида кучга эга бўламиз деган оятга диққатни қаратдим. Учрашув охирида дарсни қандай тугатишни чиндан билмасдим, шунинг учун болалардан агар Муқаддас Рухнинг чўмдирилишига эга бўлмоқчи бўлсалар қўлларини кўтаришини сўрадим.

Ўша онда нима қилиш кераклигини билмасдим. Яъни, мен ҳеч қачон, Women's Aglow йиғинида кўрганимдан ташқари, Муқаддас Рухга чўмдирилишда кимдир ёрдам берганини кўрмаганман. Ўйлайманки, ўша вақтда мен бу ҳақида айтилган фақат икки ёки учта Ёзув оятларини билар эдим.

Шунинг учун мен шунчаки дедим: “Агар сиз Муқаддас Рухнинг бу инъомини олишни истасангиз, шунчаки қўлингизни кўтаринг, келинг, бошимизни эгамиз ва ибодат қиламиз”. Мен айтган гап бор йўғи шу бўлди. Мен уларга тегинмадим ва Муқаддас Рухни олиш усуллари ҳақида йўл-йўриқ кўрсатмадим. Биз бошимизни эгиб, ибодат қилдик. Шубҳасиз, “яхши” масиҳийларни ўргатганидек, ибодат қилиш учун кўзларимизни юмдик.

Мен “Омин” деганимдан сўнг, болалар орасида қандайдир шовқин эшитилди. Мен кўзларимни очиб, баъзи болаларнинг йиғлаётганини, баъзиларини титраётганини, етти нафар бола эса номаълум тилларда гапира бошлаганини кўрдим. Улар номаълум тилларда гапиришни бошлаганларида, уларнинг юзларида ўзгача нур кўрдим. Улар лампочка каби порлашарди! Мен ҳайратда эдим!

Шу пайтгача бир оғиз ҳам сўз айтмаган чўпоним тезда елкамга тегиниб, ҳозироқ мен билан гаплашмоқчилигини айтди. Биз бошқа хонага ўтдик, у менинг кўзларимга қараб: “Бу шайтондан. Сен энди бу

ерда ёшлар етакчиси бўла олмайсан. Биз бунга тоқат қилолмаймиз” – деди.

Мен: “Қандай қилиб бунини шайтондан дейишингиз мумкин? Айтмоқчиманки, бу болаларга қаранг! Улар порлашмоқда-ку!” – деб ўйладим. Уларда мойланиш жисмонан кўринарди. Тўғри, ўшанда “мойланиш” сўзининг маъносини ҳам билмасдим. Мен шунчаки уларнинг порлашини билардим, ҳатто уларга тегинмадим ва ўзларини қандай тутиш кераклигини айтмадим. Чўпоннинг бундай танбеҳи мени эсанкиратиб қўйди, миям гангиб қолди ва нима қилишни билмай қолдим.

Кейинги якшанба мен яна жамоатга келдим, одатдагидек олдинда ўтирдим, орқада ўтирдим. Ёшлар йиғилиши туфайли чўпонимга ёқмай қолганимни билардим ва буларни ҳаммасини ҳал қилганимча, бироз беркиниб юриш яхшироқ деб ўйладим.

Эрталабки якшанба хизмати вақтида, одатдагидек жимгина фикр юритиш вақти келди. Менинг жамоатимда бу ҳурматли ва сокин ибодат лаҳзаси эди. Ҳамма бошини эгди ва бирорта ҳам овоз эшитилмасди. Бу вақтда игна тўғнағичнинг қандай ерга тушишини эшитиш мумкин эди. Айнан мана шу лаҳзада кимдир елкамга урганини ҳис қилдим. Мен четдаги ўриндикда ўтирар эдим, чамаси кимдир ўтиш йўлагига туриб, елкамга уриб қўйди.

Аввалига жуда сокин ва босиқ ибодат пайтида кимнингдир ўрнидан туриб, юришга журъат этгани мени ҳайратлантирди. Бошимни кўтариб, ўтган ҳафта ёшлар йиғинидаги болалардан бирини кўриб ҳайрон бўлдим. У ўша оқшом Муқаддас Рухга чўмган етти нафар болалардан бири эканини ҳам билардим. У менга қараб: “Кетдик!” – деди. Мен ўйладим: “Кетдик? Каерга кетдик?”

Ажабо, унинг юзи Муқаддас Рухни қабул қилган ўша тундаги каби порлар эди ва мен Худо нимадир қилаётганини тушундим. Аммо нимадир қилиш учун ҳозир тўғри вақт ёки жой эканига ишончим комил эмас эди, чунки чўпоним билан муаммоларим бор эди. Мен жамоатдаги эрталабки якшанба хизматида хоҳлаган нарсамизни шунчаки қила олмаслигимни ҳам билардим. Шунда у: “Онам учун

ибодат қилмоқчиман” – деди.

Мен энди нима бўлаётганини тушуна бошладим. Унинг онасини билардим. У узоқ вақт касал бўлган кичкина, озғин аёл эди. Унинг орқасида бешта умуртқа суюгига зарар етган ва шифокорларнинг ягона умиди уларни биргаликда бириктириш эди. Бу жуда жиддий жарроҳлик, дўстим эса, унинг ёлғиз фарзанди эди. Албатта, у онаси учун хавотирланар эди.

Муқаддас Рухга чўмишни қабул қилгандан сўнг, у Исо унинг онасини шифолашига ишончи комил эди. Шу сабабли у “кетдик” деганда, мен уни онасини олдига бориб, унга қўлини қўйиб, у учун секин ибодат қилмоқчи деб ўйладим. Лекин у бошқача ҳаракат қилди. У онасининг олдига бориб, уни ўриндиқдан кўтариб, жамоатнинг эшиги олдига олиб борди.

У онасини ўтқазиб, иложи борича баланд овозда у учун номаълум тилларда ибодат қила бошлади. Эсингизда бўлса, буларнинг барчаси энди унчалик сокин бўлмаган “сокин” мулоҳаза пайтида содир бўлди. Мен ҳайратда қолдим! Кейин у менга ўгирилиб: “Нима бўлаётганини тушунтир” – деди.

У мени нима учун ўзи билан чақирганини энди тушундим. У Муқаддас Рухга чўмиш ҳақида унга айнан мени айтган деб ўйлаган ва у онаси учун номаълум тилларда қандай ибодат қилаётганини жамоат аъзолари эшитгандан сўнг, уларга бу ҳақида мени айтиб бера олади деб қарор қилган.

Шундай қилиб, мен унинг вакили сифатида жамоат аъзолари олдида турдим, у эса онаси учун номаълум тилларда ибодат қилди. Мен нима дейишни билмас эдим, боз устига чўпоним менга қараб турарди. Мен жамоат аъзоларига унинг онаси касал эканини ва Муқаддас Каломда ёзилганидек, номаълум тилларда онаси учун ибодат қилганини айтдим. Лекин биласизми нима? Онаси ўша тонгда жамоатда бир лаҳзада шифо топди!

Бу унинг ибодати ҳақидаги бошқаларнинг фикрига мутлақо бефарқ бўлган ўғилнинг имони эди. У Муқаддас Рухнинг тирик ва соғлом эканига ҳамда онасини шифолай олишига амин эди.

У бир лаҳзада шифоланганига қарамасдан, жамоат буни қабул қилмади. Чиндан ҳам кўпчилик шундан сўнг, олдимга келиб: “Хўш, мен унинг онаси учун ибодат қилганига қарши эмасман, лекин бу номаълум тиллар, биз эса буни уддалай олмаймиз” – дейишди. Кафолат беришим мумкинки, шайтон ҳам номаълум тиллардан нафратланади ва бу китоб тугагунга қадар нима учун у номаълум тиллардан нафратланишини тушунишингизга ёрдам беришга умид қиламан.

Эҳтимол, сиз номаълум тиллар ва Рухнинг инъомлари қўлланилмайдиган жамоатда ўсгандирсиз. Балки сиз номаълум тиллар бугунги кун учун эмас ёки уларнинг вақти ўтиб кетди дейдиган таълимотда ўсгандирсиз. Бу саволларга жавоб бериш мушкул. Муқаддас Каломда бу мавзуга доир жуда аниқ фикрлар бор. Шунинг учун келинг, Каломга диққат билан қараймиз ва Муқаддас Рухга чўмиш ҳақидаги ҳақиқатни ойдинлаштирамиз. Келинг, бу бобнинг бошида ўқиган оятларга қайтамиз.

Сўнгра уларни йиғиб, уларга буюрди: –Йерусалимдан кетиб қолманглар, лекин Мендан эшитганларинг, Отам ваъда қилганни кутиб туринглар. Зеро Яхё сувга чўмдирган эди, аммо сизлар бир неча кундан кейин Муқаддас Рухга чўмдириласизлар.

– Ҳаворийлар 1:4-5

Бу оятда муҳокама қилиш лозим бўлган бир қанча муҳим жиҳатлар бор:

**МЕН СИЗЛАРГА
АЙТАЁТГАН
СЎЗЛАРНИ ЎЗИМДАН
СЎЗЛАМАЯПМАН.
ЛЕКИН МЕНДА БЎЛГАН
ОТАМ, У ИШЛАРНИ
БАЖАРМОҚДА.**

– Юҳанно 14:10

1. Муқаддас Рухга чўмиш сувга чўмишдан фарқ қилади.
2. Исо бу жуда муҳим эканини айтди. Ҳақиқатан У бусиз ҳеч нарса қила олмайсизлар деб аниқ айтди.

Эсингизда бўлсин, Исо ҳозиргина шогирдларига барча халқларга бориб, Хушхабарни воизлик қилишни

айтди. Аммо улар Осмон Шоҳлигини Муқаддас Рухга чўмишсиз кўрсатиб, тасдиқлай олмас эдилар. Шунинг учун У: “Муқаддас Рухга чўмишни қабул қилмагунча, ўша ерда қолинглар” – деди.

Аммо Муқаддас Рух сизларнинг устингизга тушиб келганида, сизлар куч-қудрат оласизлар ва Йерусалимда, бутун Яҳудияда, Самарияда ҳамда ернинг ҳудудларигача Менинг гувоҳларим бўласизлар.

– Ҳаворийлар 1:8

Куч-қудрат! Юнонча куч сўзи – “dynamis” дейилади. “Динамит” сўзи айнан шундан келиб чиққан. Шундай қилиб, биз Худонинг ишларини қилишимиз учун, Унинг қудрати бизга тушишини кўраимиз. Исо хизматининг бошида Уни ҳаракатлантирадиган куч-қудрат ва мойланиш Отасидан келишини эслатиб ўтган.

“Мен сизларга айтаётган сўзларни Ўзимдан сўзламаяпман. Лекин Менда бўлган Отам, У ишларни бажармоқда” (Юҳанно 14:10).

“Ростини, сизларга ростини айтаман, Ўғил ... Ўз Ўзидан ҳеч нарса қила олмайди” (Юҳанно 5:19).

Кўряпсизми? Исонинг Ўзи Худо Рухининг кучига муҳтож эди. “Мойланиш” сўзи “...га қўллаш” деган маънони англатади. Исо бу мойланишни Йордан дарёсида Муқаддас Рух кабутар кўринишида Унинг устига тушганида Отасидан олган.

Исо бу мойланишни олгандан кейингина Худо Шоҳлигининг ишларини қила олди. Агар Исо бунга муҳтож бўлган бўлса, унда биз ҳам бунга муҳтожмиз! Бу куч-қудрат Худони билмаганларга Унинг борлигини кўрсатиш орқали гувоҳлик беради (ёки исботлайди).

Шунингдек, Муқаддас Калом сиз куч-қудратни, юқоридан туғилганингиз заҳоти Муқаддас Рух сизнинг ичингизга кирган вақтда

эмас, балки У СИЗНИНГ УСТИНГИЗГА ТУШГАНда оласиз дейди.

Кўпчилик одамлар Масихни қабул қилган пайтда Муқаддас Рухни олдик деб ўйлаганликлари учун Муқаддас Рухга чўмиш ҳақидаги гапларни чалкаштириб юборишади. Ҳақиқат шундаки, улар ҳақиқатан ҳам Масихни қабул қилганларида, Муқаддас Рухни олдилар. Муқаддас Рух уларнинг руҳини Худо учун тирик қилди ва Худо билан бир қилди.

Биз юқоридан туғилганимизда, ичимиздаги Муқаддас Рухнинг кучи билан Худо учун тирикмиз. Лекин эътибор беринг, Ёзувнинг бу жойида: “Муқаддас Рух устингизга тушганида” –дейилмоқда. Бу биз ушбу китобда кейинроқ муҳокама қиладиган муҳим ҳақиқатдир: юқоридан туғилиш ва Муқаддас Рух томонидан мойланиш ёки чўмиш – бу иккита ҳар хил ҳодиса. Агар Юҳанно Хушхабари 20:21-22га қаралса, ушбу фикрни яхшироқ тушуниш мумкин.

Шунда Исо яна уларга: “Сизларга тинчлик бўлсин, Отам Мени юборганидек, Мен ҳам сизларни юбораяпман”, — деди. У шуларни айтиб пуфлади ва уларга деди: “Муқаддас Рухни қабул қилинглар.

Биз бу ерда Исо тирилганидан кейин шогирдлари билан саломлашганда, уларга пуфлаб, Муқаддас Рухни қабул қилишни буюраётганини кўришимиз мумкин. Ўша онда улар юқоридан туғилмоқдалар ва уларнинг руҳи Худо учун ичкаридан жонланмоқда. Бироқ Исо кейинроқ уларнинг устига тушадиган Муқаддас Рухга чўмишни кутишларини айтди.

Агар Исо уларга пуфлаганда бутун Муқаддас Рухни олган бўлсалар, У нимага ваъда қилинганидек, уларнинг устига тушиши керак бўлган Муқаддас Рухни олмагунларича, Йерусалимда кутиши кераклигини айтди? Албатта, бу иккита ҳар хил воқеа ва иккита ҳар хил вазифа, лекин ўша битта Рух. Бундан ташқари, мен олдин айтганимдек, Исо Ўз хизматига кириши ва унда самарали бўлиши учун Муқаддас Рухга чўмган бўлиши кераклигини таъкидлаш лозим. Исо Муқаддас Рухга

чўмишидан олдин битта бўлса ҳам мўъжиза қилгани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Исо улғайганида, кечки овқат пайтида нонни кўпайтирдими? У гўдаклигида мўъжизалар қилдими? У болалар овқати тугаб, оч қолгани учун уни кўпайтирдими? Йўқ! Кўпайтирмади. Нима учун? Оддий ва тўғри жавоб: У қила олмас эди.

У Йордан дарёсида Муқаддас Рухни қабул қилганидан сўнггина, мўъжизалар қилишни бошлади. Кўряпсизми, Исо инсон каби келди. У Худо Ўғли сифатида Ўзининг қудрати ва шуҳратида келмади. Ҳар қандай одам чеклангани каби, У ҳам инсон сифатида чекланган эди. Сиз-у биз ўзимиз мўъжиза ярата олмаганимиз каби, У ҳам шифолаб, мўъжиза ярата олмасди.

Бироқ биздан фарқли равишда Исо чақалоқ бўлиб туғилганида, Унинг руҳи Худо учун ўлик эмас эди. Унинг руҳи Худо учун доимо тирик эди. У биздек юқоридан туғилиши шарт эмас эди. Бироқ Унинг руҳи Ўғил сифатида Худо учун тирик бўлсада, биз каби Ўз хизматини бошлаш учун У барибир Муқаддас Рухга чўмиши керак эди.

Сувга чўмдирилгач, Исо ўша заҳоти сувдан чиқди. Мана, Унга осмон очилди ва Яҳё Худонинг Рухи Исонинг устига кабутардек тушиб келганини кўрди.

Осмондан эса: “Бу Менинг севимли Ўғлимдир. Менинг илтифотим Ундадир”, – деган овоз келди.

– Матто 3:16-17

Ёдингизда бўлсин, биз Исони Шоҳларнинг Шоҳи ва Раббийларнинг Раббийси деб ҳисоблаймиз, лекин бу У хизмат қилган ўша ҳолат эмас. Мўъжизалар Муқаддас Рух Йордан дарёсида Унинг устига тушганидан сўнггина бошланди.

Сизнинг хизматингиз (зеро ҳар бир имонли Исонинг ишларини амалга оширишга даъват этилган) Муқаддас Рухга чўммагунингизча бошланмайди – сизга ишларни амалга ошириш учун Муқаддас Рухнинг қудрати зарур. Шунингдек, ишларни қандай қилишни билишингиз учун сизга Рухда ибодат қилиш қобилияти керак.

Албатта, сиз Муқаддас Китоб нажот ҳақида нима дейишини бошқаларга айтиб бериб, юқоридан туғилиш тажрибасини таклиф этишингиз мумкин. Муқаддас Рухга чўммаган кўплаб масихийлар Хушxabарни самарали бўлишишади, лекин Исо қилганидек, Худонинг Шоҳлигини кўрсатиш учун қудратга эга бўлмайдилар. Шу сабабли кўп жиҳатдан воизлик имкон қадар кучли таъсирга эга эмас.

Исо фарзийларнинг имонсизлиги тўфайли уларга эътироз билдирганда, У яратган мўъжизаларга ишора қилди. У деди:

Мен Отамда ва Отам Менда эканлигига ишонинглар, акс ҳолда, ишларим орқали Менга ишонинглар. (Юҳанно 14:11)

Исо аслида, Худо Шоҳлигининг бу намоиши барча баҳс-мунозараларга барҳам берганини айтди. Масала ҳал бўлди. Энди, албатта, ҳар бир имонли Исо нарх тўлаган барча нарса, шу жумладан, шифоланиш учун ҳам тўлиқ қонуний ҳуқуққа эга. Ҳар бир имонли Худонинг ҳар қандай ваъдасини имон (само билан келишув) орқали олиши мумкин ва у Худодан қабул қилиши учун Муқаддас Рухга чўмдирилиши керак эмас.

Лекин бу қудрат сиздан бошқаларга ўтиши, Рухнинг инъомларини ишлата олишингиз ва номаълум тиллардаги ибодат орқали, самовий сирларда юриш имтиёздан роҳатланишингиз учун мойланишнинг қудратига эга бўлишингиз зарур! Номаълум тилларда ибодат қилиш ҳақида гапирганимда нимани назарда тутаётганимни тушунмаслигингиз мумкинлигини биламан. Бу сизни қўрқитмасин, кейинроқ ҳаммасини батафсил тушунтираман.

Қизим Эми Огайё штатининг Нью-Олбани шаҳридаги “Имон ҳаёти” жамоатимизда хизматни олиб боради. Бир неча йил давомида ҳаммамизни ўйга солиб қўйган касалликдан азият чеқди: унинг қорни аста-секин кенгайиб, ташқарига чиқиб қолди. Гарчи биз кўплаб шифокорларга борсақда, ҳеч ким нима учун бундай бўлаётганини тушуна олмас эди. Уларнинг ҳаммаси бу шунчаки унинг организмнинг ўзига хослиги дейишди.

У олти ойлик хомиладор аёлга ўхшаб қолмагунча шундай

давом этди. Кейин Эми рентген қилди, энди эса, рентген расмида қорнидаги катта ўсма яхшигина кўриниб турарди. Расмни кўриб, Эми тиббий нуқтаи назардан кейинги қадам нима бўлишини тушунди. Бу операция қилиш эди. Эндигина турмушга чиққан Эми ҳар қандай операциядан сўнг фарзанд кўриш қийин ёки ҳатто имконсиз бўлиши мумкинлигини билар эди. Эми учун бу исталмаган иш эди. У бутун умр она бўлишни орзу қилган. Шунингдек, рентген расмида катта ўсимта аъзоларни силжитгани кўриниб турарди ва бу Эмида овқат ҳазм қилиш муаммоларини, шунингдек, жиддий буйрак муаммоларини келтириб чиқарди. У Худонинг Сўзини ўрганиш билан жиддийроқ шуғулланишга ва вақтини фақатгина Муқаддас Калом шифолаши ҳақида ўргатадиган таълимотларни ўрганишга бағишлашга қарор қилди. Ўша вақтда мен ҳам “Имон ҳаёти” жамоатида шифоланишни воизлик қилар эдим. Ушбу бир қатор машғулотлар ниҳоясида Эми хизматчилардан унга қўлларини қўйиб, Ёқуб 5:14-15га кўра унинг шифоланиши учун ибодат қилишларини сўради ва биз шундай қилдик.

Агар сизлардан бирор киши касал бўлган бўлса, у жамоабошиларни чақирсин. Улар эса Раббийнинг номидан уни мой билан мойлаб, у учун ибодат қилишсин. Шунда имон ибодати беморни соғайтиради ва Раббий уни қайта тиклайди. Агар у гуноҳ қилган бўлса, унинг гуноҳлари кечиради.

– Ёқуб 5:14-15


Худонинг Каломига амин бўлган Эми биз унга қўлларимизни қўйганимизда, шифо топганини эълон қилди. Биз у учун ибодат қилган пайтимизда, гарчи унинг шифо топгани жисмонан намоён бўлмаган бўлсада, у шифо топганига амин эди.

Икки ҳафта ўтгач, у шифо топганига ҳеч қандай жисмоний дадилларга эга бўлмасада, ухлашга ётди, лекин эрталаб шоқдан ўйғонди. Кечаси ухлаб ётганда, унинг бели 13 фунт ва 9 дюймга қисқарди. Унинг қайрилган ва ғадир-будир орқаси мутлақо нормал эди. У бир лаҳзада тузалиб кетди!



Олдин Кейин

Ушбу фотосуратлар ажойиб шифоланишни кўрсатади. Чап томондаги фотосуратда Эмининг ухлашга ётган кўриниши. Ўнгда ўйғонгандаги кўриниши.



Сиз чапда шифоланишгача бўлган унинг орқасининг рентген суратини ва ўнгда – шифо топганидан бир ҳафтадан сўнг олинган рентген суратини кўриб турибсиз. Умуртқа суягидаги ҳайрон қолдирувчи ўзгаришларга эътибор беринг!

Ўша пайтда Эми “Имон ҳаёти” жамоатимизда улуғлов етакчиси эди ва ҳозир ҳам шундай. Кейинги якшанба у жамоатга келганида нима содир бўлганини тасаввур қила оласизми? Одамлар унга ҳайрат билан бақрайиб қолишди! Улар кутиш хонасида ҳайратдан тўхтаб: “Сенга нима бўлди? Сен янги тана олдингми? – деб сўрашарди. Ўша якшанба Эми хизматни бошқарганда бутун жамоат шокда эди ва Худо Шоҳлигининг бу кўриниши кўпчиликини Худого олиб келди ҳамда кўплар шифо топди.

Аммо Муқаддас Руҳ сизларнинг устингизга тушиб келганида, сизлар куч-қудрат оласизлар ва Йерусалимда, бутун Яҳудияда, Самарияда ҳамда ернинг ҳудудларигача Менинг гувохларим бўласизлар.

– Ҳаворийлар 1:8

Исога бу Худо Шоҳлигини намоён қилиши учун зарур эди.

Имон келтирганларга бундай аломатлар ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар, янги тилларда сўзлайдилар.

Илонларни ушлайдилар, заҳарли нарса ичсалар ҳам уларга зиён етказмайди. Беморларга қўлларини қўйганларида, улар шифо топадилар”

– Марк 16:17-18

Илонларни ушлаш ва ўлдирувчи заҳарни ичиш фақат шайтоннинг шоҳлигида мумкин ва бу тўғридан-тўғри қўрқув билан боғлиқ. Шайтоннинг шоҳлиги мағлуб бўлган. Исо бизга хавfli илонларни ушлашни ёки заҳар ичишни таклиф қилмаяпти, лекин У бизга душман

устидан берилган ҳокимиятнинг намунаси сифатида бу гапни ишлятапти. Биз Худонинг бу ҳокимиятини ва қудратини шайтоннинг ерига олиб келишимиз ва одамларни озод қилишимиз керак!

Эътибор беринг, Исо “ушбу аломатлар” имон келтирганларга ҳамроҳ бўлади демоқда. Одамлар Худо Шоҳлигининг ушбу аломатларини (намойишини) кўрганларида, улар бунинг қандай содир бўлганини сўрайдилар. Аломат нимагадир ишора қилади. У ўзича жавоб бўлмайди, бироқ бор Бўлган Исога ишора қилади!

Бу аломатлар Исонинг Раббийми ёки йўқлиги ҳақидаги барча баҳсларга нуқта қўяди – У РАББИЙ! Одамлар Унинг Раббий эканини кўрганларида, улар тавба қилиб, Худога келдилар. Мана нима учун сиз ва мен Муқаддас Рухга чўмишга муҳтожмиз ва биз бунингсиз чинакамига самарали бўла олмаймиз!

Шундай қилиб, биз нима учун Муқаддас Рухга чўмиш сизга кераклигини бироз тушуниб олганимиздан сўнг, келинг, энди бу мойланиш ҳақида айтилган Ёзув оятларини кўриб чиқайлик.

5-БОБ.

МУҚАДДАС КАЛОМ ГУВОҲЛИКЛАРИ

Муқаддас Рухга чўмиш ҳақида тасаввурга эга бўлишнинг энг яхши йўлларида бири – бу Ҳаворийлар китобидан ёзилганидек, Элликлик куни уни қабул қилганларнинг йўлини кузатишдир. Ёзувнинг ҳар бир парчасини ўрганиб борганимиз сари бу чўмиш сиз учун ҳам аталганига имонингиз ва ишончингиз ўсиб бораверади.

“Элликлик” куни келганида, уларнинг ҳаммалари яқдиллик билан бирга эдилар.

Тўсатдан осмондан худди кучли шамол бўлгандек шовқин келди ва улар ўтирган уйни бутунлай тўлдирди.

Уларга олов каби бўлинаётган тиллар зоҳир бўлиб, уларнинг ҳар бирининг устига биттадан қўнди.

Шунда уларнинг ҳаммалари Муқаддас Рухга тўлдилар ва Рух уларга бераётган иборалар билан бошқа тилларда гапира бошладилар.

Шу пайтда, Йерусалимда осмон остидаги барча халқлардан бўлган ҳудожўй яҳудийлар бор эдилар.

Бу шовқин содир бўлганида, кўпчилик одамлар тўпланиб, саросимага тушдилар, чунки улардан ҳар бири ҳаворийларнинг уларнинг маҳаллий шеvasида гапираётганини эшитдилар.

Шунда ҳаммалари ажабланиб ва ҳайрон бўлиб ўзаро дер

эдилар: “Бу гапирётганларнинг ҳаммаси галилиялик эмасми?

Қандай қилиб, ҳар биримиз ўзимизнинг туғилган маҳаллий шевамизни эшитяпмиз?

Парфияликлар, мидияликлар, эламликлар; Месопотамия, Яҳудия, Каппадокия, Понт ва Асия ўлкасида яшовчилар,

Фригия, Памфилия, Миср ва Ливиянинг Киринаега туташ қисмидагилар ҳамда Римдаги мусофирлар, яҳудийлар ва прозелитлар, критликлар ва араблар ҳам уларнинг бизнинг тилларимизда Худонинг буюк ишлари ҳақида гапирётганларини эшитаяпмиз”.

Ҳаммалари ажабланиб ва довдираб бир-бирларига: “Бу нимани билдиради?” – дейишар эди.

Бошқалар эса мазох қилиб: “Улар янги шаробдан тўйиб ичишган”, – дейишар эди.

– Ҳаворийлар 2:1-13

Этиборингизни қаратмоқчи бўлган биринчи нарса, Муқаддас Каломда айтилганидек, уларнинг барчаси Муқаддас Рухга тўлдилар! Иккинчидан, уларнинг ҳаммалари номаълум тилларда гапирардилар. Эҳтимол, сиз одамларнинг Элликлик кунини таърифлашини ва нима учун уларнинг ҳаммаси номаълум тилларда гапирганини тушунтиришини эшитгандирсиз. Айримлар буни жамоат учун бир марталик тажриба бўлган, чунки у ерда ҳар хил миллатдан одамлар йиғилган эди, шунинг учун турли тилларда гапирадиган барча одамларга Хушxabарни воизлик қилиш учун номаълум тиллар зарур эди деб маъқуллашади.

Агар Муқаддас Ёзувга назар ташласангиз, юқорида бўлган 120 нафар киши Худонинг ажойиб ишлари тўғрисида гапиришганини кўрасиз. Улар Хушxabарни воизлик қилмадилар, улар шунчаки Худого мақтов айтдилар.

“Уларнинг бизнинг тилларимизда Худонинг буюк ишлари ҳақида гапирётганларини эшитяпмиз”.

Ҳаммалари ажабланиб ва довдираб бир-бирларига: “Бу нимани билдиради?” – дейишар эди”.

– Ҳаворийлар 2:11-12

Атрофда туриб, уларнинг ўз она тилларида Худо улўғлаётганини тинглаётган одамлар ҳайратда қолиб, боши қотган эдилар. Кейин Петъор ўрнидан туриб, нажот хабарини воизлик қилди ва жамоатга 3000 киши қўшилди. Агар шогирдлар номаълум тилларда воизлик қилишганида эди, Петъор туриб, воизлик қилиши шарт эмас эди. Петъор воизлик қилиш учун ўрнидан турмагунича, улар эшитаётганлари нимани англатишини тушунмас эдилар. Ўша вақтларда Хушхабар воизлиги учун номаълум тиллардан фойдаланилмаган ва ҳозир ҳам улар Хушхабар воизлигида ишлатилмайди. Биз кейинги боблардан бирида номаълум тилларинг имонлилилар учун фойдаларини кўриб чиқамиз, ҳозир эса, мен ўзим эшитган энг кенг тарқалган далилларни шарҳлаб бераман.

Мен яна шунга эътибор қаратмоқчиманки, Муқаддас Китобда айтилганидек, уларнинг ҳаммаси номаълум тилларни қабул қилдилар ва барчаси уларда гапирдилар. Агар Муқаддас Калом бу мавзунини кенгайтирмаганда эди, бизда номаълум тилларда гапириш бутун жамоат учун эканлигига шубҳа туғилиши мумкин эди. Бироқ Муқаддас Калом бундай қилмайди. Аксинча, кўришимиз мумкинки, Элликлик кунидан кейин Муқаддас Руҳга чўмадиган ҳар бир киши учун бу ҳодиса давом этади ва содир бўлади.

Элликлик кунини ўша ерда бўлган эркаклардан бири ҳақида сизларга сўзлаб берсам. Унинг исми Филип эди.

Бу орада, тарқалиб кетганлар Хушхабарни воизлик қилиб юришар эди.

Шундай қилиб, Филип Самария шаҳрига келди ва уларга Масиҳни воизлик қилди.

Халқ эса Филипнинг қилаётган мўъжизаларини эшитиб ва кўриб, унинг гапларига яқдиллик билан қулоқ солди.

– Ҳаворийлар 8:4-6

Бу ерда биз Худонинг Шоҳлигини намоён қилаётган Филипни ва уни тинглаётган одамларни кўраимиз. Бугун ҳам шундай бўлиши керак! Одамлар аломатларни кўрганларида, Шоҳликнинг гувоҳликларини кўрганларида, сизнинг сўзларингизни диққат билан тинглашади.

Зеро нопок руҳларга чалинган кўп кишилардан нопок руҳлар баланд овоз билан бақириб чиқар эди ва кўп шолу чўлоқлар шифоланар эдилар.

Шунинг учун бу шаҳарда буюк қувонч бор эди.

– Ҳаворийлар 8:7-8

Эътибор беринг, Филип ҳозиргина Йерусалимда олган кучда юрган эди. Худонинг қудрати ҳаммага аён бўлганидек, аломатлар унга эргашди. У бу *dunamis* (юнонча маъноси “куч”)ни олди. Энди у Осмон Шоҳлиги тўғрисида гувоҳлик бера олади.

Йерусалимда бўлган ҳаворийлар эса, самарияликлар Худонинг Сўзини қабул қилганларини эшитганларида, уларнинг олдиларига Петъор билан Юҳаннони юбордилар.

Улар келиб, самарияликлар Муқаддас Руҳни қабул қилишлари учун ибодат қилдилар,

чунки У ҳали уларнинг ҳеч бирига тушмаган эди, улар фақатгина Раббий Исонинг номига чўмдирилган эдилар.

Шунда ҳаворийлар уларга қўлларини қўйишди ва улар Муқаддас Руҳни қабул қилдилар.

– Ҳаворийлар 8:14-17

Йерусалимдаги ҳаворийлар Самария Худонинг Сўзини қабул қилганини эшитиб, уларнинг олдига Петъор ва Юҳаннони юбордилар. Улар у жойга етиб борганларида, улар Муқаддас Рухни қабул қилишлари учун уларга ибодат қилдилар, чунки Муқаддас Рух уларнинг ҳеч бирига ҳали тушмаган эди. Бироқ Муқаддас Каломда ҳозиргина айтилганидек, жинлар чиқди, касаллар шифо топди, Худонинг қудратли ишлари содир бўлди ва одамлар Исога ишониб, сувга чўмдилар. Лекин у ерда Муқаддас Рух уларнинг ҳеч бирига ҳали ТУШМАГАНИ ҳам айтилади!

Кўряписизми, Филип нажотни воизлик қилди ва улар уни қабул қилишиб, унга эга бўлдилар, лекин ҳали Муқаддас Рухга чўммаган эдилар. Улар юқоридан туғилган эдилар, лекин бу иборага қаранг: Муқаддас Рух ҳали “УЛАРНИНГ ҲЕЧ БИРИГА ТУШМАГАН ЭДИ”. Мана фарқ нимада – бизнинг ичимиздаги Муқаддас Рух (юқоридан туғилиш) ва совға қилинган куч билан бизга тушадиган Муқаддас Рух.

Муқаддас Каломда Филип уларга Муқаддас Рухга чўмиш ҳақида нима учун воизлик қилмагани айтилмаган. Эҳтимол, у ўзи Муқаддас Рухга чўмганидан сўнг, дарҳол Йерусалимни тарк этган бўлиши ва ўша вақтда у бу ҳаммага тегишли эканини билмаслиги мумкин. Сабаби нимада бўлмасин, одамлар Хушхабарга ишонишлари ва сувга чўмишлари аниқ эди, шунинг учун улар юқоридан туғилдилар. Лекин эътибор беринг, ҳаворийлар учун Самариядаги одамлар улар каби дарҳол Муқаддас Рухга чўмишлари муҳим эди.

Уларнинг биринчи фикри уларга қандай кийинишни айтиш эмас эди. Улар: “Келинг, уларга қандай тўғри кийинишни ёки жамоатга қачон боришни айтамыз” – дейишмади. Уларни таълимотнинг қоидалари ташвишга солмас эди. Уларни ташвишга солган биринчи нарса нима эди? Муқаддас Рухга чўмиш! Шунинг учун улар шу заҳоти у ерга боришга ва ўша одамларга Муқаддас Рухга чўмиш ҳақида айтиб беришга ҳаракат қилишди.

Кейин Петъор ва Юҳанно уларга қўлларини қўйишди ва улар

Муқаддас Рухни қабул қилдилар. Улар ўша ернинг ўзидаёқ шу заҳоти Муқаддас Рухни қабул қилдилар. Қандай гувоҳлик бўлди? Ўйлашимча, у бошқаларники билан бил хил эди: номаълум тиллардаги ибодат.

Шимон эса ҳаворийларнинг қўлларини қўйишлари орқали Муқаддас Рух берилаётганини кўриб, уларга пул олиб келди ва деди: –Менга ҳам шу ҳокимиятни беринглар, токи мен кимга қўлларимни қўйсам, у Муқаддас Рухни қабул қиладиган бўлсин! Лекин Петъор унга деди: –Кумушинг сен билан бирга қирилсин, чунки сен Худонинг инъомини пулга сотиб олишни ўйладинг, бу нарсада сенинг қуръанг ҳам, улушинг ҳам йўқ, чунки юрагинг Худо олдида тўғри эмас.

Шу сабабли, бу бетавфиқлигинг учун тавба қилиб, Худога ибодат қил, балки юрагингнинг бу нияти кечирилар.

Зеро сенинг аччиқ зардага тўлалигингни ва ноҳақликка занжирбандлигингни кўрмоқдаман.Шимон эса бунга жавоб бериб: – Сизлар мен учун Раббийга ибодат қилинглар, токи айтганларингизнинг бирортаси ҳам бошимга тушмасин! – деди.

– Ҳаворийлар 8:18-24

Шимон қўл қўйиш орқали Рух берилишини кўргач, ҳаворийлар унга шундай кучни беришлари учун уларга пул таклиф қилди. Шимон улар Муқаддас Рухни қабул қилганларида нимадир содир бўлганига қандайдир гувоҳлик кўрган бўлиши керак. У мана шу кучга эга бўлмоқчи бўлди.

Бу ерда уларнинг ўша ернинг ўзида номаълум тилларда гапирганлиги айтилмаяпти, лекин одамлар кўриши мумкин бўлган аниқ нимадир содир бўлган. Шимон қандайдир қудратли нарсани кўриб, буни одамларга етказиш имкониятига эга бўлмоқчи эди. Ўйлайманки, унинг изоҳлари улар ҳам бошқалар каби бу чўмишни

қабул қилганликларини кўрсатади. Яна бир марта шунга эътибор қаратмоқчиманки, Йерусалимдаги жамоат Муқаддас Рухга чўмишни қанчалар муҳим деб билган – бу ҳаётий муҳим нарса эди!

Павлус Дамашқ йўлида имонга келганида, Ҳанания исмли киши у учун ибодат қилишга Павлусга юборилди.

Шунда Ҳананияҳ... деди: “Биродарим Шоул! Сен келаётган йўлда сенга зоҳир бўлган Раббий Исо, кўзларинг яна кўриши ва Муқаддас Рухга тўлишинг учун мени юборди”.

– Ҳаворийлар 9:17

Муқаддас Каломда Павлус Муқаддас Рухга чўмганида номаълум тилларда гапиргани айтилмаган, лекин биз биламизки, у ҳақиқатан ҳам номаълум тилларда гапирган ва мен у ҳам худди бошқалардек чўмганига ишонаман. Нима учун бундай деб ўйлашимни сўрашингиз мумкин. Бу оддий. Гап шундаки, Павлуснинг ўзи Коринфликларга биринчи мактубида ёзган.

“Худойимдан миннатдорманки, мен номаълум тилларда ҳаммаларингиздан кўпроқ гапираман” (1-Кор. 14:18).

Шундай қилиб, биз Павлус Муқаддас Рухга чўмганида номаълум тилларда гапирган деган хулосага келишимиз мумкин. Ҳаворийлар китобининг бобларини ўқиб, бу чўмиш кундан-кунга барча жамоатларда давом этганини кўрасиз. Бу фақатгина Элликлик куни содир бўлган эмас.

Кейинчалик, Ҳаворийлар китобининг 10-бобида Петъорни маъжусийларнинг хонадонига юборади ва уларга Ҳушхабарни воизлик қилишга ундайди. Шунинг эслатиб ўтиш керакки, Петъор яҳудий бўлган ва у маъжусийнинг уйига бориши ғалати эди. У фақатгина Муқаддас Рухнинг ваҳийи уни ўша ерга етаклагани учунгина у ерга борди.

Петъор буларни ҳали айтиб турганида, Муқаддас Рух сўзни эшитаётганларнинг ҳаммасининг устига тушди.

Петъор билан бирга келган, хатна қилинганлардан бўлган имонлилар Муқаддас Рухнинг инъоми мажусийларга ҳам қуйилганини кўриб, ҳайратда қолдилар,

чунки уларнинг янги тилларда гапираётганларини ва Худони улуғлаётганларини эшитар эдилар.

Шунда Петъор деди:

“Худди бизлар каби Муқаддас Рухни қабул қилганларга сувга чўмдирилишни ким тақиқлар экан?”

Шундай қилиб, уларга Исо Масих номига чўмдирилишни буюрди. Сўнг улар Петъордан бир неча кун қолишини илтимос қилдилар.

– Ҳаворийлар 10:44-48

Петъор маъжусийларнинг уйида Масихнинг Хушхабарини воизлик қилганида, Муқаддас Рух бу хабарни эшитганларнинг барчасининг устига тушди. Худонинг Рухини кўриш имконсиз бўлгани боис уларнинг устига Муқаддас Рух тушганини улар қаердан билди? Парчада айтилишича, Петъор билан келган хатнали имонлилар Муқаддас Рухнинг инъоми ҳатто, маъжусийларнинг устига қуйилганидан ҳайратда эдилар, зеро уларнинг номаълум тилларда гапираётганларини ва Худони улуғлаётганларини эшитар эдилар.

Хўш, Муқаддас Рухнинг у ерда бўлганлигига қандай гувоҳлик бор эди? Петъор унга аниқ бўлган нарсани тан олиши керак эди: Худо бу одамларни қабул қилди. У Муқаддас Рухга чўмиш ҳақида ҳеч нарса айтмаган бўлса-да, уларнинг номаълум тилларда гапиргани унга керак бўлган гувоҳлик эди. Петъор улар қабул қилганини билар эди, чунки улар Муқаддас Рухни худди у каби қабул қилдилар ва номаълум тилларда ибодат қилдилар.

Сиз замонавий жамоат муҳим деб ҳисоблаган нарсалар билан

Муқаддас Калом давридаги жамоат муҳим деб ҳисоблаган нарсалар орасидаги катта фарқни кўрасиз. Ҳар бир инсон Муқаддас Рухга чўмиши кераклигини аниқ кўрсатадиган ва бу юқоридан туғилишдан ташқари бўлган Муқаддас Рухнинг ҳаракатлари эканини ҳеч шубҳасиз тасдиқлайдиган сеvimли оятларимдан бири Ҳаворийлар китобида келтирилган:

Аполлос Коринфда бўлганида, Повул тепа юртларни кезиб ўтгач, Эфес шаҳрига келиб, баъзи шогирдларни топди.

У улардан: – Сизлар имон келтириб Муқаддас Рухни қабул қилдингизларми? – деб сўради. Улар эса унга жавобан: – Биз Муқаддас Рух борлигини ҳатто эшитмаганмиз, – дедилар.

– Ҳаворийлар 19:1-2

Павлус Эфес шаҳрига келганида, у бир нечта шогирдларини топиб, улардан: “Сизлар имон келтириб Муқаддас Рухни қабул қилдингизларми?” – деб сўради. Павлус шогирдларини учратганида, бу уни безовта қилган биринчи саволи эди. Павлус юқоридан туғилиш, моҳиятан номаълум тилларда гапириш билан тасдиқланадиган Муқаддас Рухга чўмишдан фарқ қилишини тушунган.

Нима учун Павлуснинг уларга биринчи айтгани шу бўлди? Чунки Исо Ҳаворийлар китобида айнан шундай деган (1:4)! Аслида У: “Бусиз шаҳарни тарк этманглар!” – деган. Йерусалимдаги ҳаворийлар, Самариядаги одамлар Сўзни эшитганликларини билиб, нима қилишди? Улар: “Йигитлар, ҳозироқ у ерга боринглар. Ҳамма нарса тўғри қилинишига ишончимиз комил бўлиши керак. У ерга бориб, уларнинг Муқаддас Рухга чўмганига ишонч ҳосил қилинг” - деди. Павлус Эфесдан ўтиб кетаётиб, бир нечта шогирдларини топгач, улардан сўраган биринчи нарса шу бўлди: “Сизлар имон келтириб, Муқаддас Рухни қабул қилдингизларми?”

Улар: “Йўқ, биз Муқаддас Рухнинг борлигини ҳатто эшитган эмасмиз” – деб жавоб бергач, Павлус улардан қандай чўмдирилишни

қабул қилганини сўради. Улар: “Яҳёнинг чўмдирилишини” – деб жавоб берди. Павлус Яҳёнинг чўмдирилиши тавба қилиш чўмдирилиши эканини ва одамларга ундан кейин Келадиганга ишонишни буюрганини айтди. Яъни Исо Масихга имон келтириш ҳақида.

Улар бунни эшитиб, Раббий Исо номига чўмдилар (сувга чўмиш). Шундан сўнг, Павлус уларга қўлларини қўйганида, уларнинг устига Муқаддас Рух тушди ва улар номаълум тилларда сўзлашни бошлашди. Эътибор беринг, Павлус савол берганида, у уларни Исога имон келтирган деб ўйлаган. Мана нима учун у: “Имон келтириб, Муқаддас Рухни қабул қилдингизми?” деб сўраган. У Муқаддас Рухга чўмиш қайта тўғилишдан тубдан фарқ қилишини тушунган.

**БУ ЕРДА МЕНИМЧА,
МАЗКУР МАВЗУ
МУҚАДДАС КАЛОМДА
ЙЎҚЛИГИ УЧУН ЭМАС,
БАЛКИ ШАЙТОН УНДАН
ЖУДА НАФРАТЛАНГАНИ
УЧУН КЎПГИНА
ЖАМОАТЛАРДА
БАҲСЛАРНИ КЕЛТИРИБ
ЧИҚАРАДИ.**

Чунки бу куч бўлса, ҳаётни ўзгартиришга ва дунёга гувоҳ бўлиш қобилиятининг эшиги бўлса, демак, сиз бу дунёнинг худосига қарши чиқасиз ва шунинг учун, биз унинг бу ҳақидаги фикри қандай бўлишини биламиз. Муқаддас Рухга чўмиш бизга Раббийнинг улўғворлиги учун Исонинг ишларини қилишга қудратнинг, Худо қудратининг заҳирасини беради!

6-БОБ.

ҲАММА ҲАМ НОМАЪЛУМ ТИЛДА ИБОДАТ ҚИЛАДИМИ?

Эҳтимол, сиз кимнингдир номаълум тилларда гапирмаслигини ва ҳамма гапира олишига ёки тилларда гапириши кераклигига ишонмаслигини тасдиқлаганини эшитган бўлишингиз мумкин. Кейин эса улар шундай деб ўйлашларининг сабаби этиб, Коринфликларга биринчи мактубдан оятларни кўрсатадилар. Улар Павлуснинг ўзи ҳамма ҳам номаълум тилларда гапирмаслигини айтганига ишора қиладилар. Келинг, матнни кўриб чиқамиз ва ҳақиқатан ҳам Павлус бунга айтганига назар соламиз.

Шундай қилиб, сизлар – Масихнинг танасисизлар, ҳар бирингиз алоҳида аъзосизлар. Худо эса баъзиларни жамоатда биринчидан ҳаворийлар, иккинчидан пайғамбарлар, учинчидан муаллимлар қилиб қўйди. Яна баъзиларга мўъжизакорликни, бошқаларга эса шифокорлик, ёрдам бериш, бошқариш, турли тиллар инъомларини берди.

Ҳамма ҳам ҳаворийми? Ҳамма ҳам пайғамбарми? Ҳамма ҳам ўқитувчимми? Ҳамма ҳам мўъжизакорми?

Ҳамма ҳам шифокорлик инъомларига эгами? Ҳамма ҳам номаълум тилларда гапирадими? Ҳамма ҳам талқин қиладими?

– 1-Коринфликларга 12:27-30

Ушбу мактубда Павлус Коринфдаги жамоатга, жамоат йиғинларида барча учун хизмат ўта олиш йўлида, қандай қилиб тўғри ҳаракат қилиш кераклигини айтади. Ўша вақтда уларнинг ҳаммаси ўз руҳий инъомлари ва севимли воизхонлари билан бири-бирдан устун бўлишга ҳаракат қилишган. Павлус уларга яхлит тана сифатида бирликда ва севгида, қандай ҳаракат қилиш кераклигини ўргатган. Келинг, энди юқорида келтирилган оятларни батафсилроқ кўриб чиқамиз:

Шундай қилиб, сизлар – Масихнинг танасисизлар, ҳар бирингиз алоҳида аъзосизлар.

Худо эса баъзиларни жамоатда (ушбу жумланing тагига чизишни таклиф қиламан) биринчидан ҳаворийлар, иккинчидан пайғамбарлар, учинчидан муаллимлар қилиб қўйди. Яна баъзиларга мўъжизакорликни, бошқаларга эса шифокорлик, ёрдам бериш, бошқариш, турли тиллар инъомларини берди.

Павлус давом этади, лекин мен шу ерда тўхтайман, чунки “жамоатда” ибораси ҳақида бироз гаплашмоқчиман. У ҳақиқий жамоат йиғини тўғрисида гапирмоқда. Биз бунга Коринфликларга биринчи мактуб 14:18-19да ишонч ҳосил қилишимиз мумкин, Павлус бу ерда ўша иборадан фойдаланяпти:

Худойимдан миннатдорманки, мен номаълум тилларда ҳаммаларингиздан кўпроқ гапираман.

ЖАМОАТДА эса номаълум тилда ўн минг сўз гапиргандан кўра, бошқаларга насиҳат қилиш учун ўз онгим билан бешта сўз айтганим афзалроқдир.

– 1-Коринфликларга 14:18-19

Павлус: “Худойимдан миннатдорманки, мен номаълум тилларда ҳаммаларингиздан кўпроқ гапираман, “аммо жамоатда”...” –

ҲАММА ҲАМ НОМАЪЛУМ ТИЛДА ИБОДАТ ҚИЛАДИМИ?

демоқда. Яна ўша ибора, лекин бу сафар Павлус Масихнинг умумий Танаси ҳақида эмас, балки ҳақиқий жамоат йиғини тўғрисида гапирётгани аниқ. Бизнинг ҳаммамиз Павлус Масихнинг бутун Танасининг, “жамоат”нинг бир қисми эканига қўшилаемиз. Албатта, бу шундай. У Коринфдаги барча имонлилардан кўра кўпроқ номаълум тилларда гапиришидан хурсанд эканини айтади. У буни ўша ердаги жамоат тартибни бузиб ва чалкашликлар келтириб чиқариб, ўзининг янги номаълум тилларда гапириш қобилияти муносабати билан тантана қилгани сабабли айтди.

Аслида у: “Ҳой, биродарлар, мен сизларнинг ҳаммангиздан кўра кўпроқ номаълум тилларда гапирман, барчаси тегишли равишда содир бўлиши ва чалкашликлар келтириб чиқармаслиги учун буни “жамоатда” амалга оширишнинг ўсули бор” - дейди. Кейин у бошқалар ҳам барпо бўлиши учун жамоатда (имонлилар йиғинида) тушуниш билан (уларнинг умумий тилида) гапиришни афзал кўришини айтади.

Айрим одамлар жамоат хизматининг ўзида Коринфликларга биринчи мактуб 12-бобда ёзилганидек, номаълум тиллар ва тилларни талқин қилиш инъомида ҳаракат қиладилар, лекин бутун Танани барпо этиш учун бу инъомда ҳаракат қилмайдилар ва ҳаракат қилишлари керак эмас. Павлус ҳатто жамоат хизматида номаълум тилларда гапирадиган ва талқин қилиш билан шуғулланиши керак бўлган одамлар сонини энг кўпи билан учтагача чеклаш ҳақида гапирди.

*“Агар ким номаълум тилда гапирса, унда икки ёки энг кўпи уч киши навбат билан гапирсин, бир киши эса талқин қилсин”
(1-Кор. 14:27).*

Шунинг учун Павлус ҳамма ҳам номаълум тилларда гапирмайди деганида, у “жамоатда” ёки жамоат йиғинида гапирмасликни назарда тутди.

Сиз тушунингиз керак, ҳар бир имонли номаълум тилларда

ибодат қилиш қобилиятига эга, лекин ҳамма ҳам жамоат йиғинида номаълум тиллар ва талқин қилиш инъомини намоён қилиш учун мойланиш олмайди. Агар бу инъомни жамоат йиғинида намоён қилиш учун сизда шундай мойланиш бўлса, унда сиз Муқаддас Каломга биноан талқин қилиш қобилияти учун ибодат қилишингиз керак.

“Шунингдек, номаълум тилда гапирувчи талқин қилиш учун ибодат қилсин” (1-Кор. 14:13).

Мен ишонаманки, номаълум тилларда ибодат қиладиган киши хизматда талқин қилиш учун энг эҳтимолли номзоддир, чунки сўз аллақачон у орқали оқиб ўтади.

Нима учун сиз номаълум тилларда ибодат қилишингиз керак? Шайтон Рухда (номаълум тилларда) ибодат қила оладиган имонлилардан нафратланади ва мен нима учунлигини билишингизга ишонч ҳосил қилмоқчиман.

Павлус бошқалардан кўра кўпроқ номаълум тилларда гапиришидан хурсандлигини айтганида, у шундай деб ҳисоблашига сабаб бўлиши керак. Павлус Коринфликларга биринчи мактубининг 14-бобида биз танишишимиз зарур бўлган фикрни айтган.

“Номаълум тилда гапирувчи ўзини барпо қилади, пайғамбарчилик қилувчи эса жамоатни барпо қилади” (1-Кор. 14:4).

Келинг, бироз чуқурроқ текшириб кўрамиз. Барпо қилиш нимани англатади? “Барпо қилиш” сўзи “асосан ахлоқий ва руҳий кўрсатма бериш ёки фойда келтириш, юксакликка кўтариш”ни англатади.

Тан олинг, кўпинча шундай бўладики, қайси томонга ҳаракатланиш, вазиятни тушуниш ва тўғри қарор қабул қилишни билиш учун сизга панд-насихат керак бўлади. Айнан мана шунда сизга номаълум тилларда ибодат қилиш ёрдам бериши мумкин:

ҲАММА ҲАМ НОМАЪЛУМ ТИЛДА ИБОДАТ ҚИЛАДИМИ?

сизни барпо қилади ёки ҳаётингизга йўл-йўриқ олиб келади. Павлус бу ҳақида аниқ айтган яна бир жойни кўриб чиқамиз:

“Шунингдек, Руҳ ҳам заифликларимизда бизга ёрдам бермоқда; чунки биз қандай ибодат қилиш кераклигини билмаймиз, аммо Руҳнинг Ўзи сўз билан ифодаланмайдиган оҳ-нолалар билан биз учун шафоат қиляпти.

Юракларни синайдиган Худо эса Руҳнинг фикрини билади, чунки Руҳ муқаддаслар учун Худонинг иродаси бўйича шафоат қилади”.

– Рим. 8:26-27

Павлус бизда муаммо ва заифликларимиз борлигини айтади: “Қандай ибодат қилиш кераклигини билмаймиз”. Сиз: “Нима учун бу заифлик?” – деб сўрашингиз мумкин. Бу саволга жавобни кейинги оятда топиш мумкин:

Мана, Худога нисбатан биз шундай дадилликка эгамизки, Унинг иродаси бўйича Ундан нимаики сўрасак, У бизни тинглайди.

Агар Худо барча сўраётганларимизни тинглаётганини билсак, Ундан сўраётган нарсаларни олишимизни ҳам биламиз.

– 1-Юҳанно 5:14-15

Худонинг иродасини билмасдан ёки ишонч ҳосил қилмасдан, биз имон билан ҳаракат қила олмаймиз (Худо билан ҳамжиҳатликда бўлиб), агар имон билан ҳаракат қила олмасак, демек биз заиф ҳолатдамиз, чунки имонсиз Худонинг иноятдан ва қудратидан фойдаланишга қодир бўлмаймиз. Шундай қилиб, Павлус ибодат қилишни билмаслик заиф ҳолат эканини ва номаълум тиллардаги ибодат қилиш ёрдам бериши мумкинлигини айтади. Узр, парчани яна бир марта ўқиб чиқамиз:

Шунингдек, Руҳ ҳам заифликларимизда бизга ёрдам бермоқда; чунки биз қандай ибодат қилиш кераклигини билмаймиз.

– Римликларга 8:26

Бизнинг заифлигимиз қандай ибодат қилишни билмаслигимиздадир! Муқаддас Калом бизга кимга уйланишимизни, қаерда яшашни ёки қандай иш топишимизни айтмайди. Худонинг иродасини билмай туриб, биз ибодат қилганимизда Худодан нимани олишимизни билмаймиз ва ишона олмаймиз. Яна бу катта заифлик! Худонинг иродаси қандай эканини билмасак, Худого ишончимиз бўлмайди. Бироқ ҳаётдаги ҳар қандай вазиятда Худонинг иродасини билишимиз мумкин бўлган бир усул бор. Имон ва ишонч билан ҳаракат қилиш учун Худонинг иродасини аниқ билишимиз мумкин бўлган усул бор.

Павлус бу ҳақида гапирди. У айтаётган барпо қилиш шундай турдаги билимга – яъни Худонинг Руҳи орқали келадиган билимга эга бўлишни англатади. Руҳда ва номаълум тилларда ибодат қилиб, биз Руҳни эшитамиз. Агар биз Павлуснинг Римликларга 8:26-27даги қуйидаги маслаҳатига амал қилсак, қуйидагиларни ўқиймиз:

Аmmo Руҳнинг Ўзи сўз билан ифодаланмайдиган оҳ-нолалар билан биз учун шафоат қиляпти.

Юракларни синайдиган Худо эса Руҳнинг фикрини билади, чунки Руҳ муқаддаслар учун Худонинг иродаси бўйича шафоат қилади.

Демак, Павлус биз Руҳда ибодат қилаётганимизда инграймиз демаяпти, балки аввалги оятларга ишора қиляпти.

Зеро биламизки, бор мавжудот ҳозирга қадар биргаликда инграб азоб чекмоқда,

ва нафақат мавжудот, балки биз ўзимиз ҳам Рухнинг бошланғичига эга бўлиб, ичимизда инграяпмиз ва ўғил қилиб олинишимизни ҳамда аъзойи баданимизнинг қайта сотиб олинишини кутаяпмиз.

Чунки биз умидда қутқарилганмиз. Кўриниб турган умид эса умид эмасдир. Агар одам кўриб турса, у нима учун умид қилар экан?

Аммо биз кўринмайдиган нарсага умид қилсак, шунда сабр-тоқат билан кутамиз.

Шунингдек, Рух ҳам заифликларимизда бизга ёрдам бермоқда; чунки биз қандай ибодат қилиш кераклигини билмаймиз, аммо Рухнинг Ўзи сўз билан ифодаланмайдиган оҳ-нолалар билан биз учун шафоат қилапти.

Юракларни синайдиган Худо эса Рухнинг фикрини билади, чунки Рух муқаддаслар учун Худонинг иродаси бўйича шафоат қилади.

– Римликларга 8:22-27

Павлус бу ерда “инграш” сўзини мисол ёки ичимизда содир бўладиган нарсага ўхшатиш сифатида ишлатади. Биз тўлғоқ азобидаги аёлдек ичимизда инграймиз. Яъни, биз илгари мавжуд бўлмаган қандайдир бир янги нарсани, ёки айтиш мумкинки, ўзимиздан бўлмаган нарсани қабул қилиб, ичимиздаги Худонинг Рухидан ниманидир туғамиз. Шу тарзда биз Рухда ибодат қилиш орқали ўз руҳимиздан биз билмаган қандайдир янги нарса ҳақидаги билимни “туғамиз”. Муқаддас Калом бизга айтади, Худонинг Рухи бизнинг руҳимиз орқали ҳар қандай вазият учун Худонинг мукамал иродаси ҳақида ибодат қилади. Унда айтиладики, Худонинг Ўзи биз учун инсоний руҳимиз орқали, сўз билан ифодалаб бўлмайдиган (тушунарли тилда ифодаланмаган) ноалалар билан ибодат қилади.

Демак, биз бу ерда Муқаддас Рух (туғишдаги) инграш билан ноаниқ сўзларни, биз тушунмайдиган сўзларни (ёки номаълум тилларни)

ишлатиб, биз учун шафоат қилишини кўрамыз. Юракларимизни текширадиган Шахс эса, Рухнинг ниятларини билади, чунки Рух (Худонинг Рухи) Худонинг мукаммал иродасига кўра муқаддаслар учун шафоат қилади. Худонинг Рухи сиз номаълум тилда ибодат қилаётганингизда сизнинг ўз руҳингиз орқали ҳар бир вазият учун Худонинг мукаммал иродаси ҳақида ибодат қилади.

Демак биз Худонинг иродасини билмасак, заиф ҳолатда бўламиз. Худонинг иродасини билмасдан туриб, имонни эътироф этишнинг имкони йўқ. Павлус агар биз Рухда ибодат қилсак, Худонинг Рухи ҳар қандай вазиятда ҳаётимиз учун Унинг мукаммал иродаси ҳақида биз орқали ибодат қилишини айтади.

Худонинг Рухи биз орқали номаълум тилларда ибодат қилганида, биз қандай барпо бўламиз? Ахир биз нима деяётганимизни билмаймиз-ку? Жавобни Павлуснинг бошқа мактубида топиш мумкин.

Лекин ёзилганидек бўлди: “Худо Уни севганларга кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, инсон юрагига ҳам келмаган нарсаларни тайёрлаб қўйган”.

Бизга эса Худо бунини ўз Рухи билан ошкор қилди. Чунки Рух ҳамма нарсени, ҳатто Худонинг теранликларини текшириб кўради.

Зеро инсоннинг ичида нима борлигини унинг ичида бўлган инсоннинг руҳидан бошқа ким билади? Худди шундай, Худоникини ҳам Худонинг Рухидан бошқа ҳеч ким билмайди.

Биз эса бу дунёнинг руҳини олмадик, балки Худо бизга ато қилганларини билишимиз учун Худодан бўлган Рухни қабул қилдик.

Биз бунини инсоний доноликдан ўрганган сўзлар билан эмас, балки Муқаддас Рух ўргатган сўзлар билан воизлик қилиб, руҳий нарсаларни руҳий нарсалар билан таққослаймиз.

– 1-Коринфликларга 2:9-13

ҲАММА ҲАМ НОМАЪЛУМ ТИЛДА ИБОДАТ ҚИЛАДИМИ?

Авваламбор Павлус, мен сизларга айтганимдек, биз ҳеч қачон эшитмаган, кўрмаган ва ўйламаган нарсаларга бизга йўл очилган демоқда. Лекин у давом этиб, бунинг қандай ишлашини бизга айтади:

Зеро инсоннинг ичида нима борлигини унинг ичида бўлган инсоннинг руҳидан бошқа ким билади? Худди шундай, Худоникини ҳам Худонинг Руҳидан бошқа ҳеч ким билмайди.

– 1-Коринфликларга 2:11

Ёзувнинг бу жиҳати тўғрисида гапиришдан олдин, биз нимадан ташкил топганлигимиз ҳақидаги дастлабки тасаввурга эга бўлишимиз зарур. Биринчи Фессалоникаликларга мактубга (5:23) кўра, биз уч қисмдан: руҳ, жон ва танадан иборатмиз.

Ниҳоят, тинчлик Худосининг Ўзи сизларни бутунлай муқаддасласин ва Раббимиз Исо Масиҳнинг келишида руҳингиз, жонингиз ҳамда танангиз тўлиқлигича бенуқсон сақлансин.

– 1-Фессалоникаликларга 5:23

Бизнинг руҳимиз – бу Худоимизнинг бир қисмидир, жонимиз – бу бизнинг онгимиз, иродамиз ва ҳис-туйғуларимиздир, танамиз эса – бу бизнинг танамиздир. Павлус бизнинг жонимиз (онг, ирода ва ҳис-туйғулар) ва руҳимиз шу қадар чамбарчас боғлиқ-ки, руҳимиз фикрларимизни билишини айтади.

Бу тўғри ва аксинча. Бизнинг онгимиз руҳимизнинг фикрларини сеза олади. Павлус Худонинг Руҳи Худонинг фикрларини билишини ва Худо бизга нима ато этганлигини билишимиз учун Худонинг Руҳини олганимизни айтади.

Биз эса бу дунёнинг руҳини олмадик, балки Худо бизга ато қилганларини билишимиз учун Худодан бўлган Руҳни қабул қилдик.

Биз буни инсоний доноликдан ўрганган сўзлар билан эмас, балки Муқаддас Рух ўргатган сўзлар билан воизлик қилиб, руҳий нарсаларни руҳий нарсалар билан таққослаймиз.

– 1-Коринфликларга 2:12-13

Павлуснинг сўзларига кўра, бу номаълум билим, бизда бўлмаган, лекин Худонинг Рухи орқали бизга очиб берилган билим - бу Рух бизга ўргатган сўзлар билан – яъни ўзимиз табиий тушунган ҳолда гапирадиган ёки она тилимиздаги сўзлар билан эмас, балки руҳий сўзлар билан гапиришимиздир. Биз биламизки, Павлус биз руҳий сўзлар билан ибодат қилишимизни айтганида, номаълум тилларда ибодат қилиш ҳақида гапиради, чунки у худди шу таърифни 1-Коринфликларга 14:14-15да номаълум тилларда гапиришни тасвирлаш учун ишлатган:

Агар мен номаълум тилда ибодат қилсам, руҳим ибодат қилади, онгим эса ҳосилсиз қолади.

Унда нима қилсам экан? Рухим билан ибодат қиламан, онгим билан ҳам ибодат қиламан. Рухим билан қўшиқ айтаман, онгим билан ҳам қўшиқ айтаман.

Павлус номаълум тиллар ҳақида гап кетганда “руҳда ибодат қилиш” иборасини ишлятапти. Павлус Рух бизга ўргатган сўзлар билан гапиришимизни айтганда, айнан шу номаълум тилларда гапиришни назарда тутган деб тахмин қилишимиз мумкин.

Ким номаълум тилда гапирса, у одамларга эмас, Худога гапиради, чунки уни ҳеч ким тушунмайди. У Рух билан сирларни гапиради.

– 1-Коринфликларга 14:2

Яна Павлус бизнинг руҳимиз ҳақида биз ҳеч қачон кўрмаган, эшитмаган ёки билмаган нарсаларни айтиш ёки Павлус айтганидек,

ҲАММА ҲАМ НОМАЪЛУМ ТИЛДА ИБОДАТ ҚИЛАДИМИ?

“сирларни гапириш” қобилияти ҳақида гапиради. Яна шунга эътибор беринг, Павлус бу оятда биз Худонинг Рухида эмас, ўз руҳимиздаги сирларимиз билан ибодат қилишимизни айтади. Биз билмаган нарса қандай қилиб бизнинг руҳимизга кириб қолади? Бу жуда оддий! Ҳозир бизнинг руҳимиз билан бир бўлган Худонинг Рухи орқали.

Зеро инсоннинг ичида нима борлигини унинг ичида бўлган инсоннинг руҳидан бошқа ким билади? Худди шундай, Худоникини ҳам Худонинг Рухидан бошқа ҳеч ким билмайди.

– 1-Коринфликларга 2:11

Бизнинг руҳимиз Худонинг фикрларини илиб олганида, онгимиз ҳам бу фикрларни илиб олади. Онгимиз Худонинг фикрларини илиб олганида, биз бuni “ваҳий”, “очиқлик” ёки Павлуснинг сўзлари билан айтганда, “барпо этиш” деб атаймиз. Энди Павлус номаълум тилларда бошқалардан кўра кўпроқ ибодат қилишидан хурсандлигини нима учун айтганини биласиз; у ҳар қандай вазиятда Худонинг иродасини билиш имтиёзига эга бўлди.

Павлус 1-Коринфликларга мактуб 2:15-16да айнан шу ҳақида гапиради.

Лекин руҳий одам ҳамма нарса ҳақида муҳокама қила олади, унинг ўзини эса ҳеч ким муҳокама қила олмайди. Зеро Раббийнинг онгини ким англаб олибдики, Унга таълим берса? Биз эса Масихнинг онгига эгамиз.

Биз оддий инсоний муҳокамада чекланганмиз, лекин Худонинг ёрдами билан ҳамма нарса ҳақида муҳокама қила оламиз. Бу ажойиб янгилик! Биз Рухда (номаълум тилларда) ибодат қилиб, илгари

**МУҚАДДАС РУҲГА
ЧЎМИШ – БУ ХУДОНИНГ
СИРЛИ ҚУРОЛИ! У
ЎЗ ИРОДАСИНИ ЕР
ЮЗИГА ШУНДАЙ
ЕТКАЗАДИКИ, ШАЙТОН
НИМА БЎЛАЁТГАНИНИ
БИЛМАЙ ҚОЛАДИ.**

билмаган сирларни олиш имкониятига эгамиз ва шу билим сабабли ҳамма нарса ҳақида тўғри муҳокама ва қарор чиқаришимиз мумкин!

Муқаддас Рухга чўмиш – бу Худонинг сирли қуроли! У Ўз иродасини ер юзига шундай етказадик, шайтон нима бўлаётганини билмай қолади. Аслини олганда, Рухдаги ибодат Эфесликларга мактуб 6:18да тавсифланган бизнинг руҳий қурол-аслаҳаларимизнинг бир қисмидир.

Ҳар доим барча ибодат ва илтижолар билан Рухда ибодат қилинг.

Рухдаги ибодат бизга душманни четлаб ўтиш ёки ноёб ва ғайриоддий услублар ёрдамида олдинга силжиш имконини берадиган стратегияларни танлашга имкон беради.

Кўзда тутилган фойда, биз Масиҳнинг онгига таяниб, ҳаётда тўғри қарорлар қабул қила олишимиздан иборатдир. Ўйлайманки, бу жуда муҳим эканига қўшиласиз! Мен бунга шахсий тажрибамда амин бўлганман!

Мисол тариқасида, мен ўз бизнесим билан боғлиқ муҳим қарорни қандай қабул қилишим керак бўлганини эслашим мумкин. Менинг етказиб берувчиларимдан бири билан ишлаган савдо вакили, ширкатимни судга бериш билан менга таҳдид қилди, чунки мен унинг ортидан янги ширкатга боришни хоҳламадим. У мен доим иш олиб борган етказиб берувчидан кетганидан сўнг, у билан иш олиб боришни давом эттиришимни хоҳлади. Менга савдо вакилим ёқарди, лекин ширкат унга эмас, у ишлаган ширкатга содиқлигини ҳис қилар эдим. Шу билан бирга, у ишлаган ширкат ҳақиқатда унга барча мижозларини янги ширкатга олиб кетиши мумкинлигини маълум қилди. Шу сабабли агар мен у билан кетганимда ҳам, ҳеч қандай ёмон иш қилмаган бўлардим, лекин барибир мени бунга мажбурлашаётгани менга ёқмас эди. Унинг собиқ ширкати ҳар доим менга нисбатан адолатли эди.

У мени судга бериш билан менга таҳдид қилди, чунки бир неча

ҲАММА ҲАМ НОМАЪЛУМ ТИЛДА ИБОДАТ ҚИЛАДИМИ?

ой олдин у янги ширкатга кўчиб ўтишини эслатиб, у билан бирга кўчиб ўтишимни сўради. Бу ҳақда жиддий ўйламасдан, ўтишимни айтдим. У ширкатларни алмаштириш тўғрисида қарор қилганида, менинг бизнесимга умид қилганини айтди. Лекин ҳақиқатан ҳам унинг кетиш куни яқинлашганда, менда хавотир ҳисси пайдо бўлди. Шу сабабли мен бир неча кун давомида Рухда ибодат қилдим. Лекин барибир менга керак бўлган жавобни эшита олмадим.

Биз Дренда билан болаларимизни тез-тез биздан бир неча соат узоқликда жойлашган Cedar Point номли ажойиб кўнгул очар боққа олиб борамиз. Бу АҚШдаги энг катта америка горкалар боғи ва биз одатда у ерга йилига бир неча марта борамиз. Бу жума куни кечқурун эди ва душанба куни эрталаб нима қилишим кераклиги ҳақидаги саволга жавоб олишим керак эди. Бошқа бирор нарсага бироз чалғисам, ёмон бўлмасди деб, Дренда билан истироҳат боғида оқшомни ўтказишга қарор қилдим. Навбатда турганимда, душанба куни эрталаб қабул қилишим керак бўлган қарор ҳақида ўйламаган бўлсам ҳам, тўсатдан нима қилишим кераклигини тушундим. Бу кундек аниқ эди. Муқаддас Рух менга гапирди ва мен эски ширкатим билан қолдим. Савдо вакилининг янги ширкати бир неча ойдан сўнг касодга учради.

Шундай қилиб, муваффақиятнинг асосий калити – ибодат қилишдир! Сизда ҳамма нарса яхши бўлиши ва тўғри қарор чиқаришингиз учун, шунингдек, ғалаба қозонишда зарур бўлган стратегиянинг сирларини ўрганишингиз учун тез-тез Рухда ибодат қилинг!

“Тинимсиз ибодат қилинглар” (1-Фессалоникаликларга 5:17).

7-БОБ.

ХАЗИНА САНДИҒИ

Биринчи марта Дэнни учратган кунимни эслайман. У жамоатнинг орқа томонида, энг охирги қаторда амакиваччам Женнифер билан турарди. Кейинроқ билсам, улар учрашиб юришган экан. Бироқ Дэннинг юз қиёфасидан у ўзини жуда ноқулай ҳис қилаётганини тушундим. Дарҳақиқат, у жуда ҳижолат тортарди. Кейинчалик билсам, бизнинг жамоат, у қатнайдиган жамоатдан фарқ қилар экан. Лекин у Осмон Шоҳлиги ҳақида билишни бошлаганида, тинчланди ва охир-оқибат амакиваччамга ўйланди.

Ўша пайтларда Дэн Огайё Штатининг марказида тахминан 1400 акр (560 гектар) майдонда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланар, ишлари эса унчалик яхши кетмаётган эди. Аслида у ҳеч қандай даромад олмаётганидан жуда хавотирда эди. Лекин у Худо Шоҳлиги ва Муқаддас Рух, қандай ёрдам бериши ҳақида тинмай эшитиб, бир куни Женнифернинг олдига келиб: “Мен қурбонликларимизни икки бараварга оширмоқчиман” – деди. Женнифер ҳайратда эди, лекин жуда хурсанд бўлди. Улар шундай қилишди.

Ўша йили уларнинг худди ўша 1400 гектар майдондаги ҳосилдорлиги ўтган йилгига нисбатан 128 фоизга ошди. Бу шунчалик юқори эдики, улар янги машина учун нақд пул тўлаб, нақд пулга яна бир ферма сотиб ололдилар, бу эса кейинги йил учун кўпроқ экин майдонларига эга бўлганини англатар эди. Дэн жуда ҳаяжонда эди! Унинг айтишича, бу янги ферманинг пулини тўлаш учун унинг отасига 10 йил керак бўлар эди, у эса шунчаки уни нақд пулга сотиб олди. Шунинг учун мен Дэндан бу қандай содир бўлганини айтиб

беришини сўрадим.

Маълум бўлишича, Дэн ва Женнифер қурбонликларини икки бараварга оширишни бошлаганлари заҳоти, улар ибодат қилиб, Худодан уларга нима қилиш кераклигини кўрсатишини сўраганлар. Дэннинг сўзлариги кўра, бир кунги у ўзи ҳар кунги оладиган, асосан фермерлар учун реклама эълонлари бўлган оддий почта жўнатмаларини саралаш чоғида ахлат қутисига учга беш ўлчамдаги кичик варақани ташлаб юборган, лекин унда дарҳол уларни қайтариб олиш истаги пайдо бўлган. Бу варақада ҳеч қандай муҳим нарса йўқ бўлиб, фақат қандайдир қишлоқ хўжалиги техникасининг навбатдаги рекламаси эди. Фермерлар ушбу асбобни муҳокама қилиш учун учрашувга таклиф қилинган эди.

Дэн у ерга боришга ғалати истакни ҳис қилди ва учрашувга келиб, реклама қилинган асбобни сотиб олди. Бу экишда ёрдам берадиган, уруғларни жойлаштириш ва тупроқни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган бозордаги янги маҳсулот эди. Дэн менга ушбу ҳосилдорликни ошириш воситасининг самарадорлигини илмий сабабларини тушунтиришга ҳаракат қилди, аммо тушунтиришнинг ўртасида гапнинг калавасини йўқотдим. Бироқ муҳими, унинг ўзи ҳаммасини тушунган эди. Дэн менга ўша пайтда у Огайода бундай асбобни сотиб олган иккинчи фермер эканини айтди. Шундай қилиб, бу кичик асбоб ўз ишини бажариб, натижада, ҳосилдорлик 128 фоизга ошди. Дэн яна кўпроқ ер сотиб олди ва бугунги кунда у минглаб гектар ерларда деҳқончилик қилмоқда. Энди у Муқаддас Рух унга ўзи тасаввур қилганидан ҳам тезроқ ўсишга ёрдам берадиган қарорларни қабул қилишга ёрдам бергани ҳақида кўплаб ҳикояларга эга.

Хўш, Дэн қандай қилиб ўзининг ёмон ишлаётган фермасини даромадли фермага айлантирди? У ўз маслаҳатчиси Муқаддас Рухнинг тавсияларига амал қилди. Энг ачинарлиси шундаки, кўпчилик масиҳийлар бу воқеани эшитиб, бунинг қандай содир бўлганини, ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдилар ва мен айнан мана шунинг учун бу китобни ёзишни жуда муҳим деб билдим. Йўқ, кўпчилик масиҳийлар Худонинг буюклигини улуғлайдилар, бу Худонинг иши

эканини тан олишади, лекин уни қандай такрорлаш ҳақида заррача тасаввурга эга эмаслар. Натижада, биз Худодан ҳафсаласи пир бўлган, муаммолари учун Уни айблайдиган бир гуруҳ масиҳийларга эга бўламиз. “Худо қаерда? Худо менга нима учун ёрдам бермаганини билмайман?” деган гапларни тез-тез эшитаман.

Умид қиламанки, Худонинг Шоҳлиги шафқат билан эмас, балки қонунлар бўйича ҳаракат қилишини аллақачон тушуняпсиз. Худо дуо қилиш учун одамларни сайламайди. Дэн Худонинг сайланганларидан бири эмас ва у Худо учун сиздан кўра муҳимроқ одам эмас. Сиз Худо Шоҳлигида Дэн билан бир хил қонуний ҳуқуқларга эгасиз. Ҳар қандай одам уруғ экиб, ҳосил етиштириш ҳуқуқига эга бўлганидек, Худонинг Шоҳлиги ҳам Шоҳлик қонунларидан қандай фойдаланишни биладиган ҳар бир киши учун ишлайди. Сиз Худо уйининг аъзоси, Унинг буюк Шоҳлигининг фуқаросисиз ва сиз Унда бўлган ҳамма нарсдан фойдалана оласиз.

Нима учун Худонинг кўп одамлари ҳаётда муваффақиятсизликка учрашини айтиб бераман. Улар Осмон Шоҳлигининг қандай ишлашини ва Муқаддас Рухни қандай эшитишни билишмайди.

Раббий, сени қайта сотиб Олувчинг, Исроилнинг Муқаддаси шундай дейди: “Мен – сени фойдали нарсаларга ўргатувчи ва сени юришинг керак бўлган йўлдан етакловчи Раббий сенинг Худойингман.

– Ишаъё 48:17, ЯРТ

Дэннинг муваффақияти, унинг ўзи ўйлаб топган нарса эмас эди. Бу Дэн Шоҳликнинг қонунини қўллаш бўйича қадамлар ташлагани, хотини билан бирга Муқаддас Рухни эшитгани ва уларнинг режасини амалга оширишда, Унинг ёрдамини қабул қилгани сабабли намоён бўлган Муқаддас Рухнинг ўзига хос стратегияси эди. Мен буни ёзиб қўйишингизни хоҳлайман.

МУҚАДДАС РУҲНИНГ РЕЖАСИ БОР!

Режага эга бўлишдан кучлироқ нарса йўқ. Режасиз тасаввурда чизилган сурат – фақатгина орзу, лекин орзунини режа билан амалга ошириш мумкин.

Одатий оила, ўзи учун кўплаб ётоқхоналари, кенг меҳмонхона, катта замонавий ошхона ва чиройли безакларга эга ажойиб ўйни тасаввур қилиши мумкин. Лекин ушбу босқичда бу шунчаки орзу, сурат бўлади. Ушбу тасаввурдаги суратни қоғозга тушириб, сўнгра уни чизмага, режага айлантириш керак. Қурувчида чизма бўлса, уй қуриш мумкин. Баъзи сабабларга кўра, кўпчилик масиҳийларда, мен айтадиган почта қутиси дунёқараши сақланиб қолган. Улар худди Дэн сингари ўзлари муҳтож бўлган пул учун ибодат қилиб, Худодан сўраганларида, шунчаки бу пуллар уларнинг почта қутисиди пайдо бўлиб қолишини кутишади ёки ундан ҳам ёмони, кимдир бу пулларни уларга беришини кутишади. Улар жараён ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслар.

Ҳа, авваламбор сизда сурат бўлиши керак. Аммо сиз ҳақиқатдан завқлана оладиган ҳаёлий нарсани ҳақиқатга айлантириш жараёни мавжуд. Бунинг жавоби – уни ҳаётга тадбиқ этиш учун зарур бўлган режа ёки стратегиядир. Сизга бир мисол келтираман. Агар мен сизга молиявий муаммоларингизни жуда тез ҳал қила оламан, нима қилишингиз кераклигини сизга айтмоқчиман, шунинг учун қоғоз ва ручкангизни тайёрланг десам, сиз қоғоз ва ручкани олиб, жавобни эшитишга тайёр турар эдингиз. Яна мен ушбу китобни ўқиётган кўпчилик одамлар учун, эҳтимол, мен сизга айтмоқчи бўлган нарса йилнинг охиригача сизни молиявий ташвишларингиздан озод этиб, қарзларингиздан халос қилади дейман. Энди ҳозир мен сизга айтадиган нарсани ўтказиб юбормаслик учун сиз ручкани қаттиқроқ сиқиб, эътиборли бўласиз.

Жавоб аслида жуда оддий, шунчаки бу йил 10 миллион доллар миқдорда соф фойда оласиз, деб тушунтираман мен. Эҳтимол, сиз менга бир зум тикилиб турасиз ва кейин кула бошлайсиз.

Кулганингизга қараб, сизга 10 миллион доллар етарли эмас деб ўйлайман, шунинг учун мен қўшиб қўяман: “Агар бу етарли бўлмаса, унда 25 миллион доллар пул ишлаб топинг”. Бу ерда энди сиз шунчаки қулмайсиз, балки баланд овозда кулишни бошлайсиз. Нима учун? Келинг, ҳозиргина нима содир бўлганини сизга айтиб бераман. Кўпчилик одамлар учун 10 миллион доллар ҳақиқатдан ҳам уларни қарздорликдан халос қилади, лекин улар кулишади, чунки улар бир йил ичида 10 миллион доллар ишлаб топишни тасаввур ҳам қила олишмайди. 25 миллион долларлик таклиф эса, шунчаки одамни кулигисини қистайди, чунки бу уларнинг имкониятлари ҳақидаги тасаввурларидан шу қадар узоқ эканидан, бу шунчаки кулгули туюлади.

Айтайлик, мен экспорт қилувчи ширкатга эгаман ва сиз қутига соладиган ҳар бир тўп учун сизга 1000 доллар тўлашни таклиф қиламан, кейин жўнатиш учун скотч билан ёпиштирасиз. Фараз қилайлик, сиз кунига тахминан беш юз дона шундай қути қилишингиз мумкин, мен ҳам ҳудди шу тезликни ҳисобга олиб 12 ойлик шартномани таклиф қиламан. Бу яққол мисол учун жуда бўрттирилган, лекин мен нима ҳақида гапираётганимни тушунишга ёрдам беради.

Энди ҳақиқатан ҳам сизда шартнома бор деб тахмин қилинса, мен ҳам аввал айтганимдек, яъни, сизнинг молиявий жавобингиз келгуси йилда 10 миллион доллар соф фойда олишдан иборат десам, сиз қандай муносабат билдирган бўлар эдингиз? Энди ҳеч қандай кулимсирашлар бўлмайди. Бунинг ўрнига қувонч ва улкан ҳаяжон ҳайқириғи янграган бўлар эди. Нима учун? Чунки ушбу шартнома бўйича 10 миллион доллар ишлаб топиш осон бўлади. Аслини олганда, ҳатто, 25 миллион доллар ишлаш осон бўлар эди, 100 миллион доллар ишлаб топиш ҳам мумкин бўларди. Нима ўзгарди? Фақат бир нарса – сизда режа бор. Аввал айтганимдек, агар Исо унга қаерда ва қандай балиқ тутишни кўрсатса, ҳар бир киши балиқ тутиши мумкин, бу ерда ҳам шундай. Кўриб турганингиздек, сизда амалга оширишга кучингиз етадиган режа пайдо бўлиши билан муаммонгиз ҳал бўлади.

“Фақат Мен сизлар ҳақингиздаги мақсадларимни биламан, – дейди Раббий, – булар сизларга келажак ва умид бериш учун ёвузликка эмас, эзгуликка бўлган мақсадлардир” (Йер. 29:11).

Буни яна бир бор айтаман, ўйлайманки, буни яна бир бор эшитишингиз керак – Худода СИЗнинг режангиз бор!

Бир неча ой олдин мен ўқув-машғулот ўтказаяётган жамоатда ҳамкорларимдан бири билан учрашиш бахтига муяссар бўлдим. У аёл хизмат якунида савол билан, тўғрироғи бир фикр билан олдимга келди. “Ҳеч нарса ўхшамади! Мен уруғ экдим, эрим билан эркак буғуни овлаш тўғрисида келишган эдим, лекин уни овлай олмадим”. У менга маълум буғуга, эркак буғуга ва ажойиб ўқ отишга уруғ экканини айтиб берди. Сўнгра мен унга кўпроқ саволлар бера бошладим ва ниҳоят, ундан ов кун тасодифан буғуни кўрганми ёки йўқлигини сўрадим. У: Ҳа, қандай буғуга эккан бўлсам, айнан ўшандай буғу келиб, ўқ узиш учун аъло мусофада менинг ён томонимда турди” деди.

Мана шу жойда мен бироз ҳайратда қолдим, шунинг учун кейин нима бўлганини сўрадим. Унинг сўзларига кўра, у буғуни нишонда ушлаб турган, аммо дўстидан унинг милтиғидан отишни илтимос қилган ва у буни қилганига ишониб, аёлнинг ўзи текшириб кўрмаган ҳамда нишонга теккизолмаган. Мен учун ҳаммаси равшан эди. Ажабланарлиси, у қанақасига, нима содир бўлганини тушунмади.

**БУНИ ЯНА БИР
БОР АЙТАМАН,
ЎЙЛАЙМАНКИ,
БУНИ ЯНА БИР БОР
ЭШИТИШИНГИЗ КЕРАК
– ХУДОДА СИЗНИНГ
РЕЖАНГИЗ БОР!**

Ўйлайманки, кўплаб масиҳийлар худди шундай вазиятдалар. Улар қандайдир сабабга кўра жараённи ва ўрим-йиғимдаги ўзларининг ролини тушунишмайди. Мен унга Худо Ўз қисмини бажарганини, у эса шунчаки ўзиникини эътиборсиз қолдирганини тушунтиришимга тўғри келди. Кўряпсизми, Худо сизга режа бериши мумкин, лекин сиз ҳаммаси амалга ошиши учун режадаги ўз қисмингизни бажаришингиз керак. Сиз ва Худо биргалиқда!

Яна Осмон Шоҳлиги далада ЯШИРИБ ҚҶЙИЛГАН хазинага ўхшайди. Уни топган одам сир сақлади ва ундан қувонганидан бориб, бор-ўғини сотиб, ўша далани сотиб олди.

– Матто 13:44

Ушбу Ёзув оятида Шоҳликнинг ҳақиқатлари жуда кўп! Авваломбор, хазина сўзига таъриф берсак. Луғатга кўра, хазина – бу қадрли ва қимматбаҳо эгалик объектидир. Шу сабабли хазина олтин бўлаги бўлиши шарт эмас. Айни пайтда бу сизга керак бўлган ҳамма нарса бўлиши мумкин. Демак, бу оятда айтилишича, Осмон Шоҳлиги хазинага ўхшайди ёки ҳаётда сизга керак бўлган барча нарса, мана шу Шоҳликда деб айтиш мумкин. Хўш, Шоҳлик қаерда жойлашган? Исо Ёзувнинг ушбу оятида у далада яшириб қўйилганини айтади. Наҳотки, сиз бу дала қаерда жойлашганини билишни истамасангиз? Шундай қилиб, яхши хабар шундан иборатки, Исо бизга бу дала қаерда эканини, шунингдек, унда яширинган хазинани қандай топишни айтади.

Агар биз Марк Хушхабарининг 4-бобидаги уруғ экувчи тўғрисидаги масалга мурожаат қилсак, Исо инсон юрагида имон қандай тарзда туғилиши ҳақида таълим беришини кўрамиз. У бу ерда инсоннинг руҳини ер билан, Худонинг Сўзини эса – ерга сепилган уруғ билан тенглаштириб, таққослашдан фойдаланган. Айнан шу таққослашдан фойдаланиб, Матто Хушхабари 13-бобда эсга олинган ер, худди шу таъриф билан – инсоннинг руҳини англатади деб тахмин қилиш мумкин. Мен бир сонияга мавзудан четга чиқиб, 6-бобда ўрганганларимизни сизга эслатиб ўтмоқчиман: биз юқоридан туғилганимизда, бизнинг инсоний руҳимиз Худонинг Руҳи билан бир бўлиб, бизга Худонинг фикрларига кириб боришимизга имкон беради. Шу сабабли даладаги хазина биз билан чегараланиб қолмайди, балки биз Худонинг Руҳи билан бир бўлганимиз учун Худо бор бўлган барча нарсани ўз ичига олади.

Лекин ёзилганидек бўлди: “Худо Уни севганларга кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, инсон юрагига ҳам келмаган

нарсаларни тайёрлаб қўйган”. Бизга эса Худо бунини Ҳақ Рухи билан ошкор қилди. Чунки Рух ҳамма нарсани, ҳатто Худонинг теранликларини текшириб кўради. Зеро инсоннинг ичида нима борлигини унинг ичида бўлган инсоннинг руҳидан бошқа ким билади? Худди шундай, Худоникини ҳам Худонинг Рухидан бошқа ҳеч ким билмайди. Биз эса бу дунёнинг руҳини олмадик, балки Худо бизга ато қилганларини билишимиз учун Худодан бўлган Рухни қабул қилдик.

– 1-Коринфликларга 2:9-12

Сўнгра Коринфликларга биринчи мактуб 2:16да биз Масихнинг онгига эга эканзимизни қўшимча қилади! Исо Луқо Хушхабариди бу ҳазина қаерда жойлашганини тасдиқлайди:

“Худонинг Шоҳлиги кўзга кўринадиган бўлиб келмайди... Чунки мана, Худонинг Шоҳлиги сизларнинг ичингиздадир”.

– Луқо 17:20-21

Энди нима? Таналарингиз – сизлар Худодан олган ва ичингизда бўлган Муқаддас Рухнинг маъбади эканлигини билмайсизларми? Энди сизлар ўзингизники эмассизлар, чунки сизлар қимматбаҳо нарх билан сотиб олингансизлар. Шунинг учун Худоникини бўлган танангиз ва руҳингизда Худони улуғланглар.

– 1-Коринфликларга 6:19-20

Шундай қилиб, сизга айтмоқчи бўлган нарсаларимни хулоса қиламан.

СИЗДА ХАЗИНА БОР!

Ҳазина қанчалик қимматли? Бу энг мардонавор орзулардан афзал бўлган ҳазина! Битмас-тугамас ҳазина!

*Бизнинг ичимизда Ўз куч-қудрати билан ҳаракат қилаётган
Худо эса биз сўраётган ёки орзу қилаётган ҳамма нарсадан
кўра ҳам ҳаддан ташқари кўпроғини қилишга қодирдир.*

– Эфесликларга 3:20

Энди биз ўзгача тайёргарлик кўришимиз лозим. Бу хазина биз тасаввур қилганимиздан ҳам каттароқ! Одатда бизга бирор нарса керак бўлганда ёки ёрдамга муҳтож бўлганимизда, биз ўзимизни жавобни ташқаридан излашга ўргатамиз. Лекин энди Муқаддас Рух, Худонинг Ўзи бизнинг ичимизда яшайди ва У бизнинг кўмагимиздир! Биз Рухдаги ёки номаълум тиллардаги ибодат қандай йўл-йўриқ беришини ва сирларни очиб беришини муҳокама қилган эдик. Аммо жуда кўп одамлар бундай ёрдам нақадар бебаҳо эканини ёки Худо ҳақиқатан ҳам уларнинг ҳаётларининг барча соҳаларида, уларга жавоб беришни хоҳлашини тушуниши қийин.

Аммо сиз юқоридан туғилганингизда, сиз Худо уйининг ҳақиқий аъзоси ва Унинг буюк Шоҳлигининг фуқаросига айландингиз. У аллақачон Ўзида бор бўлган барча нарсани сизга берган! Дарҳақиқат, Луқо Хушхабари 12:32да қўрқишга ва даҳшатга тушишга сабаб йўқлигини айтади, зеро Отангиз сизга Шоҳликни беришни маъқул кўрди. Қайси Шоҳликни? Ўзининг Шоҳлигини!

**БУ ҲАММАСИ ЭНДИ
СИЗНИКИ, ДЎСТИМ,
БУТУН ШОҲЛИК. ХУДО
СИЗГА, АЛЛАҚАЧОН
БЕРГАН НАРСАГА
ҲЕЧ НИМА ҚЎША
ОЛМАЙДИ. СИЗДА,
АЛЛАҚАЧОН ҲАММА
НАРСА БОР!**

*Қўрқма, эй, кичик пода! Чунки Отангиз сизларга Шоҳлик
беришни маъқул кўрди.*

– Луқо 12:32

Бу ҳаммаси энди сизники, дўстим, бутун шоҳлик. Худо сизга,

аллақачон берган нарсага ҳеч нима қўша олмайди. Сизда, аллақачон ҳамма нарса бор! Кўпчилик одамлар агар Худони ўзларининг кундалик ҳаётларига аралашишга мажбур қилишса, Уни безовта қилдик, деб ўйлайдилар. Лекин бу оддий нодонлик. Агар мен сизга, сиз Америка Қўшма Штатлари фуқаросисиз десам, сиз эса: “Энди, билмадим. Агар бу ерда дўкон очсам, ўз бизнесимни шу жойда очишимга имкон берадиган мамлакат қонунларидан фойдаланмоқчи бўлсам, кимгадир халақит бериб қўйишдан қўрқаман” – деб жавоб берсангиз. Фуқаро сифатида сиз, аллақачон барча қонунлардан фойдаланишингиз мумкин ва мамлакат томонидан тақдим этилган барча имтиёзларга эгасиз. Уларнинг барчаси сизники! Вақтни чўзманг. Қонун бўйича, аллақачон сизга тегишли бўлган барча имтиёзларга эга бўлинг!

Нима учун Худо Шоҳлиги хазина билан таққосланмоқда?

Чунки сиз самовий билимларга эга бўлсангиз, Худо томонидан берилган ноёб ва ғайриоддий стратегиялардан фойдаланиб, ҳар қандай вазиятда нима қилиш кераклигини билиб оласиз. Бу қандай ишлаши ҳақида яна бир мисол келтираман.

Биз Дренда билан Худо Шоҳлиги тўғрисида билишни бошлаганимизда, ҳаётимиз тубдан ўзгарди. Қарзлардан бутунлай қутилиш худди тоза ҳаводан нафас олгандек эди ва ҳаёт бутунлай янги лаззат олди. 55 акр (22 гектар) ер учун нақд пул тўлаганимизнинг ўзи мўъжиза бўлиб, худди тушга ўхшаб, ҳайратланарли эди. Лекин барибир ер майдонимизда бизга уй керак эди. Биз уй қурилишига умуман тушунмас ва нимадан бошлашни билмас эдик. Лекин биз ер майдонимизда бизга керакли уйга ҚАНДАЙ эга бўлиш ҳақида ибодат қила бошладик. Муқаддас Рух бизга ёрдам бериши учун Унга ишонмоқчи эдик.

Қарзга киришни истамай, биз уй қуришнинг ноанъанавий усулларини ўрганишга киришдик. Арзон нархдаги ажойиб уйга эга бўлишнинг бир усули модулли (йиғма) уй қуриш эди. Йиғма уй – бу машина уй эмас, балки бу уй заводда қисмлари алоҳида

тайёрланади, сўнгра сизнинг ерингизда йиғилади. Бу ёғоч уйлар билан бир хил сифатли уйлардир, лекин заводда қўлланилган самарали қурилиш усуллари туфайли уларнинг нархи пастроқ бўлади. Шундай қилиб, биз йиғма уй қурилишига ихтисослашган икки ёки учта ширкатларни кўздан кечириб, улар тақдим этган уй нусхаларини ўрганиб чиқдик. Йиғма уйларни ўрганиб, кўздан кечирганимиздан сўнг, айнан шундай йўл тутишга қарор қилдик ва бизнинг назаримизда ажойиб уйга айланадиган уй нусхани ҳамда ширкатни танладик. Бизни Виржинияда уй таълими бўйича сўз айтишга таклиф қилган анжумандан уйга қайтганимиздан сўнг, шартнома имзолашга тайёр эдик. Биз кўздан қочиришимиз мумкин бўлган барча тафсилотларни муҳокама қилиш ва уйга қайтганимизда, шартнома имзолашдан олдин тўғри қарор қабул қилганимизга ишонч ҳосил қилиш учун режаларни ўзимиз билан олиб кетишга қарор қилдик.

Қандай бўлгани эсимда йўқ, ҳуллас, бизни Виржиниядаги анжуманда сўз айтишга таклиф қилишди, лекин ўша ерда бўлган вақтимизда, бизга уй таълими билан шуғулланадиган бир оилада қолишни таклиф қилдилар. Уларнинг жануб услубида қурилган чиройли уйига келиб, янги дўстларимиз билан танишиб, уларнинг қандай ажойиб уйи борлиги ҳақида гапира бошладик. Сўхбат давомида уни ўзлари қурганини билиб олдик. Аввалида мен ҳайратда қолдим.

- Сизлар нима, қурувчимисизлар? – деб сўрадим.
- Йўқ – деб улар жавоб берди.

Отаси бизга маҳаллий катта корхонада ҳисобчи бўлиб ишлашини айтди.

- Унда, уйингизни қандай қуришни, қаердан билдингизлар? – деб сўрадим.

Улар ҳар хил жиҳатлар тўғрисида гапира бошлашди, сўхбат давомида биз ҳам уй қураётганимизни, шаҳарга қайтишимиз билан шартнома имзолашимизни айтдик. Улар буни эшитиб хурсанд бўлишди ва бизнинг янги уйимиз ҳақида сўрашди. Биз уларга

Худонинг Шоҳлиги ҳақида ва ҳаётимиз қандай ўзгаргани ҳақида айтиб бердик. Биз 55 акр ер учун қандай қилиб нақд пул тўлаганимизни ва ўша фермерлик уйимизни тарк этганимиздан қанчалар хурсанд бўлганимизни айтдик.

Ўзимиз билан ҳақиқий режалар борлигини гап орасида айтиб ўтдик ва улар режаларга назар солсак бўладими деб сўрашди. Албатта, биз уларнинг фикрини эшитишдан хурсанд эдик. Шундай қилиб, биз режаларни олиб, ошхона столи атрофига ўтирдик ва қоғозларни ёйдик. Кўп ўтмай уй бекаси “йўқ, бу майдон етарли эмас” ёки “сизга каттароқ ошхона керак бўлади”, ёки “болаларингиз улғайганда, бу уй билан нима бўлиши ҳақида ўйладингизми? Чўпонлар сифатида сизларга машғулотлар учун ҳақиқатан ҳам кўпроқ жой керак бўлади” деган гапларни айта бошлади. Умуман олганда, охири улар нима учун бу ўйни қуриш керак эмаслигини бизга кўрсатишди ва биз улар айтган ҳар бир асосга қўшилишга мажбур бўлдик.

- Лекин биз мўлжаллаган ўша пулларга қандай қилиб каттароқ уй қуриш мумкин?

- Жуда осон, - деди улар. - Уни ўзингиз қурилинг!

Бу сўзларни эшитиб, кулиб юбормаслик учун ўзимни аранг тийиб қолдим. “Ўз уйимни ўзим қуришим керакми?” деб ўйладим. Мен аввал айтганимдек, уйлар ҳақида ҳеч нима билмас эдим!

Лекин улар бу ўнчалик қийин эмаслигини айтиб, бизни рўҳлантиришди. Улар бизга Уоррен В.Жегеранинг “Ўзингиз учун бош пудратчи бўлиб, 50 000 доллар ёки ундан кўпроқ тежанг: орзуингиздаги ўйни қандай режалаштириш, субпудратчи бўлиш ва қуриш” номли китоби ҳақида сўзлаб беришди.

Шу сабабли биз уйга қайтганимизда, йиғма уй қуриш бўйича шартномани тузмасликка қарор қилдик. Биз китобга буюртма бериб, унинг ҳар бир боби устидан фикр юритиб, ўқиб чиқдик. Шунингдек, биз буюртма асосида тайёрланган уйлар режаларини ўргана бошладик. Ваниҳоят, бизга ёққан уйнинг режасини топиб, уни қадамба-қадам синчиклаб ўргана бошладик. Биз уйларини

Ўзлари қурган дўстларимиз ва танишларимиз билан суҳбатлашдик. Охир-оқибат, биз буни қила оламиз деган қарорга келдик! Бинонинг режаларини кўриб чиқиб, ўзимиздан: “Бу уйни маблағимизга мослаштириш учун ўзимиз нима қила оламиз?” – деб сўрадик. Эҳтимолдан узоқ, мен бутун уй бўйлаб электр сими ўтказишга қарор қилдим, гарчи ҳаётимда ҳеч қачон қўлимга 12/2 ўлчамли сим ушламаган эдим. Электр симларини тушунадиган бир дўстим бунинг осонлигини ва менга буни қандай қилишни кўрсатишини айтди.

Мен бизнесим билан банд бўлганим сабабли Дренда бош пудратчи бўлишга ва субпудратчилар билан ишлашга қарор қилди. Биз уйнинг синчини кўтарадиган пудратчи топдик, қолган барча нарса бизга боғлиқ эди. Сўнгра ҳаётимиздаги энг қизғин, лекин ҳаяжонли кунлар келди. Қисқа қилиб айтганда, йиғма уй назарда тутган уйдан, икки баробар каттароқ уй қурдик. Бизда қаттиқ ёғоч эшиклар, паркет поллар, қаттиқ ёғочли часпак, буюртма асосида зангламайдиган пўлатдан ясалган янги уй жиҳозли чиройли ошхона тўплами бор эди. Биз уйни ўзимиз қуриб, 200 000 доллардан кўпроқ пулни тежаганимизни ҳисоблаб чиқдик!

Биз Муқаддас Рухдан режамизда ёрдам беришини сўраганимиздан жуда ҳам бахтиёрман. Бизнинг ҳаракатларимиз натижалари биз орзу қилган барча нарсадан анча афзал бўлди ва афзал бўлиб келмоқда. Худо Виржинияга ўша сафарни қандай уюштиргани ва бизни яқинда ўз уйларини қуриб тугатган жуфтлик билан учраштирганидан ҳанузгача ҳаяжондаман. Ишончим комилки, агар бу содир бўлмаганида, биз йиғма уй қурган бўлардик. Йиғма уй биз учун қандайдир пайтга иш берарди, бироқ сал ўтиб, биз у уйга сиғмай қолардик. Ҳозирги кунгача мен учун қурган уйимиз, Муқаддас Рухнинг бизга кутганимиздан ҳам ортиқ бўлган режа ва йўналиш бериб, ҳар қандай вазиятда ёрдам беришининг бир намунасиридир!

Шундай қилиб, яна бир бор айтаман...

Худода СИЗНИНГ режангиз бор!

Бироқ сиз: “Гари, бунинг барчаси яхши, лекин Матто Хушхабари 13:44да режа яширин экани айтилган!” – дейишингиз мумкин. Ҳа, бу

шундай, лекин бу сизнинг фойдангиз учун-ку?! Матто Хушхабарининг бошқа жойида Исо нима деганига қаранг:

Шунда шогирдлари яқинлашиб, Исога: “Нима учун уларга масаллар билан гапиряпсан?” – дедилар. У эса уларга жавобан деди: “Чунки сизларга Осмон Шоҳлигининг сирларини билиш ато қилинган, уларга эса берилмаган.

– Матто 13:10-11

Бу яширин билим уни суистеъмол қиладиган ёки Худонинг режаларига халақит берадиган ёвуз одамлар ёки шайтон учун эмас, сиз учун аталган. Муқаддас Калом, агар шайтон Худонинг нима қиляётганини тушуна олса, у ҳаракат усулини ўзгартиришини айтади.

Балки Худонинг сирли ва яширин бўлган донолигини воизлик қилмоқдамиз. Худо бу донолигини асрлар бошланишидан аввал бизнинг шуҳратимиз учун тайин қилган. Шу доноликни будунёҳокимларидан ҳеч ким англамади. Буни англаганларида эди, шуҳрат Раббийсини хочга михламас эдилар.

– 1-Коринфликларга 2:7-8

Мен ҳар доим айтаман, Худонинг сирлари сиздан эмас, сиз учун яширинган! Шайтон зулматда яшайди ва Худонинг режаларини билмайди. У фақатгина Худо қиляётган нарсага муносабат билдира олади. У нима содир бўляётганини тушунганида эса, аллақачон кеч бўлади! Шунинг учун кейинги сафар ярим тунгача жавоб ололмасдан, бироз асабийлашсангиз, билингки, Худо ҳеч қачон кечикмайди ва сизга кечикаётгандек кўринган нарса уни очиш вақти келмагунча, жавобни яшириб, сиз учун ишлайди.

Яна Осмон Шоҳлиги далада ЯШИРИБ ҚЎЙИЛГАН хазинага ўхшайди. Уни топган одам сир сақлади ва ундан қувонганидан бориб, бор-йўғини сотиб, ўша далани сотиб олди.

– Матто 13:44

Биз бу қандай дала ва у қаерда жойлашганини, шунингдек, хазина нима учун яшириб қўйилганини муҳокама қилдик. Шунингдек, биз Рухда ибодат қилиб, Муқаддас Рухнинг овозини тинглаш орқали Худо Шоҳлигида яширинган нарсани қандай эшитишни муҳокама қилдик.

Аммо бу жараёнда сиз билишингиз керак бўлган, Ёзувда кўрсатилган яна бир ҳаётий муҳим қоида мавжуд. Уни менсимаслик кўплаб яхши, эзгу режаларнинг барбод бўлишига сабаб бўлган ва одамларнинг ҳаётида ҳалокатли бузилишларга олиб келган. Агар сезган бўлсангиз, Ёзувда айтилишича, инсон Худодан хазина, ғоя, йўналиш ёки режа ҳақида эшитиши биланоқ, у уни қайта яшириб қўяди. У БИРДАНИГА

**МЕН ҲАР ДОИМ
АЙТАМАН, ХУДОНИНГ
СИРЛАРИ СИЗДАН
ЭМАС, СИЗ УЧУН
ЯШИРИНГАН! ШАЙТОН
ЗУЛМАТДА ЯШАЙДИ
ВА ХУДОНИНГ
РЕЖАЛАРИНИ
БИЛМАЙДИ.**

ҲАРАКАТ ҚИЛМАЙДИ! У ҳамма дўстлари ва қўшниларига Раббидан эшитганини ёки ўзининг янги ва ажойиб режалари ҳақида, ҳар ҳолда дарров айтишни бошламайди. Муқаддас Калом айтадики, у ўз билимини қайта яшириб, бор-йўғини бориб сотади, кейин эса далани сотиб олади. Оддий қилиб айтганда, у хазинанинг ҳақиқий эгасига айланмагунча, ҳеч кимга унинг жойлашган ўрнини ошкор қилишни хоҳламайди. У кутади, чунки эгалик унга, ҳеч ким ундан хазинани ўғирлай олмаслигига ишонч беради.

Шунингдек, Ёзувда айтилишича, одам хазинани илк бор топганида, у хазина учун тўлашга қодир эмас ва у уни қўлга киритишга имкон берувчи маълум тайёргарликдан ўтиши керак. Ушбу қоида пул масаласи ёки ниманидир шунчаки сотиб олиш доирасидан анча четга чиқади. У бизни ҳаётий муҳим нарсаларга ва агар сиз муваффақият қозонмоқчи бўлсангиз, Муқаддас Рух сизга кўрсатаётган нарсаларга мувофиқ тарзда ҳаракат қилишингиз кераклигини ўргатади.

Ёзув айтадики, сиз бирон бир ғоя ва йўналишни эшитиб, шунга муносиб қобилиятга эга бўлмагунингизча, ҳаракат қилмаслигингиз

керак. Ўйлайманки, биз ҳаммамиз бу пул билан қандай ишлашни осонгина кўришимиз мумкин. Агар ер сотиб олиш учун пулингиз етарлича бўлмаса, албатта, далада хазина борлигини ҳеч кимга айтмайсиз. Агар бу нарса маълум бўлганда эди, уни кимдир биринчи бўлиб сотиб олганига амин бўлишингиз мумкин эди. Бунинг ўрнига сиз бориб, ерни сотиб олишга пул топиш учун мумкин бўлган ҳамма нарсани қиласиз, шу билан бирга яширин хазина ҳақида оғиз очмайсиз.

Худди шу қоида Худо сизга бериши мумкин бўлган ҳар қандай йўналиш ёки кўрсатма учун қатъий амал қилади. Масиҳийлар кўпинча имкон қадар тезроқ охиригача боришни истаб, бошини ўтказиб юборадилар. Муқаддас Рух кўпинча бизга ғояни уни шу заҳоти амалга оширишга киришиб кетишимиз учун эмас, балки биз тайёрланиб, имкониятдан амалда фойдалана олишимиз учун очади. Ҳар қандай ташаббуснинг тайёргарлик босқичи жараённинг энг муҳим қисми ҳисобланади. Спортда ўйинлар, ҳеч ким кўрмайдиган машғулотлар давомида, жамоалар ўйинга қанчалик яхши тайёргарлик кўрганига қараб ютқазилади ёки ютилади. Лекин тан олиш керакки, машғулотлар завқ келтирмайди, балки улар чарчатиб, ҳолдан тойдиради. Таққослаш учун, ҳамма ўйиннинг ҳаяжонини, томошабинлар оломонини, ғалаба алангаси ва ҳаяжонини яхши кўради.

Афсуски, агар машғулотлар эътиборга олинмаса, бу орзулар оғриқ ва қайғуга айланади. Бу қоидани билмагани сабабли ўз ҳаётларини бузаётган қанча одамларни кўрганимни санашнинг иложи йўқ. Мен Худо томонидан даъват этилган одамларни, мойланган одамларни кўрганман, улар ҳиссий ва молиявий тайёр бўлмасдан, жамоат ташкил қилиб, натижада, орзуларни амалга ошириш ўрнига фалокатга юз тутганлар. Мен Худо уларга бизнес ғоясини берганини ва муваффақиятга ишонган ҳолда, тегишли текширувсиз ва тайёргарликсиз доимий ишини дарҳол ташлаб, натижада, хонавайрон бўлган одамларни кўрганман. Бу ҳикоялардаги энг ачинарли нарса шундаки, айб Худога юкланади ва одамлар нафақат ўзларидан, балки Худодан ҳам ҳафсаласи пир бўладилар. Нима учун кўпчилик, муваффақият бир кечада келади деб ўйлашни билмайман. Аммо одамларга Ёзуннинг оддий бир парчасида

тасвирланган, муваффақиятга эришиш жараёнини ўргатиш керак.

Одамлар менинг олдимга келиб: “Ҳой, чўпон, Худо менга бу менинг жамоатим эканини айтди” – дейишади. Сиз уларни қайта кўрмайсиз. “Ҳой, чўпон, Худо менга ажойиб бизнес-ғоясини берди”. Кейинги эшитадиган нарсангиз, уларнинг уйи мажбурий кимосди савдосига қўйилгани ва машиналари мусодара қилингани бўлади. Бу Худо сиз учун мўлжаллаган нарса ЭМАС.

Биз Муқаддас Рухдан бирор ғояни эшитганимизда, бу дарҳол ҳаракат қилишимиз керак дегани эмас. Кўпинча У бизни бу орзунга яширишга ва уни амалга оширишга тайёрланишга ундайди. Одатда, биз унинг муваффақиятли амалга ошиши учун зарур бўлган ҳамма нарсага эга бўлмаймиз. Худо сизга нима қилишни кўрсатганига қараб тайёргарлик бир ҳафтага ёки ҳатто, йилларга чўзилиши мумкин. Тайёргарлик ва тўғри вақт ҳам худди шундай муҳим эканини ёки ҳатто, ғоянинг ўзидан ҳам муҳимроқ эканини тушунишингиз лозим!

Ўзим ҳақимда гапирсам, мен 19 ёшимда Хушхабарни воизлик қилиш учун даъват этилганимни биламан. Менда аниқ ваҳий бўлиб, бу ваҳийда Муқаддас Каломни қўлларимда тутиб турганимни кўрганман ва Раббий менга уч мартаба: “Мен сени Каломимни воизлик қилишга даъват этаман” – деди. Бу жуда ҳақиқий ва кучли кечинма эди. Лекин менга ўша лаҳзанинг ўзида бориб, воизлик қилишни бошлашимни айтмади. Бунинг ўрнига У менга коллежга ўқишга боришимни айтди. Кўряписизми, мен сал қолса ўртача 1.3 балл (баҳо) билан мактабдан ҳайдалар эдим. Бундан ташқари мен ниҳоятда уятчан бўлиб, одамлар билан мулоқотдан қочиб юрардим. Сизга очиғини айтаман. Мен одамлар учун чўпонлардек ғамхўрлик қилиш учун зарур бўлган етукликка ҳатто, яқин ҳам эмас эдим! Шу сабабли мен коллежга ўқишга кирдим ва бу жуда-жуда қийин эди, лекин мен қатъийлик кўрсатиб, тўрт йиллик ўқишни тугатдим.

Коллежни тугатгандан сўнг, воизлик қилиш вақтим келмадими деб ўйладим. Лекин Раббий менга суғурта ва қимматли қоғозлар сотиш билан шуғулланадиган маҳаллий молиявий корхонага ишга киришимни хоҳлаётганини айтди. Гарчи мен учун бу ҳеч қандай

маънога эга бўлмаса-да, мен Худонинг овозини эшитаётганимни билар эдим ва лавозимимни эгалладим. Бу иш коллеждаги ўқишдан кўра қийинроқ эди. Мен ҳар куни совуқ қўнғироқларни амалга оширишим ва одамлар олдидаги қўрқувимни енгишни ўрганишим керак эди. Эски нарсаларни сотиб кун кўриш ҳам осон бўлмаган, тўғриси айтсам, ҳар куни ишдан бўшамоқчи бўлар эдим, лекин бундай қила олмаслигимни билардим. Ниҳоят, бир неча йилдан сўнг, ишимда муваффақиятга эришдим. Бундан ташқари, биз Дренда билан ўз филиалимизни бутун мамлакат бўйлаб фирманинг беш мингта филиаллари ичида энг яхшисига айлантира олдик.

Айнан ўшанда Худо менга жамоатга асос солиш вақти келганини айтди. Ўша вақтда мен 40 ёшда эдим. Худо менга 19 ёшимда берган ваҳийга мени тайёрлаши учун Унга 21 йил зарур бўлган. Мен чўпон бўлиб хизмат қила бошлаганимда, нима учун бунчалик кўп тайёргарлик зарурлигини англадим. Чўпонлик мен ўйлаганимдан ҳам қийинроқ экан. Лекин одамлар билан мулоқот тажрибам ва бизнесдаги рад этиш билан курашиш қобилиятим туфайли, мен ҳаётимдаги Худонинг чақирувига содиқ қолишга муваффақ бўлдим. Ҳар бир вазифа ҳам 21 йиллик тайёргарликни талаб қилмайди, лекин қоида бир хил бўлади.

Ушбу тайёргарлик қоидаси туфайли Матто Хушхабари 13:44ни бироз ўзгартириб, қуйидагича ифодалашни ёқтираман:

Сиздаги Осмон Шоҳлиги сизга билим ёки Худо биладиган сирли ва яширин нарсаларни билиш имконини беради. Бу билим сизнинг ичингизда бўлган Худонинг Руҳи орқали имконлидир. Инсон учун хазина, жавоб бўлган бу яширин билимни топганида ёки эшитганида, у уни ўз юрагида ва онгида қайта яширади. Сўнгра астойдил тайёрланиб, қувонч ва бор кучи билан унга очилган йўналиш бўйлаб, кўрсатмага мувофиқ равишда кетади, шу тариқа ўз жавобини пайқайди ва олади.

8-БОБ.

КЎТАРИЛИШ УЧУН ҚИЙИН ВАЗИЯТ

Янги Зеландиядаги катта жамоатнинг чўпонлари, менинг дўстим чўпон Питер ва унинг рафиқаси Бев, Қўшма Штатларга қисқа вақтга ташриф буюрдилар. Бу Мавлуд байрамлари вақти бўлиб, дам олиш ва Мавлуд байрами безакларидан завқланиш учун Колорадо Спрингсда Broadmoor меҳмонхонасида бир неча кун қолишмоқчи эди. Агар сиз Broadmoorда бўлмаган бўлсангиз, билинги, бу Қояли тоғлар бағрида жойлашган Америкадаги энг яхши дам олиш масканларидан бири. У ўзининг ажойиб Мавлуд байрами шукўҳи билан машхўр. Чўпон Питер бизга қўнғироқ қилди ва улар ўша ерда бўлишларини айтиб, уларга қўшилиш истагимиз бор йўқлигини сўради. Биз мамнуният билан рози бўлдик ва ўша ерда энг ажойиб уч кунни ўтказдик.

Мен чўпон Питер билан учрашганимда, у менинг гуруҳимда бўлганлиги сабабли, одатда биз хизмат ҳақидаги сўхбатларга кўп вақт сарфлаймиз. Ушбу сафарда ҳам шундай бўлди. Иккаламиз ҳам келгуси йил учун режалар ҳақида гапириб, ғоялар билан шунчаки бўлишдик. Ваниҳоят, ҳар доим қайғули бўлган хайрлашиш вақти келди, чунки улар биз учун жуда қадрли эдилар. Одатда Дренда билан, уларни Янги Зеландияга йилиги бир марта ёки камида икки йилда бир марта йўқлаб борамиз, лекин бу йил мен ниҳоятда банд бўлиб, бундай сафарни режалаштирмаган эдим.

Шундай қилиб, биз уйга қайтиб, янги йилни сабрсизлик билан кутдик. Қизиғи шундаки, 9-январь кўни мен туш кўрдим, тушимда чўпон Питер менга февраль ойида унинг жамоатида воизлик

қилишга таклиф этмоқчи эканини айтди. Бу жуда ғайриоддий деб ўйлаганимни эслайман, чунки мен яқиндагина у билан уч кун бирга бўлдим ва у бу ҳақда бир оғиз ҳам сўз айтмаган эди, февралгача эса, санокли ҳафталар қолган эди. Мен нонушта қилиш учун ошхонага бораётганимда, Дрендага Раббий менга нима дегани ҳақида айтиб бердим.

Менинг компьютерим ошхона столи устида турган эди ва мен иш орасида уни ёқдим. Ўтириб, чой ичаётганимда, чўпон Питердан хабар келганини кўрдим. Хабарни очиб, чўпон Питер мени уч ҳафтадан сўнг бўлиб ўтадиган ўзининг йиллик молявий анжуманига бориб, воизлик қилиш учун таклиф этаётганини ўқиб ҳайрон бўлдим. Албатта, мен ҳайрон бўлдим, лекин буни тушимда кўрганлигим туфайли ҳайратга тушмадим. Умуман бунинг иложи бор-йўқлигини билиш учун тезда жадвалимга кўз югуртириб чиқдим, чунки менда ой давомида айнан Питер мени Янги Зеландияга таклиф қилган мана шу кунларга жуда кўп сафарлар режалаштирилган эди. Биз Дренда билан аллақачон Оклендда бўлишим керак бўлган вақтгача бир неча кун аввал Аргентинага, Буэнос-Айресга учишни режалаштирган эдик. У ерга етиб боришнинг ягона йўли Буэнос-Айресдаги анжумандан сўнг жўнаб кетиб, тўғридан-тўғри Австралиянинг Сидней шаҳрига учиш ва бошқа самолётга ўтиб, кейинги рейс билан Оклендга парвоз этиш эди. Мен бундай сафарни ҳеч қачон ўзим уюштирмаган бўлар эдим, лекин Раббий мен билан гаплашгани сабабли биз боришимиз кераклигини билар эдим.

Бизнинг Аргентинага бўлган сафаримиз менинг ширкатим билан бирга ишлайдиган таъминотчилардан бири ҳомийлик қилган уюшма доирасидаги сафар эди. Бу жуда яхши сафар бўлди ва мен одатда йилига бир марта ёки шунга яқин муддатда кўрадиган дўстларим билан ажойиб вақт ўтказдик. Ўша пайтда Аргентина етарлича жиддий молявий муаммоларни бошдан кечириб, шаҳарда ғалаёнлар кўтарилиб турар эди, лекин умуман олганда, бу сафар ажойиб бўлди, чунки мен илгари у жойда ҳеч қачон бўлмаганман. Сиднейга парвозимиз 16 соат давом этди. Бу мен учган парвозларнинг

энг узунни эди. Парвоз жанубий қутб узра амалга оширилди, мен дунёнинг бу қисмини ҳаводан кўришга умид қилганим учун бу менга ҳайратланарли туюлди.

Парвоз пайтида ойна туйнугидан пастда муз ва қордан бошқа ҳеч нимани кўрмай, Аргентина ҳаво йўлларида учаётганимни, шунингдек, омон қолиш учун бор кучи билан ҳаракат қилаётган мамлакатдаги молиявий муаммоларни ҳис қилганимни англадим. Бир лаҳза ҳаёлимга, агар бу ширкат ўз самолётларига техник хизмат кўрсатиш учун маблағни тежашга мажбур бўлган бўлса-ю, биз дунёнинг бу қисмида ҳалокатга учрасак, унда манзара ёқимли бўлмайди деган фикр келди. Лекин мен ниҳоятда ишончли қўлларда эканимни билар эдим, чунки Раббийнинг Ўзи мени бу сафарга йўналтирган эди.

**ЧУНКИ ХУДОНИНГ
РУҲИ БИЛАН
БОШҚАРИЛАДИ-
ГАНЛАРНИНГ
ҲАММАСИ ХУДОНИНГ
ЎҒИЛЛАРИДИР.**

– Рим. 8:14

Сиднейга етиб келганимиздан сўнг, биз тезда чўпон Питер ва Бевга кўнғироқ қилиб, чўпон Питер ҳозиргина жиддий юрак хуружини бошдан кечирганидан сўнг, шифохонада ётгани ҳақидаги хабардан ҳайратда қолдик. У ўзининг катта молиявий тадбири (уикенд) вақтида умуман воизлик қила олмас эди ва у мендан бутун тадбир давомида таълим бера олиш ёки ололмаслигимни сўради. Энди мен нима учун Раббий мени Янги Зеландияга йўналтирганини билдим ва Муқаддас Руҳ бизнинг қадамларимизни қандай йўналтираётганидан ҳайратда эдим. Бу Римликларга мактубда 8:14да нима дейилгани ҳақидаги ажойиб эслатмадир.

“Чунки Худонинг Руҳи билан бошқариладиганларнинг ҳаммаси Худонинг ўғилларидир” (Рим. 8:14).

Биз яна бир бора Муқаддас Руҳдан кўрсатма, ғоя ва маъно-мағизларни эшитиш қобиляти ҳақида гапирамыз. Муқаддас

Китобда Дониэлнинг ҳикоясидан кўра, қандай қилиб Муқаддас Рухни тинглаш, сиз муҳтож бўлган жавобларни бера олиши ҳақидаги менинг кейинги дарсимни тасдиқлайдиган яхшироқ ҳикоя йўқ. Келинг, буни кўриб чиқамиз.

Набукадnezар шоҳлигининг иккинчи йилида Набукадnezар туш кўрди. Унинг руҳи безовта бўлди ва унинг уйқуси қочиб кетди. Шунда подшоҳ кўрган тушини айтиб беришлари учун сеҳргарларни, фолбинларни, мунажжимларни ва жодугарларни ўз ҳузурига чақиришни буюрди. Улар келиб, подшоҳ ҳузурда туришди. Подшоҳ эса уларга: — Мен бир туш кўрдим ва руҳим безовта бўлмоқда. Шу тушнинг нима эканини билмоқчиман, — деди.

Шунда қалдийлар подшоҳга арамий тилида сўзлаб: — Подшоҳимиз, абадий яшанг! Қулларингизга кўрган тушингизни айтинг ва биз таъбирини тушунтириб берамиз, — дейишди.

Подшоҳ эса жодугарларга жавоб бериб деди: — Мана, менинг буйруғим шундай: агар тушимни ва унинг таъбирини айтиб бермасангизлар, бурда-бурда қилиб чопиласизлар ва уйларингиз ҳам харобага айланади. Агар тушимни ва унинг таъбирини айтиб берсангизлар, мендан совғалар, мукофотлар олиб, буюк иззат-ҳурмат топасизлар. Қани менинг тушимни ва унинг таъбирини айтиб беринглар-чи!

– Дониэл 2:1-6

Халдийлар эса подшоҳга шундай жавоб беришди: — Бутун ер юзида бу ишни подшоҳга очиб бера оладиган одам йўқдир. Шунинг учун ҳеч бир буюк ва қудратли подшоҳ бунга ўхшаш нарсани ҳеч қандай фолбиндан, мунажжимдан ва жодугардан сўраб билишни талаб қилмаган эди. Подшоҳимиз талаб қилган иш шу қадар оғирки, буни

фоний одам билан яшамайдиган худолардан бошқа ҳеч ким подшоҳимизга очиб бера олмайди.

Подшоҳ бундан қаттиқ ғазабланиб, қутуриб кетди ва Бобилдаги ҳамма донишмандларни қириб ташлашни буюрди. Ҳамма донишмандлар ўлдирилиши ҳақида фармон чиққанида, Дониэл ва унинг ўртоқларини ҳам ўлдириш учун изладилар.

Дониэл 2:10-13

Сўнг Дониэл ўз уйига келиб, бу ҳақда ўз дўстларига — Ҳананиях, Мисаэл ва Озариёга айтиб берди, токи Дониэл ва унинг дўстлари бошқа ҳамма Бобил донишмандлари билан бирга ҳалок бўлмасликлари учун улар Осмон Худосидан шу сир ҳақида шафқат сўрасинлар. Ўшанда бу сир Дониэлга кечаси кўринган ваҳий орқали очилди. Дониэл эса Осмон Худосини дуо қилиб, шундай деди: “Раббийнинг номи асрдан асрга муборак бўлсин, чунки донолик ва куч-қудрат Ундадир. Вақт ва фаслларни ўзгартирувчи Удир. У подшоҳларни қулатувчи ва подшоҳларни тайинловчидир. У доноларга донолик, ақлликларга ақл берувчидир. У чуқур ва яширин бўлган нарсаларни очади, қоронғиликда нима борлигини билади, нур У билан бирга яшайди.

– Дониэл 2:17-22

Дониэл ҳаёт ва ўлим ўртасидаги вазиятда, яъни даҳшатли жойда эди. Лекин бу ерда сизнинг кейинги кўтарилишингиз учун муҳим калит бор. Худо уни қулашини эмас, балки кўтарилишини таъминлаш учун ундан фойдаланди. Дониэл Муқаддас Руҳнинг сирли билими туфайли подшоҳ Набукаднешарга тушни ва унинг таъбирини етказа олади. Қуйидаги парчадан подшоҳнинг қойил қолгани кўриниб турибди.

Шунда подшоҳ Набукаднезар юз тубан йиқилиб, Дониэлга таъзим қилди ва унга совғалар ҳамда хушбўй тутатқилар келтиришларини буюрди. Сўнгра подшоҳ Дониэлга: “Ҳақиқатан ҳам сен бу сирни очиб берганинг учун, сенинг Худойинг худолар Худоси ва подшоҳлар Ҳукмрони экан. У сирларни очувчидир!” – деди. Бундан кейин подшоҳ Дониэлни юксалтириб, унга кўп катта совғалар берди, уни бутун Бобил вилояти устидан ва Бобилдаги донишмандларнинг устидан катта бошлиқ қилиб қўйди. Лекин Дониэл подшоҳдан илтимос қилди ва у Шедрах, Месах ва Обид-Негони Бобил давлатининг ишлари устидан бошлиқ қилиб қўйди. Дониэл эса подшоҳ саройида қолди.

– Дониэл 2:46-49

Дониэлдаги Худонинг овозини эшитиш қобилияти қандай натижа берди? Хизматда ўсиш ва бойлик берди!

Худди шу натижани Муқаддас Каломдаги бошқа бир ҳикоя, Юсуфнинг ҳикоясидан ҳам топиш мумкин. Худди шундай вазиятга дуч келган Юсуф фиръавннинг тушини таъбир қилиш имкониятига эга бўлди. Юсуф тушни муваффақиятли таъбир қилиб, кейин эса, туш огоҳлантирган яқинлашиб келаётган қирғоқчиликдан Мисрни қутқариш учун ҳаракат режасини таклиф қилгандан сўнг, фиръавн мана нима деб жавоб берди:

Сўнг фиръавн Юсуфга: “Худо сенга буларнинг барчасини очдими, – деди, – демак, сендек ақлли ва доно йўқ. Энди сен менинг хонадонимнинг устидан ҳоким бўласан. Менинг бор халқим сенинг сўзинг билан ҳаракат қилади. Мен сендан фақат тахтим билан устун бўламан”.

– Ибтидо 41:39-40

Бу ҳикояларнинг иккаласида ҳам ҳамма нарса бошида бутунлай умидсиздек кўринди, аммо кўтарилиш ва бойлик билан яқунланди.

Оддий қилиб айтганда, дунё катта муаммоларни ҳал қиладиган одамларга катта пул тўлайди. Сиздаги Муқаддас Рух сизни катта муаммоларнинг қоқ ўртасига ташлашни яхши кўради! Бу нарса содир бўлганда қўрқманг, балки Раббийни улуғлашни бошланг, зеро У Дониэл ва Юсуфга ёрдам берганидек, сизга ҳам ёрдам беради! Мен ҳар доим Худо шарафни олади, мен эса маош оламан дейман! Дониэлнинг Раббий ҳақида айтган гапи менга ёқади: “У чуқур ва яширин нарсаларни очади, зулматда нима борлигини билади ва нур У билан яшайди”. Дониэл айтадики, нур У билан яшайди. Демак, қоронғу кечада кўчага чиқиб, чироқни ёқсангиз, қаерга боришни кўрасиз! Нур қўрқувни енгади ва сиз қаерга боришни биласиз. Павлус бу оятда Худо қийин дақиқаларда бизга гапириб, ёрдам беришини назарда тутди.

“Биласизларки, мажусий бўлганингизда, сизларни худди етаклаб олиб боришганидай, гунг бутларга борар эдингизлар” (1-Кор. 12:2).

Павлуснинг таъкидлашича, бутлар гапирмайди, Худо эса гапиради! Эҳтимол, нима учун мен бу бобни “Ўсиш учун қийин вазият” деб номлаганим сизга қизиқдир. Чунки айнан қийин вазиятда сизнинг ичингиздаги Муқаддас Рухда жавоблар бор. Айнан қийин вазият қарор қабул қилишингиз учун сизга ажойиб имконият беради. Қийин вазият бу сизнинг кейинги ўсишингиз учун юксак имкониятдир! Афсуски, кўплаб масиҳийлар мушкул вазиятлардан қочишади. Дарҳақиқат, кўпчилик одамлар оғир вазиятга тушиб қолсалар, Худони қўлдан бой бердим деб ўйлайдилар.

Эсимда, биз эндигина ойнаижаҳон билан ишлашни бошлаганимизда, ҳисоб-китоблар ойига 9 000 доллар атрофида эди. О, Худо, мен бунга ҳар ой ишлаб топиш керак бўлган бир талай пул деб ўйлаганман. Кейин ҳисоб-китоблар ойига 20 000 доллардан, сўнгра эса, 50000 доллардан ошишни бошлади. Бир куни ҳаммамиз ибодат қиладиганимизда, қизим Эми пайғамбарлик инъомидан фойдаланиб, гапира бошлади:

“Ҳосил сен учун жуда ҳам улкан. Мен сени синайман. Фақатгина Менинг Рухим орқали ҳозир нима содир бўлишини тушуна оласан! Сен олдинга қадам ташлаб, Менга сени қийин, ақл бовар қилмайдиган, имконсиз нарсага олиб боришимга рухсат берасанми?”

Сизга бир воқеани айтиб беришимдан аввал, ҳозир билган нарсангизга асосланиб, бу қандай изоҳланиши кераклигини менга айта оласизми? ЎСИШ! Худо менга танлов берганини яхши кўраман. Худо мендан У билан йўлга чиқишга тайёрлигимни сўради. У мени рози бўлишга кўндирди. Агар мен “йўқ” деганимда эди, У бошқа бир кишига мурожаат қилишига ишончим комил эди. Лекин мен ўзим кўтарилишни қабул қилганим маъқул деб билдим, сизчи?

Мен жавобан дедим:

- Ҳа, Раббий, менинг рози эканимни Сен биласан.

Шундан сўнг бир неча ҳафта ўтгач, Daystar тармоғи бизга кунлик вақтни тақдим қилди, ҳолбуки олдин биз ҳафтада бир марта эфирга чиқар эдик. Агар биз рози бўлганимизда эди, ойнаижаҳон учун тўловимиз ойига тахминан 200 000га кўтарилган бўлар эди. Лекин ушбу пайғамбарчилик сўзи ва ичимдаги Муқаддас Рухнинг дуо-баракатидан келиб чиқиб, мен рози бўлдим. Ҳамма менга дастур оммабоп бўлгунга қадар, биринчи икки ой эфир вақти тўловлари бўйича манфийга кетишимиз мумкинлигини айтишди. Айнан шундай бўлди, лекин биз кутганимиздан ҳам, эҳтимол, бироз жиддийроқ бўлди. Мен беш ой ичида эфир учун ҳисоб бўйича 500 000 доллар қарз бўлиб қолдим. Боз устига, эфир вақти учун харидоримиз менга хат жўнатиб, унинг адвокатлари тўловлар кечиктирилаётганидан бироз асабийлаша бошлаганини айтди.

Мен бу ҳақида Худо билан ҳақиқатан курашишни бошладим, чунки менинг дастурим “Молиявий масалаларни ҳал қилиш” деб номланади! Мен умидсизликка туша бошлаб, Дрендага, эҳтимол, ойнаижаҳон эфирлари сонини қисқартиришим ёки улардан умуман воз кечишим кераклигини айтдим. Лекин у жавоб бериб: “Худо нима деди? У бу учун тўлашини айтди, тўғрими?” – деди.

Мен бир неча кун давомида у билан шу ҳақида гаплашганимда, у фақат шундай жавоб берди. Биз ибодат қилдик, гарчи ўша вақт менда ҳеч қандай жавоб бўлмасада, мен Худонинг тинчлигини ҳис қилдим. Мен ўша ҳафта тушимда бир даста чекни кўрдим. Бу тушнинг ғалати томони шунда эдики, мен нафақат даста чекларни, шунингдек, уларнинг миқдорини ва бу чекларни ёзиб берган одамларнинг исмларини ҳам кўрдим. Уйғонганимда, эфир тўловлари тўланганини билар эдим ва тинчлик топдим. Шундай қилиб, ўша дам олиш кунлари, одатдагидек дам олиш кунлари сизга айтсам, 500000 доллар худди тушда кўрсатилганидек келди. Мен кўрган барча маблағлар ва чекларни ёзган одамларнинг исмлари – ҳаммаси рўёбга чиқди!

Кўряпсизми, қийин вазият – бу ёмон дегани эмас! Дўстим, бу ўсиш жойидир. Одамлар хато қилишдан қўрқиб, мушкул вазиятга тушиб қолмасликка ҳаракат қилишларини айтишади. Аммо Муқаддас Рух агар биз Уни тингласак, бизни мумкин бўлган хато ҳақида огоҳлантиришга қодир.

Эсимда, бир неча йил олдин, мен қарздан халос бўлиш бўйича ширкатимни бошқараётганимда, бир мижоз ўз уйининг даромадидан сармоя юлиб олиб, мен ёқтирмаган ширкатга уни сарфламоқчи бўлди. Ишхонага зинадан кўтарилаётганимда, вакилларимдан бири бу ҳақда мен билан гаплашгани эсимда. Тўсатдан, Муқаддас Рух менга бу масалани қандай ҳал қилиш кераклигини айтаётганини ҳис қилдим. Мен ўз вакилимга айтдим: “Сиз битим тузишингиз мумкин, лекин мижоз кредит ҳужжатлари тўпламининг бир қисми бўладиган хатни имзоласин ва унда биз инвестиция ширкатининг бир қисми эмасмиз, фақат мижознинг сўровига биноан кредит берамиз деб айтилган бўлсин”. Бундан ташқари, биз тавсифланган инвестицияларнинг хавфсизлиги ёки самарадорлигига нисбатан ҳеч қандай жавобгарлик олмаслигимизни ва мижозимизни бу ширкатга инвестиция киритишга ундаслигимизни билдирдик. Шундай қилиб, тахминан олти ой ўтгач, бунинг ҳаммаси касодга учради. Инвестиция ширкати бу мижознинг ҳамма пулларини йўқотди. Инвестиция ширкати ва менинг ширкатим устидан судга даъво

қўзғатилди. Бироқ уларнинг адвокати мижозимизни имзо чекишга мажбурлаган хатни кўрганида, биз даъво бўйича жавобгарлар ҳисобидан чиқарилдик.

Ўша куни мени зинапояда тўхтатган ва ўз вакилимга битим учун ҳужжатлар тўпламига киритишни айтишга мажбур қилган айнан Муқаддас Руҳ эди. Сизга ёрдам берадиган ва ҳар қандай вазиятлардан олиб ўтадиган Муқаддас Руҳга ишонишингиз мумкин. Исо айтганидек: “Қўрқманг”.

Мен бу воқеани бошқа китобларимдан бирида айтиб ўтганман, лекин ушбу муҳокама доирасида бунга такрорлаш арзийди. Бир куни бизнинг оиламиз уч кунлик дам олишга кетдик. Ҳамма аллақачон кичик автобусда эди, мен моторни қўшиш учун борганимда, тўсатдан Муқаддас

**СИЗГА ЁРДАМ
БЕРАДИГАН ВА
ҲАР ҚАНДАЙ
ВАЗИЯТЛАРДАН ОЛИБ
ЎТАДИГАН МУҚАДДАС
РУҲГА ИШОНИШИНГИЗ
МУМКИН.**

Руҳ менга машинани бошқа жойга қўйишимни айтди. Кичик автобус ёнидаги шохобча йўлида яна бир машина турган эди. Муқаддас Руҳ машинани майсазорга қўйишни айтди. Бужуда ғалати эди. Мен: “Нима учун Муқаддас Руҳ менга машинани йўлдан майсазорга қўчиришимни айтяпти?” - деб ўйладим. Ҳеч нимани тушунмас эдим. Лекин яхшигина

таъсирландим! Шунинг учун Дрендага нима қилишимни айтдим ва бориб, машинани шохобча йўлдан майсазорга кўчирдим. Якшанба куни кечқурун уйга қайтгунимизгача, бу воқеа эсимга ҳам келмаган эди. Машина турган жойда энди катта чинор ётар эди, чинор илгари машина турган, худди ўша жойда йўлнинг нариги томонига қулаган эди. Энди эса дарахт машинага тегмаганлиги учун машина майсазор устида бут-бутун турар эди. Агар у эски жойида турганида эди, чинор уни шунчаки йўқ қилган бўлар эди.

Албатта, биз Дренда билан пулни қандай идора қилиш керак

эмаслигини кўрсатамиз. Аммо бизга керак бўлган нарсалар бу бир нечта махфий стратегиялар ва баъзияшириндоноликлардир, токи биз вазиятларимиздан устун бўлайлик. Мен ҳозир кулиб қўяман, чунки бутун дунё бўйлаб томоша қилинадиган бизнинг ойнаижаҳондаги дастуримиз “Молиявий масаланинг ечими” деб аталади!

Дўстим, сизнинг бугунги тақдирингиз мана шундай.

*“Заифликдан куч-қудратга кирар, жангда бақувват бўлар,
бегоналарнинг қўшинларини қувиб юборар эдилар” (Ибр.
11:34б).*

Сиз жавобни билганингизда, қийин ва мушкул вазият тўхтайди!

9-БОБ.

СОКИН, ХОТИРЖАМ ОВОЗ

Мен Муқаддас Рухнинг овози ҳақида ўргатишни бошлаганимда, кўпчилик менга Худонинг овозини ҳеч қачон эшитмаганини айтишади. Лекин мен уларга ҳар доим: “Йўқ, эшитгансизлар!” – дейман. Агар сиз ҳам кўпчилик каби Худонинг овозини ҳеч қачон эшитмаганингизни ҳис қилсангиз, биринчи Шоҳликлар китобига мурожаат қилинг:

У деди: — Чиқ ва тоғда Раббий юзи олдида тургин. Мана, Раббий ўтиб кетади ва Раббийнинг олдидан қояларни парчалайдиган ва тоғларни ёрадиган кучли ва қаттиқ шамол бўлади, бироқ Раббий шамолда эмас. Шамолдан кейин зилзила бошланади, бироқ Раббий зилзилада ҳам эмас. Зилзиладан кейин олов ёнади, бироқ Раббий оловда ҳам эмас; оловдан кейин майин шабада эсади.

– 3-Шоҳликлар 19:11-12

Гарчи мен Муқаддас Рухнинг овозини турли даражадаги шиддат билан эшитган бўлсамда, Муқаддас Рухнинг одатий овози – майин шивирдир. Бу сокин, хотиржам овоз. Ушбу китобда аввал айтганимдек, Худонинг овози одатда ўзгача тусдаги фикрдек жаранглайди. Оломон орасида ўз фарзандингизнинг овозини аниқлай олганингиз каби, Муқаддас Рух гапирганида, Унинг овозини таниш учун Муқаддас Рухни етарлича яхши даражада таний оласиз.

Лекин мен бу бобда у ҳақда ҳеч ким ўйламаган, лекин уни ҳамма эшитган, Худонинг овози ҳақида сиз билан гаплашмоқчиман.

Орал Робертс Университети қошидаги коллежда ўқиганимда, мутахассислигим Эски Аҳд бўйича бўлгани учун илоҳиёт бўйича бир нечта дарслар тўпламини тингладим. У ерда илгари мен ҳеч қачон ўқиб-ўрганмаган кўпгина маълумотлар бор эди. Аслида, мен унинг кўп қисмини илгари ҳеч қачон ўрганмаганман. Ўрта мактабда ўқиганимда дарсларни қолдирганим туфайли менда ўқиш одати йўқлигини ҳисобга олиб, асосан якуний имтиҳонлар ҳафталигида ортада қолмасликка уриниб, яхшигина зўриқдим. Ушбу махсус фанда мен Эски Аҳднинг бирорта мавзуси бўйича курс ишини ёзишим керак эди, ҳозир қандай мавзу эканини эслолмайман. Лекин курс ишини ёзиш мени кўрқитарди. Дарҳақиқат, коллежнинг биринчи босқичида мен ўзимнинг биринчи ёзма ишимни ёзганман ва уни қайтариб олганимда, сарлавҳа саҳифасида қизил сиёҳ билан катта қилиб ёзилган икки баҳо манаман деб турарди, унинг остида эса: “Сиз мактабга борганмисиз ўзи” – деган сўзлар турарди. Менинг инглиз тилим ва имлоим шу қадар даҳшатли эдики, ўқитувчим университетга ўқишга қандай кирганимга ҳайрон эди. Биринчи йилнинг ўзидаёқ ҳайдалмаслик учун инглиз тили билан қўшимча шуғулланишга мажбур бўлдим.

Энди имтиҳон ҳафталиги арафасида яна бир ёзма ишни ёзишим керак эди. Ё Худо, мен бу лойиҳадан қанчалар кўрқар эдим. Ҳеч ким менга ёзма ишни қандай ёзишни ўргатмаган, шу сабабли одатда мен уни ёзишга ўтирганимда, мен шунчаки маълумотни топиб, ҳеч ким ёзма ишимнинг асосий қисмини турли манбалардан кўчирган деб айтмаслиги учун бироз тузатишлар киритиб, сўзларни кўчириб олардим. Менинг виждоним тоза эди, чунки буни қандайдир нотўғри нарса деб ҳисобламас эдим ва ўқиганларимни ўз сўзларим билан қайта ёзардим, лекин гап шундаки, мен чиндан ҳам ёзишни билмас эдим.

Бу сафар вақтим йўқ эди. Ётоқхонадаги хонадош дўстимнинг дарси меники билан бир хил бўлиб, фақат у куннинг бошқа вақтида эди. Синфдаги ҳамма бир хил мавзуда ёзиши керак эди, шунинг учун мен дўстимдан ёзма ишининг тузилишини кўрсатишини сўрадим.

Шундай қилиб, у менга ёзма ишини берганида, мен нима учундир ёзма ишни у каби яхши ёза олмайман деб ўйлаб, ёзма ишдан нусха олишга қарор қилдим. Биламан, биламан, сиз ҳайратдасиз. Ўша вақтда мен унчалик етук масиҳий бўлмаганимни унутманг. Албатта, мен ҳаммасидан нусха олмадим, лекин тахминан ярмини тўғридан-тўғри ёзма ишимга кўчириб олдим. Имтиҳон ҳафталиги якунида ёзма ишимни ўз профессоримга топшириб, бошқа ёзишим шарт эмаслигидан енгил тортдим. Аммо кейин бир нарса юз берди, бу менга Худонинг овозини тинглашда қимматбаҳо сабоқ берди.

Ўша кечаси уйқуга ётганимда, ухлай олмадим. Виждоним шу қадар баланд овозда гапирганидан ухлай олмадим. Нотўғри йўл тутганимни, ўғирлаб, кейин ёлғон гапирганимни тушундим. Шу билан бирга мен ўз дўстимга нисбатан беҳурматлик қилиб, уни таҳқирладим. Ўзимни ярамас одамдек ҳис қилдим! Тунги соат учда дўстимнинг олдига бориб, уни уйғотдим ва унга нима қилганимни айтиб, ундан кечирим сўрадим. У уйқусираб менга қарадида: “Гари, жойинга бориб ёт” – деди. Кейин у бошқа томонга ўгирилиб, қайта уйқуга кетди.

Эртаси куни профессоримнинг олдига бориб, қилган ишимни тан олдим. Албатта, у ёзма иш учун менга икки баҳо қўйиши керак эди, лекин у жилмайиб, бу ҳаракатимни қадрлашини айтди. Кейин у мен унинг олдига келганим учун йил ҳисобидан фан бўйича менга барибир тўрт баҳо қўйишини айтди. Маҳкумлик овози тўхтаб, эркин ва хотиржам бўлганимда, шу қадар енгилликни ва ўзимни шунчалар яхши ҳис қилдим.

Мен сизга бир савол бераман: “Мен шундай ҳиссий азобни бошдан кечирганимда, менинг дўстим қандай қилиб бошқа ёнга афдарилиб, ухлаб қолиши мумкин? Нима учун у бундай азобларни бошдан кечирмади? Нега мен уйқусизликдан азият чекиб, бу қадар бахтсиз эдим?” Мен ухлашга уринганимда, ҳар сафар овоз менга гапирди. У мени қоралади – бу менинг виждоним эди! Виждоннинг таърифи шундай: яхшилик ва ёмонликни туғма ҳис-туйғу орқали билишдир. Бу сўз том маънода “ёрдамида билиш” ёки “ҳақида билимга эга бўлиш”ни англатади.

Шамга ўхшаб, унинг нури зулматни ҳайдаб чиқаради. У ҳар бир фикрингизни ва қачонлардир сиз қилган ҳар бир ҳаракатингизни аниқ қайд этади. Суд залидаги гувоҳ сифатида энг чуқур яширинган нарса ҳақида гувоҳлик беради. У сизга қандай тўғри йўл тутиш, нотўғри ҳаракатлардан қочишни айтади ва эслатади. Виждон бу ҳар бир инсон ичидаги Худонинг овозидир. Виждон ҳар бир эркак ва аёлни қилмиши учун жавоб беришга чақиради. Худди суд залида бўлганидек, виждон ҳам ҳар бир инсонни Худонинг қаршисида ҳисобот беришга чорлайди. Гувоҳ кўрсатма бериш учун чақирилганидек, бизнинг виждонимиз ҳам номимиздан гапиреди (ҳимоя қилади) ёки бизни ҳукм қилади (айблади).

Medical Xpress томонидан ўтказилган тадқиқот ушбу далилларни тасдиқлайди:

“Ҳозирда инсоният ривожланиши ҳақидаги назария устунлик қилмоқда, унга кўра инсон ўз ҳаётини “бўш ахлоқий ҳолат” билан бошлайди, лекин янги тадқиқотлар бу нуқтаи назарни рад этади. Тадқиқотчилар чақалоқлар олти ойлик бўлганларидаёқ ахлоқий мулоҳазаларини билдиришини аниқладилар ва улар аллақачон мияга “ўрнатилган” ахлоқ қоидалари билан туғилишимиз мумкин деб ҳисоблайдилар”.

Биз ҳақиқатдан эканлигимизни ана шундан билиб оламиз. Унда юрагимиз бизни ҳукм қилса ҳам, юрагимизни Худонинг олдида хотиржам қиламиз. Чунки Худо юрагимиздан каттароқдир, У ҳамма нарсани билади. Севганларим! Агарда юрагимиз бизни ҳукм қилмаса, Худога нисбатан дадил бўламиз. Шунинг учун Ундан нимаики сўрасак оламиз. Чунки биз Унинг амрларига риоя қилиб, Унинг ҳузурида Унга маъқул бўлган ишларни қилмоқдамиз.

– 1-Юҳанно 3:19-22

Виждон бу – ҳар бир эркак ва аёлдаги Худонинг овози,

Яратувчининг тамғаси ва Унинг биз учун яратилган ҳаёти билан яшаш талабидир. Ҳеч ким ўзининг виждонидан қочиб қутула олмайди. Илгари кимнидир ўлдириб ёки банкни ўмариб, жазосиз қолган одам, бирданига ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларга таслим бўлиши мени ҳайратга соларди. Аммо энди биламанки, инсонни айбдор деб ҳукм қилувчи виждон азобидан кучлироқ азоб йўқ! Павлус Коринфликларга иккинчи мактуби 1:12да виждон гувоҳлик беришини, унинг гапиришини айтади.

ВИЖДОН БУ – ҲАР БИР ЭРКАК ВА АЁЛДАГИ ХУДОНИНГ ОВОЗИ, ЯРАТУВЧИНИНГ ТАМҒАСИ ВА УНИНГ БИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАН ҲАЁТИ БИЛАН ЯШАШ ТАЛАБИДИР.

Бизнинг мақтовимиз – бу виждонимизнинг гувоҳлиги: биз бу дунёда, айниқса, сизларнинг орангизда инсоний донолик бўйича эмас, балки Худонинг инояти бўйича соддалик ҳамда Худога маъқул бўлган самимийлик билан ҳаёт кечирдик.

– 2-Коринфликларга 1:12

Сиз: “Виждон нимага асосланиб гапиради? Нима учун унинг гувоҳлиги руҳий судда кучга эга бўлиши керак?” – дейишингиз мумкин. Чунки бу Худонинг овозидир. Павлус яна Римликларга мактуб 2:14-15да виждон биз билан фаол гаплашишини тасдиқлайди.

Зеро Қонунга эга бўлмаган мажусийлар табиатан қонунли иш қилганларида, улар Қонунга эга бўлмай, ўз-ўзларига қонундирлар: улар ўз юракларида Қонун иши ёзилганини кўрсатмоқдалар, уларнинг виждони ҳамда бир-бирини гоҳ айбловчи, гоҳ оқловчи фикрлари бунга гувоҳдир.

– Римликларга 2:14-15

Ҳар бир инсоннинг виждони бор. Сиз бунга қўшилмаслигингиз мумкин. Сиз тошбағир кўринган одамларни билишингиз мумкин. Лекин кафолат бераманки, улар ҳар доим ҳам шундай бўлмаганлар. Агар инсон виждонининг овозига қаршилиқ кўрсатишда давом этаверса, бу овоз борган сари пасайиб бораверади.

“Бу алдовчиларнинг виждони гўё қизиган темир билан куйдирилган” (1-Тим. 4:2).

Павлус бу одамлар ўз виждонини тош қилганини ёки ўз виждонига қарши юрагини қотириб, виждонини ҳис қилишга ва эшитишга ўзини қобилиятсиз қилиб қўйганини айтади. Ўз терингиз ҳақида ўйланг. Агар сиз уни куйдириб қўйсангиз, янги тери ўсиб чиқиб, эски қотиб қолган тери кўчиб тушмагунча, у сезгирлигини йўқотади. Худди шу нарса бизнинг виждонимиз билан ҳам содир бўлади. Виждон сизни нимадир қилишга мажбурлай олмайди. У фақатгина гапиради. Лекин Павлус огоҳлантиради, агар сиз виждонингизни менсимасангиз, бу сизга катта кўнгилсизликларни келтириши мумкин ёки Павлус айтганидек, ҳаётингизни нобуд қилади.

Эй, ўғлим Тимотий, сен ҳақингда бўлган пайғамбарчиликларга мувофиқ сенга шундай буюраманки, сен уларга биноан яхши уруш услуби билан жанг қилгин ва имонни ҳамда яхши виждонни маҳкам тутгин. Баъзилар яхши виждонни инкор этиб, имон соҳасида кема ҳалокатига учрадилар.

– 1-Тимотийга 1:18-19

Асосан, виждонининг овозига дийдасини қотирадиган одамлар ўз ҳаётларини бошқариш қобилиятини йўқотадилар. Уларнинг компаси шикастланган ва энди ишламайди. Улар қайси томонга боришни аниқлай олмадилар. Павлус биз тўғри йўлдан ҳаракатланаётганимизга ишонч ҳосил қилиш учун тоза виждонга, пок виждонга эга бўлишимиз кераклигини айтади. Павлус, қонунга амал қилиш ва тўғри йўл тутишимиз муҳимлигини айтади, акс ҳолда

биз юракларимизни тош қилиб, яхшилик ва ёмонликни ҳис қилиш қобилиятимизни йўқотамиз.

*“Шунинг учун фақат қаҳрдан қўрққанликдангина эмас,
балки виждон юзасидан ҳам бўйсунмиш керак” (Рим. 13:5).*

Агар сиз қонунга бўйсунмасангиз, виждонингиз сизни ҳукм қилади. Шу боисдан Павлус виждон юмшоқ ва мулойим бўлиб, сизни хавфдан ҳимоя қилиб, Худо истагандек ҳаракат қила олиши учун қонунга итоат этиш ва тўғри нарсаларни қилиш кераклигини айтади.

Виждонга келсак, ҳаётимда бу қонидани кўрсатадиган яна бир аҳмоқона ҳаракатни эслайман. Бу воқеа мен чўпон бўлишимдан олдин содир бўлган. Бу ҳикояни эшитганингизда, нима учун Худо ўша вақтда мен чўпон бўлишимга рухсат бермаганини тушунасиш. Бу ҳикоя машиналаримнинг бири билан боғлиқ. Бу мен жудаям яхши кўрган Peugeot 505 машинаси эди. Бир куни светофорда қандайдир бир йигит орқамдан менга келиб урилди. Ҳодиса натижасида юкхона синган, ром букилган, бундан ташқари кузовнинг бошқа жойлари шикастланган эди. Менинг машинамга келиб урилган йигитнинг суғурта вакили машинани кўриб, баҳо бериш учун хўжалигимга келди.

У келганидан кейин нима бўлганини айтиб беришдан олдин, бу воқеадан бир неча ҳафта аввал шовқинни пасайтирувчи мосламам тушиб қолганини айтиб ўтишим керак.

Юкхонада бўлган очиқ томнинг узатмаси ҳам суғурта вакили даъво қоғозини расмийлаштириш учун келишидан бир неча ҳафта олдин ишламай қолган эди. У машинани текширишга киришиб, мендан машина ёнида ерда ётган (мен уни атайин кузга кўринарли жойга ташлаган эдим) шовқин пасайтирувчи мослама ҳам ҳодисага тегишлилигини сўради. Мен “Ҳа, жаноб” деб жавоб берганимда, айбдорликнинг нишини ҳис қилдим. У яна мендан унга айтганимдек ишламаётган том узатмаси ҳодисага тегишлилигини сўради. Мен яна: “Ҳа” – деб жавоб бердим.

Рухимда виждонимнинг қичқирганини эшитдим: “Гари, нима қиялсан? Сен ёлғон гапирясан!” Энди эса, ўзимни қандай алдаганимни эшитинг. Мен ҳозир ҳам бу овозга эътибор бермаслик ҳақида ўйлаганимни, ўзимга унинг жим бўлишини айтганимни эслайман. Бугун ўшанда бундай ўйлаганимга ишонгим келмайди. Хўш, ўшанда мен ҳали чўпон бўлмаганимга хурсандмисиз? Ишончим комилки, Худо хурсанд бўлган!

Нима бўлганда ҳам, машинани кузов корхонасига олиш кетишди ва тахминан бир ҳафта ўтиб, уни олиб кетиш учун боришим мумкинлигини қўнғироқ қилиб айтишди. Машинамни кузов корхонасида кўрганимдан бахтиёр эдим. У мукамал эди! Мен ҳаммасини таъмирлашганидан қувониб, уйга қайтдим. Тахминан бир ҳафта ўтгач, мен уйга кириб, Дренда ва болалар билан тушлик қилишга қарор қилдим. Фермерлик уйи молия ширкатим учун ижарага олган ишхонамдан бор-йўғи 2 мил узоқликда эди. Машинани уйнинг олд эшиги ёнидаги шохобча йўлга қўйиб, уйга бордим ва ажойиб тушлик қилдим.

Уйнинг асосий эшигидан чиқмоқчи бўлганимда, машинанинг жойида йўқлигини пайқадим. Мен саросимага тушдим. Машинам қаерга йўқолди? Мен афтрофга қараб чиқиб, сўнгра унга кўзим тушди. Бизнинг уйимиз тепаликнинг чўққисида эди ва мен машинани қўл тормозига қўйишни унутган бўлсам керак. Гарчи мен илгари ҳеч қачон унутмаган бўлсамда, бу сафар унутган бўлсам керак, чунки машина узун шохоб йўлакчадан орқага оғиб юриб кетиб, дарахтга урилган эди. Машинам олдига яқинлашганимда, ҳайратда қолдим. Юкхона синган эди, шикастланган жойлар таъмирлангунга қадар менга орқадан урилганда олинган шикастлар билан бир хил эди. Рама худди аввалгидек қайрилган, шовқин пәсайтиргич узилиб тушган эди, очиқ томнинг узатмаси ҳам ишламас эди. Машина ҳодисадан сўнг таъмирлаш устахонасига тушгунга қадар қандай бўлган бўлса, ҳаммаси айнан ўшандай эди.

Ўша ерда туриб, бирдан нима бўлганини тушундим ва кула бошладим. Худо менга бу ёш воизхон одамларни ортидан

эргаштиришидан аввал ўрганиши керак бўлган сабоқ берди. Мен машинани бошқа ҳеч қачон таъмирламадим. Бунинг ўрнига, уни қисмларга сотдим. Мен ҳаётимдаги яна виждоним мени тўхтатиш учун қаттиқ қичқирган фақат битта ҳолатни эслайман. Мен буни велосипед воқеаси деб атайман.

Бу сиз учун фойдали бўлади деб умид қиламан. Биламан, сиз мени бу қадар тубанлашиши мумкин деб ҳеч қачон ўйламагансиз, лекин адашасиз. Мен нажот топганимдан шунчаки хурсандман, чунки агар мен нажот топмаганимда, ҳаётим бутунлай бошқача бўлган бўларди деган ҳис бор.

Велосипед воқеаси, ҳозир сизга айтиб берган воқеадан сўнг бир неча йил ўтиб содир бўлган, яна мен, бу пайтда бутунлай янги жамоатимизда чўпонлик хизматини эндигина бошлаган эдим. Мен отамнинг олдида шанба кuni кундузи келдим ва кумуш рангли Dodge Caravan машинада отам яшаган икки қаторли асосий йўлга машина орқаси билан юриб чиқиб кетдим. Отамнинг уйи қия тепаликнинг этагида жойлашган бўлиб, у ўйнинг шохоб йўлакчасини икки томондан беркитиб турар эди. Нимадир сабаб бўлиб, тепалиқдан тушиб келаётган велосипедчини кўрмай қолдим. Мен секин юриб чиқдим, орқада эса ҳеч ким йўқ эди, лекин у қияликдан пастга қараб тезлашиб, мен машинани ҳаракатлантириш учун олдинги механизмига ўтказиб, ҳаракатланишни бошлаган вақтимда, у мени қувиб етиб олди.

Бу вақт давомида мен велосипедчи борлигини ҳам билмасдим, лекин тўсатдан микроавтобуснинг ён томонидан БУМ, БУМ, БУМ деган баланд овозни эшитдим. Мен орқа кўзгуга қараб, машина орқасида икки қўли билан беҳаё имо-ишоралар қилиш учун велосипед рулини отиб юборган ва баланд овозда сўкинаётган велосипедчини кўрдим. Бу йигитнинг ҳатти-ҳаракатидан ҳайратда қолиб, жуда ҳам ранжидим. У тепалиқдан тушаётиб, менинг орқа билан юраётганимни кўрганида, осонгина тормоз бериши мумкинлигини билар эдим. Шунингдек, мен агар у хоҳлаганида, мени тўлиқ тезлик билан шунчаки айланиб ўтиб кетиши мумкинлигини ҳам билардим. Лекин бунинг ўрнига у

менга ақл ўргатишга қарор қилди.

Мен унинг машина билан тенглаша оламан деб ўйлаганидан ниҳоятда ҳайратда эдим. Майли, бу ўзбилармон йигитга кимдир сабоқ бериб қўйиши керак деб қарор қилдим, шунинг учун тезликни пасайтириб, уни микроавтобусга яқинлашгунича кутиб турдим, кейин эса тормоз бердим. У машинамнинг орқа қисмига урилиб кетмасликка уринди ва тезда тормоз дастагидан тутиб олганини кузатиб, албатта, мен лаззат олдим. Бу унинг ғазабини қўзғатди ва мен умримда эшитмаган лаънатларни ёғдирди. У сўкинишда давом этарди.

Мен аста-секин йўл бўйлаб ҳаракатландим ва микроавтобусим йўлга қараб туриш учун шохобча йўлга орқача юриб бордим. У бурчак остида туриб, мен томонга педалини айлантираётган велосипедчини нишонга олди. У менинг кутиб турганимни кўриб, бирдан жим бўлди. Ўйлайманки, у велосипедда экани, машиналар эса велосипедлардан анча каттароқлиги ваниҳоят, унга етиб борди деб ўйладим. Ойнани тушириб, унинг машинамга яқин келишини кутдим. У менинг ёнимдан ўтиб кетаётганида эса, агар уни яна шу йўлда кўриб қолсам, уни босиб кетишимни айтиб бақирдим. Ўша пайтда чамаси 15 фут масофада тўғридан-тўғри унга қараб турган микроавтобусимни ҳаракатга келтирдим. Уни уриб юборишимга бир баҳя қолди ва машина велосипедни шарақлатиб кетганини сездим. Мен адолат қайсидир маънода қарор топганини ҳис қилардим. “Мен унга аниқ сабоқ бериб қўйдим” – деб ўйладим, лекин узоқ эмас.

Рухимдан Муқаддас Рухнинг жарангдор ва буйруқли овозда: “Гари, нима қиляпсан?” –деганини эшитдим. Бу сўзларни қоғозда ёза туриб, ўша пайтда улар мен учун қандай жаранглаганини ифодалай олмайман. Тўсатдан мен бу одамни ўлдириб қўйишим мумкинлигини тушундим. Мен орқа ойнадан қараб, унинг бошини эгган ҳолда жуда ҳам секин ҳаракатланаётганини кўрдим. У ё жароҳатлангандек, ёки тирик қолганидан ҳайратлангандек кўринарди. Ишончим комил эмас. Мен йўлда ҳаракатланишда давом этдим, лекин виждоним менга тинчлик бермади. Янги тандирдан чиққан чўпон сифатида нима бўлиши мумкинлигини тушундим. Мен рўзномаларда: “Имон

ҳаёти” жамоатининг чўпони ЙТХда велосипедчини уриб кетди” – деб ёзилганини кўришим мумкин эди. Муқаддас Руҳ менга айнан унга ўхшаган одамлар учун мана шу жамиятда жамоат очишга даъват қилганини эслатди. Мен ҳақиқатдан ҳам қилган ишимдан ҳайратда эдим ва кўзларимда ёш билан Раббийнинг қаршисида тавба қилдим.

Шундай экан, сиз аллақачон Худонинг овозини эшитганингизга қўшиласиз. Лекин сиз бу виждонни мулоийм ҳолда сақлаб, ҳар доим Худонинг овозини эшита олишингиз учун унинг қотиб қолишига йўл қўймаслик керак. Калом айтадики, Исроил ўғиллари Худого қарши юракларини тош қилиб, ваъда қилинган ерга кира олмадилар. Ибронийларга мактуб биз Янги Аҳдга ишонувчиларни улардан ўрнак олмаслик ҳақида огоҳлантиради.

Шунинг учун Муқаддас Руҳ айтганидек: “Бугун агар Унинг овозини эшитсангиз, саҳродаги васваса кунда Худонинг жиғига тегиш вақтида бўлганидек, юракларингизни тош қилманглар!”

– Ибронийларга 3:7-8

Бу огоҳлантирув учинчи ва тўртинчи бобларда камида уч марта такрорланади. Нима учун? Чунки Худо бизни дуо қилишни ва Исо тўлов қилган ҳамма нарсага эга бўлишимизни хоҳлайди.

Бағритошлик болалигимда менда бўлган тўпичоқ отни эслатади. У мен умримда кўрган энг инжиқ, шу билан бирга ақли ҳайвон эди.

Мен унга мина оладиган ёки айтган бўлардимки, унга минишга журъат эта оладиган ягона одам эдим. Эсимда, бир куни менинг олдимга отларни яхши кўришини

**ШУНИНГ УЧУН
МУҚАДДАС РУҲ
АЙТГАНИДЕК: “БУГУН
АГАР УНИНГ ОВОЗИНИ
ЭШИТСАНГИЗ,
САҲРОДАГИ ВАСВАСА
КУНИДА ХУДОНИНГ
ЖИҒИГА ТЕГИШ
ВАҚТИДА БЎЛГАНИДЕК,
ЮРАКЛАРИНГИЗНИ ТОШ
ҚИЛМАНГЛАР!”**

– ИБРОНИЙЛАРГА 3:7-8

ва исталган отни бошқара олишини даъво қилган дўстим келди. У Тонига минаман деб туриб олди (Тони – бу отнинг лақаби). Бир мунча вақт ўтгач, унга уриниб кўришига имкон беришимга кўндирди ва мен Тонини эгарладим. Боланинг исми Жеки эди, у эгарга ўтирганида нима бўлганини ҳеч қачон унутмайман. У зўрға Тонининг устига ўтириши билан улар жойидан ечилиб кетди. Тони тўппа-тўғри уйдан чамаси 50 ярд (45 метр) узоқликдаги ҳовузга елиб югуриб кетди. Жеки отни тўхтатиш учун бор кучи билан жиловни тортар, бақирар эди, лекин Тони унга эътибор бермас эди. Бунинг ўрнига у бор тезликда тўғридан-тўғри ҳовузга югурди, кейин бирдан сувнинг энг четида тўхтаб, бошини эгди. Албатта, Жеки тўпичоқ от устидан учиб, тўғри ҳовузга тушди. Тонининг ўзи эса, ортига қайрилиб, худди ҳеч нарса бўлмагандек, ўт ея бошлади.

Кўряпсизми, Тонига тез-тез жиловлар тортишганидан, энди улар унга зарар етказмас эди. Оғзи қотган, у бунга кўникиб қолгани учун, ортиқ эътибор бермас эди. Тони тўпичоқ от сифатида, мендан бошқа ҳеч кимга фойда келтирмас эди. Нега? Чунки, айтганимдек, ақлли эди. Мен унга овқат берар эдим. Отхонадан тоза ҳавога ва у ейишни яхши кўрадиган яшил ўтларга чиқишнинг ягона йўли унинг устига минишимга менга рухсат бериш эканини тушунар эди. Лекин мен уни кузатишим керак эди. У титраб, менинг эгарга ўтираётганимни кўриш учун бир томонга бошини эгарди. Мен бошимни бошқа томонга буришимни кутиб турарди. Шунда у бирдан орқага чўзилиб, оёғимдан чимдиларди. Сизга айтаман, бу оғриқли эди, шу сабабли мен доим шай бўлиб турардим. Лекин фойдага келсак, у фойда келтирмас эди.

Агар биз юрагимиз тош бўлишига йўл қўйсак, Тони сингари биз ҳам Худо учун фойдасиз бўламиз. Бир куни биз Тонини кўчага занжирга боғлаб қўйдик. Отам Тони учун челақда сув қўйди. У кетиш учун ортага ўгирилганида, Тони унга чўзилиб, орқасидан тишлаб олди. Нима ҳам дейиш мумкин, отам нажот топмаган эди, унинг жаҳли тез эди. Челақ сув ёнида бир қоғозхалта туз бор эди, отам тузни олиб, бор кучи билан тўпичоқ отга улоқтирди. Лекин Тони омон қолди. Мен Тонига ишонган эдимми? Ҳеч қачон!

Одамларнинг ҳаётида ҳам шундай содир бўлади. Улар шунчаки бўйсунмасдан, бу сафар виждонимизга қарши борамиз деб ўйлашади. Лекин улар ҳар сафар шундай қилганларида, уларда чандиқли тўқима пайдо бўлишини тушунишмайди. Бир куни улар худди Тонига ўхшаб қоладилар ва агар Худого итоат қилмасликка ёки Унинг айтганини қилмасликка қарор қилсалар, оғриқни ҳам, виждон азобини ҳам ҳис қилмайдилар. Бундан ҳимояланиш воситаси – виждонингизга қарши борганингизни англаганингиз заҳоти тезда тавба қилишдир.

Подшоҳ Довуд Батшеба билан гуноҳ қилгандан сўнг эллигинчи санони ёзган. Бу тавба саносидир.

Ё, Худо, меҳрибонлик бўйича менга шафқат қилгин ва Сенинг буюк раҳм-шафқатинг бўйича қонунбузарликларимни ўчириб юборгин. Мени бетавфиқлигимдан кўп марта ювгин ва гуноҳимдан поклагин. Чунки мен қонунбузарликларимни тан оламан ва гуноҳим доимо менинг қаршимдадир. Мен Сенга, фақат Сенга қарши гуноҳ қилдим ва Сенинг кўз олдинда ёвузлик қилдим. Шунинг учун Сен Ўз сўзингда ҳақсан ва Ўз ҳукмингда поксан. Мана, мен бетавфиқликда ҳомила бўлганман ва мени онам гуноҳда туққан. Мана, Сен юракдаги ҳақиқатни севдинг ва менинг ичимга доноликни маълум қилдинг. Мени ҳиссоп билан тозаллагин ва мен пок бўламан, мени ювгин ва мен қордан ҳам оппоқ бўламан. Менга қувонч ва шодликни эшиттиргин, токи Сен шикастлаган суюкларим қувонсинлар. Менинг гуноҳларимдан юзингни яширгин ва бетавфиқликларимнинг барчасини ўчириб юборгин. Ё, Худо, менда тоза юрак яратгин ва менинг ичимда тўғри руҳни янгилагин. Мени юзинг олдидан рад қилма ва мендан Ўз Муқаддас Руҳингни тортиб олмагин. Менга нажотингнинг қувончини қайтаргин ва ҳукмрон Руҳинг билан мени мустаҳкамлагин.

– Санолар 50:2-14

Зеро Сен қурбонликни истамайсан, мен уни берган бўлар эдим; тамоман ёндириш қурбонлигини хуш кўрмайсан. Худога қурбонлик – синиқ руҳдир. Ё, Худо, синиқ ва эзилган юракни Сен рад қилмайсан.

– Санолар 50:18-19

Довуд Худо унда тоза юрак, синиқ руҳ ва тавба қилган юрак яратишини сўраб, Унга ёлвормоқда. Аслида, Довуд яна ҳис қила оладиган юракка эга бўлишни хоҳлаётганини айтмоқда. Лекин Довуд ўз виждонига қулоқ солганида эди, у ҳеч қачон оғир аҳволга тушиб қолмаган бўлар эди. Шундай экан, ёдда тутинг, агар сиз виждонингизга гап қайтарсангиз, юрагингизни тошга айлантирасиз ва Худони умуман эшитмай қолгунингизча, буни кейинги сафар, кейинги сафар, кейинги сафар ҳам қилиш сиз учун осон бўлиб қолади.

Виждон – бу фақатгина Худони эшитиш йўлларида биридир. Албатта, Муқаддас Руҳ бизга насиҳат ва кўрсатмалар бериб, биз билан тўғридан-тўғри гаплашади. Мен юқорида айтганимдек, Муқаддас Руҳ мени баланд ва ҳокимиятли овозда, шунингдек, сокин ва хотиржам овозда тўғрилаганини эшитганман. Шунингдек, мен Унинг туш ва ваҳийлар орқали гапирганини ҳам эшитганман, бу ҳақда кейинги бобда сўзлаб бераман. Бу бобда эса, биз агар Худони эшитмоқчи бўлсак, виждонимизни айбловлардан тоза тутишимиз, тезда тавба қилиб, эшита олишимиз учун уни юмшоқ ва мулойим сақлашимиз кераклигини билиб олдик!

10-БОБ.

ВАҲИЙЛАР ВА ТУШЛАР

Мен бирдан тўшакка ўтириб, Дрендага дедим:

– Сен қиз болага ҳомиладорсан!

Беш нафар фарзандларимиздан фақат бир мартасида Худо бизга жинсини айтган. Бу бизнинг тўртинчи фарзандимиз Полли эди. Ўйлашимча, бу биз уни сақлаб қола олишимиз учун қилинган, чунки бизнинг оиламиз Дренда олти ойлик ҳомиладор бўлганида автоҳалокатга учраган эди. Икки чизиқли йўл бўйлаб соатига 55 мил (90 километр) тезликда келаётган йигит тўғри бизнинг олдимизда бирдан тормоз босди. Тўхташга вақт йўқ эди ва биз унинг машинасига урилдик. Ҳеч ким жиддий жароҳатланмади, лекин биз ҳаммамиз шифохонага бордик. Ҳомиладор Дренда унинг қорнига урилган ҳимоя камаридан ғурра орттириб олди. У Полли учун қайғурди. Қолаверса, Худо бизга Полли ҳақида гапирганлиги учун ўзимизни хотиржам ҳис қилдик ва Полли билан ҳаммаси жойида эканини билар эдик, шундай ҳам бўлди.

Полли ҳақида гапирганда, у аллақачон турмушга чиқиб, биринчи фарзандига ҳомиладор бўлганини эслайман. Биз Дренда билан хизмат сафари юзасидан бошқа давлатга кетишимиз керак эди. Афсуски, Поллининг кўз ёриш муддати хизмат сафаримизнинг нақ ўрталарига тўғри келди. Албатта, агар хотинимни билсангиз, Дренда қизининг туғруғини ўтказиб юбориш нияти йўқ эди. Шунинг учун биз сафарни бекор қилиш ҳақида ўйладик. Мен бу ҳақида бир мунча вақт ибодатда бўлдим ва Муқаддас Руҳ менга туғруқ санаси нотўғри белгиланганини, бола биз қайтганимиздан сўнг кейинги

кун туғилишини айтди. Мен Дрендага Раббий менга сана ҳақида нима деганини айтдим ва биз сафарга жўнаб кетдик. Биз уйга қайтганимизда, Раббий айтган худди ўша куни Поллинг туғруғи бошланди. Бизнинг навбатдаги набирамиз Айвори аниқ муддатда туғилди.

Бу Муқаддас Рух ҳаётини муаммолар ҳақида бизга қандай гапирганининг, шу билан бирга Муқаддас Рухнинг ўз руҳимиздан чиқадиган сўзларининг мисолларидир. Бироқ Муқаддас Рух бизга гапиришининг бошқа усуллари ҳам бор ва биз улар ҳақида билишимиз зарур.

Шундан сўнг Ўз Рухимни ҳар бир танага қуяман ва сизнинг ўғил-қизларингиз башорат қиладилар, кексаларингиз тушлар кўрадилар ва ёшларингиз ваҳийлар кўрадилар. Шунингдек, ўша кунларда қулларнинг ва чўриларнинг ҳам устига Ўз Рухимни қуяман.

– Йозл 2:28-29

Йозл пайғамбар Худо Муқаддас Рухни бутун одамзодга қуядиган кун келишини айтган. Биз ҳозир мана шу кунда яшамоқдамиз. Муқаддас Рух Элликлик кунда тепада кутганларнинг устига тушди. Оломон тепада бўлганларнинг барчаси номаълум тилларда гапириб, Худони шарафлаётганини кўрди ва уларни маст деб ўйлаб: “Бу нима?” – деб сўради. Петъор оломонга мурожаат қилиш учун ўрнидан турди.

Аммо Петъор ўн бир ҳаворий билан бирга ўрнидан туриб, овозини баланд қилиб, уларга хитоб қилди: – Яҳудия эркаклари ва барча Йерусалимда яшовчилар. Сўзларимга қулоқ солинглар ва бу сизларга маълум бўлсин:

Бу одамлар сиз ўйлаганингиздек маст эмаслар, чунки ҳозир куннинг учинчи соатидир!

Лекин бу – Йозл пайғамбарнинг олдиндан айтганидир:

“Мана, охирги кунларда шундай бўлади, – дейди Худо, – Мен Ўз Рухимни ҳар бир вужуднинг устига ёғдираман. Сизларнинг ўғилларингиз ва сизларнинг қизларингиз башорат қиладилар, сизларнинг йигитларингиз ваҳий кўрадилар, сизларнинг мўйсафидларингиз туш кўрадилар.

Ўша кунларда Мен Ўз Рухимни қулу чўриларим устига ёғдираман ва улар башорат қиладилар.

– Ҳаворийлар 2:14-18

Тушлар ва ваҳийлар – бу Муқаддас Рухнинг биз билан гаплашишининг жуда катта қисмини ташкил этади. Нима учун Муқаддас Рух баъзан сокин ва хотиржам овозда, баъзан эса, тушларда гапиришини билмайман. Жавобнинг бир қисми бизнинг ғоят бандлигимизда деб ўйлайман. Биз жим бўлганимизда, У бизнинг эътиборимизни жалб қилиши мумкин. Балки биз саросимада бўлганимиз ёки шароит шундайлиги учун, бу сокин ва хотиржам овозни эшитиш қийин бўлади. Муқаддас Рух биз хабарни тушунганимизга ишонч ҳосил қилишни хоҳлайди. Ахир юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзалдир. Қандай сабаб бўлишидан қатъий назар, мен тушлар ва ваҳийлар учун Худодан миннатдорман. Тушлар ва ваҳийлар бир-бирига ўхшайди. Иккаласи ҳам биз кўрадиган тасвирдир, биргина фарқи шундаки, биз ваҳийларни ўйғоқ бўлганимизда кўрамиз, тушлар эса, ухлаганимизда кўрадиган тасвирдир.

Ваҳийларга келсак, менда очиқ ваҳийлар, яъни, ҳушёр бўлиб, уларни худди ўнгида бўлаётгандек кўрадиган ваҳийлар деб айтишим мумкин бўлган бир нечта ваҳий бўлган. Энг аҳамиятли ваҳий 19 ёшимда воизлик қилишга даъват этилганимда бўлган. Бундан тахминан бир ой олдин Муқаддас Рухга чўмган эдим. Албатта, буларнинг ҳаммаси мен учун янгилик эди, чунки мен қатнаган жамоатда Муқаддас Рух ҳақида унчалик таълим берилмас эди.

Лекин бу менинг туғилган куним эди ва мени дўстларим билан ажойиб кечки овқатга таклиф қилишди. Биз стол атрофида ўтириб,

овқат учун миннатдорчилик билдирдик ва мен тўсатдан Муқаддас Рухнинг менга қандай кучли тушганини ҳис қилдим. Ҳали мен бу ишларда янги эдим, лекин мен Муқаддас Рухга чўмиш орқали Муқаддас Рух сизнинг устингизга қандай тушишини билар эдим. Ўша онда мен нима қилиш кераклигини билмасдим, шу сабабли столдан чиқишга рухсат сўраб, тоза ҳавога чиқдим, чунки ташқарига чиқиш эшиги менинг орақамда эди.

Кўчага чиққанимда, Худонинг ҳузури янада кучайди ва мен очиқ ваҳий кўрдим, яъни, мен ҳақиқатан ҳам бу нарсаларни худди бугун қандайдир бор бўлган нарсага қарагандек кўрдим. Мен кичик минбар ортида туриб, залдаги одамлар билан гаплашаётганимни кўрдим. Бинода чамаси 35-40 киши бўлиб, ҳаммаси йиғиладиган стулларда ўтиришар эди. Мен ҳозир тун эканини тушундим, чунки деразадан ташқари бутунлай қоронғу экани кўриниб турарди. Шунда бир овоз келиб: “Мен сени Каломимни воизлик қилишга даъват этаман” – деди. Бу уч мартаба такрорланиб, сўнгра тасвир кўздан ғойиб бўлди ҳамда мойланиш йўқолди. Уйга қайтганимда, дўстларим мендан нима бўлганини сўрашди ва мен: “Мен ҳозиргина воизлик қилиш учун даъватга эга бўлдим деб ўйлайман!” – дедим.

Ўша кўни кечқурун уйга қайтиб, отамга бўлган воқеа ҳақида айтиб берганимни эслайман. У воизхонлар унчалик яхши пул топиша олмаслигини айтди. Унинг айтган гапи шу бўлди холос. Ўша вақтда у масиҳий эмас эди, лекин Худога шараф, у 80 ёшида юрагини Исога берди ва ҳозир самоларда яшайди.

Бу ҳолатда мен Муқаддас Рух, менга очиқ ваҳийда гапирганига ишонаман, чунки биринчидан, мен ёш эдим. У Унга хизматим учун оиламда қувғинларга дуч келишимни ва бу лангар менга келажак йўлим учун кераклигини билар эди. Ҳақиқатан ҳам, бу ваҳий йиллар давомида менга намоён бўлишда давом этмоқда.

Менинг яна бир очиқ ваҳийим биз яшаган эски фермерлик уйимизда содир бўлган эди. Биз бу эски, вайрона уйда қарийб тўққиз йил яшадик, ўша пайтларнинг кўп қисмини қашшоқликда ўтказдик. Аммо биз Худонинг Шоҳлиги қандай ҳаракат қилишини ўргана

бошлаганимиздан сўнг, гуллаб-яшнай бошладик ва қарзлардан буткул қутулдик.

Айнан ўша вақтда Худо мени воизлик қилишга даъват этганида, 19 ёшимда кўрган ўша ваҳийни амалга оширди. Айнан ўша вақтда, воизлик қилишга даъват этилганимдан сўнг 21 йил ўтгач, Худо менга жамоат очишимни айтди. Бу вақтгача мен коллежни ўқиб тугатиб, 21 йил давомида молия соҳасида ишлаганман. Сўнг 40 ёшга кирганимда, Худо менга ҳаракат қилиб, ўз жамоатимни очишни бошлашимни айтди.

Биз масиҳийча радио-эшиттирув биносининг ертўласида жамоат очдик, биз у ерда йиғилган биринчи кечада ҳаммаси Худо менга 21 йил олдин юборган ваҳий билан мос эди. Ўша биринчи хизматда йиғма стулларда ўтирган ўша одамларни, куннинг вақти бўйича ўша қора деразаларни кўрдим. Мен ўша кичкина минбарни кўрдим.

Биз Дренда билан ўз жамоатимизни очдик ва Худонинг Шоҳлигидан шу қадар руҳланганимиздан, қаерда яшашимизнинг бизга умуман фарқи йўқ эди. Биз барибир охирида фермерлик уйимизни тарк этишимизни билар эдик, чунки энди бизнинг фарзандларимиз беш нафар бўлиб, бизга жой торлик қилар эди. Бироқ биз гуллаб-яшнаётган бизнесимиз ва жамоатимиз билан шунчалик банд бўлганимиздан, барибир бахтли эдик.

Лекин бир куни жамоатдан уйга қайтганимдан сўнг, меҳмонхонага кириб, диванга ўтирдим. Ўтирар эканман, атрофимдаги хона тўсатдан ғойиб бўлди ва мен ҳозир ўтирган хонани кўрдим, лекин энди бирорта ҳам уй жиҳозлари йўқ эди. Мен ҳозиргина кириб келган эшик ошхона томонга очилар эди, мен ўтирган диван эса, шу эшикнинг рўпарасида эди. Меҳмонхонадаги жойимдан ошхонани кўрдим. Нафақат меҳмонхона, балки ошхона ҳам бўм-бўш эди. Ваҳий бор-йўғи беш сония давом этди ва мен уни кузатиб, бу уйни тарк этиш вақти келганини тушундим. Ваҳий тугганида, мен дарҳол Дрендага нима содир бўлгани ҳақида сўзлаб бериб, кетиш вақти келганини айтдим.

Мен яна бир бора бу вазиятда ваҳий Худонинг режасини етказиш, унга аниқлик киритиш учун ишлатилганига ишонаман. Биз банд бўлиб, кейинроққа қолдириш жуда ҳам осон эди. Лекин ваҳийда шошилинч эҳтиёжнинг борлиги сезилиб турар эди: “Кетиш вақти келди!!!” Биз бу шошилинч нимада эканини фақат кейинроқ билдик. Биз бу фермерлик уйини тўққиз йил давомида ижарага олдик ва у ерда узоқ вақтдан бүён режалаштирилган уй-жой қурилиши бошланганида кетишимиз кераклигини билар эдик, лекин бу аниқ қачон бўлишини ҳеч ким билмас эди.

Қисқа қилиб айтганда, Худо бизни ўзимиз янги уй қурган ажойиб ерга бошқарди. Бунинг учун вақтимиз борлиги сабабли, бир-икки йил вақт олишини ҳисоблаб, секин қуришни режалаштирдик. Лекин биз янги уйимизда тахминан ярим йил ишлаганимиздан сўнг, бизга уй эгаси қўнғироқ қилиб, кичик фермерлик уйимиздан бир ойдан сўнг кўчиб кетишимиз кераклигини айтди. Биз унга янги уй қураётганимизни айтиб, муддатни икки-уч ойга узайтиришини сўрадик, у ортиқ ҳеч қандай кечиктирилишларсиз рози бўлди.

Шундай қилиб, биз фаоллашиб, берилган муҳлат даври охирида янги уйга кўчиб ўтишга муваффақ бўлдик. Агар Худо ўшанда бизга кўчиб ўтишни айтмаганида эди, бу вақт мобайнида биз бир неча маротаба кўчишимизга тўғри келган бўлар ва биз жуда банд бўлганимиз сабабли бу муаммоли бўлар эди.

Шубҳасиз, мен бу китобнинг аввалида сўзлаб берган, ҳаётимни ўзгартирган ҳодиса бўлмиш, мовий порлаш ҳақидаги воқеа ҳам очиқ ваҳий бўлган. Бу келажагимнинг тасвирини кўрмаганлигим жиҳатидан бироз бошқача бўлган, лекин мен мовий нурда ўтириб, мени халқларга боришга даъват этган Муқаддас Рухнинг сўзини аниқ эшитгандим.

Менда яна бир нечта очиқ ваҳийлар бўлганига ишончим комил, лекин тушлар анча кўпроқ бўлгандек туюлди. Мен Олмонияга бормоқчи бўлганимда, сафардан тахминан бир ҳафта олдин бўлажак сафар тўғрисида туш кўрдим. Ўша пайтда ҳаётимда ҳозиргидек

саёҳат қилмаганман, ўша кунда Худо менга гапирмагунича, хусусан саёҳатга ҳеч қачон қизиқишим бўлмаган.

Аммо кетишимдан бир ҳафта олдин туш кўрдим. Тушимда мен шифокор хонасининг текширув столида ётган эдим, хонага ҳамшира кириб келиб, қон олиши кераклигини айтди. У қўлимни ушлаб, таҳлил учун ўртанча бармоғимни танлади, бу менга ғалати кўринди. Лекин сиз тушларда бунинг қандай бўлишини биласиз, сиз шунчаки биладиган нарсалар бўлади.

Мен бу тушимда сайёрани тарк этишимдан олдин, қон олиш учун ҳар бир бармоғим тешилишини билар эдим. Бу менга таъсир қилди, чунки Муқаддас Калом мактабида менга жамоатнинг беш хизматини эслатиб туриш учун қўлдан фойдаланиш мумкинлиги ўргатилган: бош бармоқ – ҳаворий, кўрсатгич бармоқ – пайғамбар, ўрта бармоқ – хушхабарчи, номсиз бармоқ – чўпон, жимжилоқ – чўпон билан бирга ишлайдиган ўқитувчи.

Шу сабабли ҳамширанинг менга айтган гапини тушундим. Мен ҳаётим давомида, ҳеч бўлмаганда унинг қайсидир фурсатида ушбу хизматларнинг ҳар бирида ишлашимни билар эдим. Албатта, мен чўпон ва ўқитувчиман, лекин шу билан бирга мен жамоат учун Худо Шоҳлиги ва молия соҳасида пайғамбарчилик сўзи ҳам етказаман. Мен Олмонияда бўлган вақтимда Исо мени айнан шунга даъват этган. Ҳамшира тушимда ўнг бармоғимга игна санчди ва мени Олмон халқига хушхабарчи сифатида Хушхабарнинг Эзгу хабарини етказишга юборишини тушундим. Мен фақат ҳозир ҳаётимнинг ҳаворийлик қисмига кириб, ҳаракат қилишни бошлаяпман.

Нима бўлганда ҳам, тушим давомида ўрта бармоғимга игна санчганидан сўнг, ҳамшира худди бола ибодат қилганидагидек, қўлларини қовуштириб, менга қараб: “Ибодат қил” – деб айтди. У бунини овоз чиқариб айтмади, балки гапириш мумкин бўлмаган жойдагидек, лабларини қимирлатди. Мен бу тушдан Олмонияга хушхабарчи сифатида юборишини ва бу сафар учун ибодат қилишим кераклигини тушундим.

Мен жуда кўп тушлар кўрганман, уларни бу ерда санаш ва тасвирлаш учун улар ниҳоятда кўп, лекин тушлар – Муқаддас Рухнинг овозидир. Мен деярли ҳар куни туш кўрадиган одамларни учратганман ва бу тушлар ниҳоятда “руҳий” тушлардир. Мен тушларнинг тушлардан фарқи бор деб ҳисоблайман ва баъзи одамлар ўзларини руҳий кўрсатмоқчи бўлиб, руҳий мағрурликда шишиб, Худодан бўлмаган нарсаларни кўришга йўл қўядилар. Лекин мен тез-тез туш кўрмайман. Менда Худодан эканини биладиган ва менга муҳим нарса ҳақида гапирадиган тушлар бир йилда тўрттадан ўн иккитагача бўлиши мумкин. Албатта, бу рақам кўтарилиши ёки камайиши мумкин. Менимча миқдор муҳим эмас. Сиз улардан нимани ўрганишингиз жуда муҳим.

Ҳаётимни тўбдан ўзгартирган муҳим тушни Худо менга, саккиз йил ишлаган молиявий ширкатимдан кетиб, одамларга қарзларидан қутулишга ёрдам берадиган шахсий ширкатимни очишимни айтганида кўрганман. Бу туш албатта, муҳим бўлган.

Бундан ташқари огоҳлантирувчи тушлар ҳам мавжуд. Мен огоҳлантирувчи бўлган жуда ғалати бир тушни эслашим мумкин. Бу тушни хизматда пуллар билан муаммо бўлган ва биз молиявий босимни ҳис қилган пайтда кўрганман. Тушимда мен ўз тўшагимда ётиб, уйқуга кетмоқчи эдим. Ётоқхонанинг эшиги очиқ эди ва мен (тушимда) йўлакда енгил шовқин овозини эшитиб, эшик томонга қарадим. У ерда бўйи тахминан уч ярим фут келадиган кичкина жиннинг пул тўла матоли қопни судраб кетаётганини кўрдим. У Санта-Клауснинг қопига ўхшар эди. Қоп жиннинг орқасидан ерда судралиб борар ва лиқ тўла эди. У уйдан чиқиш томонга юрмади. Мен унинг бурчакдан қайрилиб, уйимизнинг учинчи қаватига кўтарилганини эшитдим. Мен уйғониб, бу туш ҳақида ўйлай бошлаганимда, Раббий менга пуллар ўғирланган ёки йўқолганини кўрсатаётганини тушундим.

Қизиғи шундаки, мен тушимда бу қопдаги пулларнинг миқдори ҳақида тасаввурга эга эдим. У ерда тахминан 25000 доллар бордек туюлганини эслайман. Шунингдек, жин уйдан чиқмай, шунчаки пулни

юқорига олиб чиққан экан, демак, пулни ўғирлаган ёки белгиланган мақсадда ишлатмаган киши ёки одамлар уйнинг бир қисми деб, уйни эса хизмат деб тушундим. Шундай қилиб, эртаси кун биринчи қилган ишим жамоатнинг бош оқсоқолига қўнғироқ қилиб, ундан молия бўлимидаги ҳисобот китобларимизни кўздан кечиришини сўраш бўлди. Текширув давомида биз ҳисобга киритилмаган жуда кўп кераксиз харажатларни аниқладик. Ушбу ўртача ойлик харажатларни жамлаганимизда, улар ойига 25 000 долларни ташкил этди. Аниқлашимизча, аслида ҳеч ким ўғирламаган, балки бепарволик туфайли пуллар беҳуда сарфланган эди. Аслида пулларни ажратиш учун нимададир тежаш мумкин эди. Ўша мавсумда бу пуллар бизга зарур эди, чунки вазият ниҳоятда таранг эди.

Шунингдек, Худо сизга стратегия бериш учун тушлардан фойдаланиши мумкин. Ўтган 2018-йилда мен жуда оддий туш кўрдим, унда мен фақат: “Кемаларни чақиринг” – деган сўзларни эшитдим. Мен бунни ёзиб қўйдим, лекин бунинг нима эканини ҳеч ҳам тушуна олмадим. Мен бу ҳақда Раббийдан сўрашни давом этдим ва Дрендадан бошқа ҳеч кимга бу ҳақида айтмадим. Январь ойида бўлиб ўтган эркаклар йиғинида йил давомидаги вазифаларни баён этдим. Улардан бири мен бир неча йиллардан бери ўйлаб келаётган миллий даражадаги кичик гуруҳларни ташкиллаштириш режаси эди, лекин мен бу йил уни амалга ошириш кераклигини ҳис қилдим. Учрашувдан сўнг, йигитлардан бири келиб, менга айтишга шайланган гапидан ўзини аҳмоқона ҳис қилаётганини айтди, лекин охирида у: “Раббий айтдики, сиз Троялик Елена каби экансиз” – деди. Мен унинг нима ҳақида гапираётганини билмасдим, шунинг учун у нимани назарда тутаетганини менга тушунтира бошлади. Мен ундан шахсан менга айтган гапларини

**ШУНИНГДЕК, ХУДО
СИЗГА СТРАТЕГИЯ
БЕРИШ УЧУН
ТУШЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШИ
МУМКИН.**

мактубда ёзиб жўнатишини сўрадим. Мана унинг мактуби.

Спарта қироли Менелай хотини Еленани троянликлардан қутқариш учун мингта кема юборишни буюрди. “Мингта кемани сувга туширган киши” – Троялик Еленага тегишли бўлган таниқли нутқ арбоби эди.

2019-йил 30-январь, чоршанба куну чўпон, Алектсдаги эркаклар йиғинида сўзга чиққанида, Раббий қирол адашганларни, имонини йўқотганларни, оила ва пулларини йўқотганларни қутқариш учун мингта кемани юборган пайтда унинг Троялик Еленага ўхшабини айтди.

Раббийнинг хизматидаги,

Ҳорун

Бир кундан сўнг, у менга яна бир мактуб юборди.

Чўпон.

Мен Троялик Еленага ҳарбий дунёқарашни бермоқчиман. Кўпчилик одамлар учун бу ҳикоя ўзининг йўқолган хотинини трояликлардан қутқариш учун мингта кема юборган қирол ҳақидадир. Лекин ҳарбий дунёқарашли одам учун бу “Троялик Елена” Ҳарбий Ҳаракати” номини олган жанговар саф тортишдир. Ҳар бир жанговар жойлашувга ҳарбий ҳаракат номи берилади. Мисол учун, “Денгиз мушукчалари-6” жамоаси томонидан Усама бен Ладеннинг қароргоҳини қўлга олиш ҳарбий ҳаракати “Нептун найзаси” деб номланган. Мен “Олға, Майк”, “Элвис Маршалл” ва “Санта-Клаус” каби номи ранг-баранг бўлган ҳарбий ҳаракатларда қатнашганман.

Жанговар ҳаракатларга уларни осон аниқлаш учун ҳамда

уни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлганлар ҳарбий ҳаракатнинг турини аниқлаш учун ҳарбий номлар берилади. Раббий сизни Троялик Еленага ўхшаш эканингизни айтганида, менинг ҳарбий онгим буни шундай изоҳлади: “Чўпон Гари “Троялик Елена” ҳарбий ҳаракатини, адашган инсонларни, имонда адашганларни, оилада ва молиявий соҳада адашганларни қутқариш учун мингта кемани сафга тайёрлаш бўйича хизматни ўтказмоқда.

Боз устига, мен мингта кемани сафга тайёрлаш ҳақида эшитганимда, ҳар бир кемани юбориш учун зарур бўлган жангчилар сони, ёрдамчи ходимлар, тайёргарлик, мантиқ ва маъмурий жараёнлар ҳақида ўйлайман. Бу қўшинларга қўмондонлик қилиш ва Худо Шоҳлиги учун бу қўшинни сафга тайёрлашга сиздан кўра қодирроқ ҳеч бир одам йўқ. Сиз бизни шу дақиқага тайёрлаш учун йилларни сарфладингиз. Менинг оилам ва менинг ишончимиз комилки, Тананинг қолган аъзолари бу саф тортишни сабрсизлик билан кутишмоқда.

Раббийнинг хизматидаги

Ҳорун

Ҳорун “денгиз мушуги” бўлган ва 21 йиллик ҳарбий хизмати давомида тўққизта ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган. Унинг Масиҳ Хочининг кучи билан тубдан ўзгарганлик ҳақида ажойиб ҳикояси бор. У Раббий тушимда менга кемаларни чақиришимни айтгани ҳақида ҳеч нарса билмас эди. Аммо унинг “билим сўзи” инъоми туфайли мен тўғри эшитганимга амин бўлдим ва бу Худо мен учун мўлжаллаган йўлга киришимга ёрдам берди. Бизнинг мақсадимиз Худо Шоҳлиги ҳақидаги Хушxabарни бўлишиш учун бутун мамлакат бўйлаб мингта кичик гуруҳларни ташкил этишдир. Агар сиз бу қўшиннинг бир қисмига айланмоқчи бўлсангиз, Gaykeese.com сайтим орқали мен билан боғланинг.

Ўйлайманки, гапнинг моҳиятини тушундингиз. Тушлар – бу қудратли усул бўлиб, Худо бу орқали Ўз халқига йўналиш, стратегия, огоҳлантириш ва тасалли билан ёрдам бериб, у билан гаплашади.

Бу бобни якунлашдан аввал, стратегия йўналишини аниқлашда ёрдам берувчи восита сифатида Худо фойдаланадиган яна бир усулни қўшмоқчиман – бу пайғамбарчилик инъомидир. Ҳорун менинг янги ташаббусни йўлга қўйиш бўйича режаларим хусусида билим сўзини олди. Билим сўзи ўз маъносига кўра билим сўзини англатади. Бу Худонинг Руҳи томонидан сизга берилган билимдир, сиз уни ўзингиз била олмайсиз. Билим сўзи Коринфликларга биринчи мактубнинг 12-бобида Муқаддас Руҳнинг тўққизта инъомидан бири сифатида эслатиб ўтилади. Мен бу китобда ушбу руҳий инъомлар тўғрисида таълим бермоқчи эмасман, лекин улардан бири – пайғамбарчилик сўзи ҳақида гапирмоқчиман.

**КИМ
ПАЙҒАМБАРЧИЛИК
ҚИЛСА, У БАРПО
ҚИЛИШ, НАСИҲАТ
ҚИЛИШ ВА ЮПАТИШ
УЧУН ОДАМЛАРГА
ГАПИРАДИ.**

– 1-Кор. 14:3

Жуда кўп одамлар ушбу инъомни нотўғри тушунганлиги туфайли ўз ҳаётларини барбод қилишганлари туфайли, мен буни эслатиб ўтишни лозим деб биламан. Одамлар пайғамбарчилик ҳақида ўйлаганларида, уларга бармоғини ўқтаб: “Сен Африкага боришинг керак” ёки “Сен чўпон бўлишга даъват этилгансан” деган гапларга ўхшаган нарсаларни айтиб, уларни даъват қилувчи пайғамбарни

тасаввур қилишади. Бу иккала фикр ҳам ҳақиқий пайғамбарчиликнинг аниқ ифодаси бўлиши мумкин, бироқ бутунлай нотўғри бўлиши ҳам мумкин. Ҳаммаси сиз уларни қандай ўқиганингизга боғлиқ. Агар бу фикрлар аниқ йўналтирилган деб талқин қилинса, иккаласи ҳам нотўғри бўлади, лекин улар фикр сифатида талқин қилинса, уларнинг иккаласи ҳам тўғри бўлиши мумкин. Павлус пайғамбарчиликнинг мақсадини тушунтиради.

“Ким пайғамбарчилик қилса, у барпо қилиш, насихат қилиш ва юпатиш учун одамларга гапиради” (1-Кор. 14:3).

Бор гап шунда. Бу жойда сиз пайғамбарчилик орқали йўналиш топишингиз кераклиги ҳақида бирорта ҳам сўз айтилмаган, бироқ кўпчилик одамлар пайғамбарчилик йўналиш беради деб ҳисоблаб, уни айнан шундай қабул қилишади. Аммо Павлуснинг сўзларига кўра, пайғамбарчилик йўналиш бермайди, балки фақатгина йўналишни тасдиқлайди. Тушуняспизми, сиз юқоридан туғилганингиз заҳоти, ичингиздаги Муқаддас Рух нима қилишингиз кераклигини айтади. Исо учун нима қилишга даъват этилганингизни айтиш учун сизга бирорта эркак ёки аёл шарт эмас. Лекин пайғамбарчилик сўзи сиз аллақачон билган нарсангизни тасдиқлаши мумкин.

Масалан, мен: “Сиз Африкага боришингиз керак” – деб айтган гапни олсак. Агар Муқаддас Рух бу ҳақда сизга аллақачон айтган бўлса ва У буни мана шундай сўз билан тасдиқласа, бу пайғамбарчилик сўзининг ҳақиқий намунаси бўлиши мумкин. Лекин сиз Африкага сафар ҳақида ўйламаган бўлсангиз ва бу ҳақда биринчи марта эшитаётган бўлсангиз, демак бу Янги Аҳд жамоатида пайғамбарчилик сўзининг ҳақиқий намунаси бўлмайди.

Одамларнинг нима деяётганини эшитиб, бунинг шунчаки аҳмоқона эканини биласиз. Масиҳийлар менинг олдимга келиб: “Худо менга йиғинда гуллаб-яшнашим кераклигини айтди” – дейишади. Умуман олганда, кимдир келиб сизга гуллаб-яшнашингиз кераклигини айтиши шарт эмас. Муқаддас Китоб бизга бу ҳақида айтган. Мен масиҳийларнинг айланиб юриб, кимдадир улар учун сўз бор-йўқлигини одамлардан сўрашларини кўраман. Сиз учун кимдир сўз айтиши керак эмас! Сиздаги Муқаддас Рух сизга гапиради ва албатта, Худо сизни бошқариш учун эмас, балки руҳлантириш учун тасдиқловчи пайғамбарчилик сўзи юбориши мумкин.

Бунинг ҳаётимдаги энг кучли таассурот қолдирадиган мисоли, мен Дренда билан учрашганимда содир бўлган. Мен унинг қўлини сўраш учун Жоржиядаги унинг оиласига бормоқчи эдим. У ерда

мен Дренда билан унинг маҳаллий жамоатига ташриф буюришни режалаштирдим. Ўша вақтда мен анчадан буюн қаршилиқ қилиб келаётган молиявий хизматлар соҳасида менга иш таклиф қилишган эди. Мен 19 ёшимда воизлик қилишга даъват этилган ва яқиндагина Эски Аҳд бўйича диплом билан коллежни тугатган эдим, лекин молия соҳасидаги бу ишга рози бўлишга ўзимни мажбурдек ҳис қилдим. Мен нима қилишни билмасдан, саросимага тушиб қолдим.

Якшанба куни эрталабки хизматдан сўнг, Дренданинг маҳаллий жамоатида менга нотаниш, лекин Дренда билан аниқ таниш бўлган бир аёл менинг олдимга келиб, унда мен учун сўз борлигини айтди. У: Сиз иш таклифини кўриб чиқаяпсиз. Бу ишнинг қуйидаги ўнта жиҳатлари бор...” – деди. У мен бу янги ишда қиладиган барча нарсани аниқ санаб ўтди. У: “Сиз бу таклифни қабул қилишингиз лозим, Раббийнинг иродаси шунда” – деди. Бу ҳолатда менда аллақачон бунга мойиллик бор эди, лекин нима учун бундай ҳис қилаётганимни тушунмас эдим. Ундаги пайғамбарчилик сўзи, қайси йўналишда ҳаракат қилишимни тасдиқлаб, менга тасалли ва руҳлантириш келтирди. Яна қайтараман, сиздаги Муқаддас Рух сизни бошқариб, сизнинг маслаҳатчингиз бўлади.

11-БОБ.

МУҚАДДАС РУҲ МЕНИНГ БОШЛИҒИМ ДЕСАМ ҲАМ БЎЛАДИ

Жамоатимиз кичик бўлганида, бизда ишга муҳтож бўлган бир оила бор эди. Улар ажойиб оила бўлиб, доимо жамоатга ёрдам беришни хоҳлашарди. Лекин баъзида уларнинг пул билан боғлиқ муаммолари бордек туюларди. Бир куни отаси яна ишсиз қолди ва мен уларга ёрдам беришга қарор қилдим. Ўша вақтда мен ўз уйимни қуриб, электр токи билан боғлиқ барча ишларни ўзим қилаётган эдим. Бу оиланинг отаси электр устаси эканини билиб, унга бироз пул ишлаб олишни таклиф қилдим, чунки унинг оиласида егулик тугаётган эди. У келиб, мен унга топширган электр тоқларини ўрнатиш ишларини муносиб бажарди.

Мен бу ҳақида деярли эсламадим, лекин бир ой ўтгач, бу йигит менга қўнғироқ қилди. У бир нечта киши мен учун ибодат қилишга йиғилганини айтди. Мен: “Нима ҳақида?” – деб сўрадим. У жамоатда айрим нарсаларни ўзгартириш кераклиги ва унда улар муҳокама қилган ўнта нарсанинг рўйхати борлигини айтди. Рўйхатдаги биринчи нарса – менинг уйимнинг жуда катталиги эди. У мендан ўзимга шундай уйни раво кўришим учун жамоат менга қанча тўлашини очиқчасига сўради. Мен тезда жамоат менга бир цент ҳам тўламаслигини, жамоатдан маош олмаслигимни айтдим. Бу сўзлардан кейин бир муддат сукунат чўқди. Сўнгра у оғиз очиб: “Жамоат сизга маош тўламайдими?” – деди. “Айнан шундай” –

деб жавоб бердим. Яна сукунат чўқди, ниҳоят у: “Эҳтимол, бериш керакдир” – деди. Шу билан суҳбат тугади.

Тахминан бир ҳафта ёки ундан кўпроқ вақт ўтгач, унинг қизиқиш соҳасига тегишли бўлиши мумкин деб ўйлаган ширкатда бўш иш ўрни тўғрисида эшитиб қолиб, бу ҳақида унга айтдим. У бориб, ариза топширди ва ишга жойлашди. Ўша вақтда унинг оиласини уйдан чиқариб юбормоқчи бўлишганини эсдан чиқарманг. Шу сабабли ишнинг биринчи ҳафтасидан сўнг жамоатга келиб, менга ишдан бўшаётганини айтганида, ҳайратда қолдим. “Ишдан бўшаяпсиз? Нима учун?” Жума кuni кундузи ҳафталик йиғилишдан сўнг ундан полни супуришни сўрашганини айтиб берди. У полларни супуриш учун ишга ёлланмаганини уларга айтиб, ўша вақтнинг ўзида ишдан бўшаганини айтди. Эшитганларимга зўрға ишондим. Агар бу йигит ҳаётда муваффақият қозонишни истаса, уни оғир синовлар кутаётганини билар эдим. Бу йигитнинг хотинига доим раҳмим келар эди. Шундан сўнг тез орада улар жамоатдан кетишди ва уларга нима бўлганини билмайман. Бироқ мен бирор нимани олдиндан яхшироқ кўра оламан. Унинг такаббуруна муносабати ва ишлашни истамаслигига асосланиб, унинг иш жойлари ҳақидаги тарихида етарлича кўп қайдлар бўлишини, уларнинг аксарияти қисқа муддатли иш бўлишини тахмин қилишим мумкин. Унинг фаровонлиги асосан омон қолиш даражасида бўлади. Мени нотўғри тушунманг. Одамлар ўзгаради, у ўзининг фойдаси учун ўзгарганлигига жуда ҳам умид қиламан. Лекин мен уни билган пайтимда унинг нотўғри йўналишда ҳаракат қилганини аниқ биламан. Кўряпсизми, у Худонинг овозини эътиборга олмади.

“Худонинг қандай овози ҳақида гапиряпсиз?” – деб сўрашингиз мумкин. Ишончим комил, агар сиз ундан сўрасангиз, у ҳам худди шундай жавоб берган бўлар эди, чунки ўша пайтда у ҳеч қандай тушунчага эга эмас эди. Лекин у Худонинг одамларни ўз тақдирига тайёрлаш ва ўқитишнинг асосий услубларидан бири – итоат қилишни ўрганишни эътиборсиз қолдирди.

Бу бобнинг сарлавҳаси сизни доводиратиб қўйиши мумкинлигини

биламан. Менинг бошлиғимнинг Муқаддас Рухга қандай алоқаси бор? Ушбу бобда сиз бошлиғингизни, Муқаддас Рухни эшита олиш қобилиятингиз билан кўп алоқаси борлигини билиб оласиз!

Мен ушбу ҳаётий муҳим мавзунини ўрганишни Матто Хушхабаридан бошламоқчиман.

Исо Кафарнаҳум шаҳрига кирганида, Унинг олдида юзбоши келиб, Ундан ёлворди: –Ҳазрат! Менинг хизматкорим шол бўлиб, жуда азобланиб уйда ётибди.

Исо унга: –Мен бориб, уни шифолайман, – деди.

Юзбоши эса жавоб бериб, деди: –Ҳазрат! Сен менинг томим остига киришингга мен лойиқ эмасман. Фақатгина бир сўз айтгин ва менинг хизматкорим шифо топади.

Зеро мен ҳам ҳокимият остидаги одамман, менинг қўл остимда ҳам аскарларим бор. Бирига: “Бор”, – десам боради, “кел”, – десам келади, бирор хизматкоримга: “Буни қилгин”, – десам бажаради.

Исо буни эшитганида ажабланиб ва ортидан эргашганларга қараб: “Мен сизларга ростини айтман, бундай катта имонни ҳатто Исроилда топмадим, – деди.

– Матто 8:5-10

Нима учун бу одам Исо унинг хизматкорини шифолай олишига бунчалик осон ишонди? Унинг ўзи бу саволга жавоб берди. “Зеро мен ҳам ҳокимият остидаги одамман, менинг қўл остимда ҳам аскарларим бор. Бирига: “Бор”, – десам боради, “кел”, – десам келади, бирор хизматкоримга: “Буни қилгин”, – десам бажаради”. Бу унинг ҳокимият қандай ишлашини билгани тўғрисида. У қандай бўйсунган бўлса, унинг одамлари ҳам унга шундай бўйсунар эди. У хўжайинининг сўзи, худди Қайсарнинг овози каби жаранглашини тушунган. Аслини айтганда, хўжайинининг овози Қайсарнинг овози эди. Шунингдек, хизматкори учун унинг овози худди Қайсарнинг

овози каби жаранглашини тушунган. Ҳокимият мана шундай ишлайди. Шунинг учун у бўйсунуш нимани англатишини тушунгани сабабли Исо бу вазиятни оддийгина гапириш орқали уни қандай назорат қилишга қодир эканини осонгина тушунган. У қилиши керак бўлган нарса бор-йўғи шу эди. Агар У хизматкорига нимадир қилишни айтган бўлса, у буни қилган. Бу жуда оддий. Сиз ўзлаштиришингиз керак бўлган ҳақиқат мана шудир:

Агар шайтон ҳокимиятларга нисбатан ҳурматни йўқ қила олса ва ҳаммани кўнглига келган нарсани хоҳлаган вақтида қилишлари мумкинлигига ишонтирса, дунё тартибсизлик ва ҳалокатга ботади. Шайтон Адан боғида Момо Ҳавони айнан шундай васвасага солди: “Ростдан ҳам Худо шундай дедими?” Қулоқ солинг, бу сайёрадаги ҳар бир инсон кимгадир ёки ҳатто, бир неча кишига бўйсунди.

**СИЗ ҚАЧОНКИ
ҲОКИМИЯТГА
БЎЙСУНСАНГИЗ,
ФАҚАТГИНА ЎШАНДА
ҲОКИМИЯТГА ЭГА
БЎЛИШИНГИЗ
МУМКИН!**

Кимнинг ҳокимияти остида эканингизни англаш, кимга қулоқ солиш, кимга қулоқ солмаслигингиз кераклигини тушунишга ёрдам беради. Лекин бүгун ҳамма одамлар ҳеч кимга бўйсунмасдан, ҳокимиятга эга бўлишни хоҳлашади, бунинг эса имкони йўқ.

Яқинда мен бир пудратчи билан гаплашдим, у ишчилар учун солиқ ва суғурта тўловларини тўламаслик учун одамларга нақд пул билан маош тўлашини айтди. Лекин мен бунинг нималарга олиб келишини биламан. Бир куни ишчи жароҳат олади, меҳнатга яроқсизлиги бўйича нафақа олиш учун ариза топширади, кейин эса ишчиларга товон пули тўлаш мажбурий тартибига мувофиқ бошлиқ унга пул тўламаганини билади ва пудратчини судга беради, чунки у қонуний равишда ишга яроқсизлик нафақасини олиш ҳуқуқига эга. Жамоатимда бир нечта пудратчилар билан ҳудди шундай воқеа юз берган.

Ўтган ҳафта мен бир аёл билан гаплашдим, у унга чўпон керак эмаслигини айтди. Унга ўзи билан Муқаддас Рух ўртасидаги

муносабатлар етарли эканини айтди. Жиддийми? Хўш, у яхшиси бориб, бу ҳақида Исо билан гаплашсин, чунки айнан Исо Эфесликларга мактубнинг 4-бобида чўпонларни тайинлаб, маҳаллий жамоатни ташкил қилган. Агар у Исога итоаткор бўлса, унда У ўрнатган ҳокимиятга бўйсунди. Гап шундаки, у Исога итоат қилмайди ва ўзи истагандек қилишни хоҳлайди. Шу сабабли у катта эҳтимол билан, ёлғон қурбони бўлади ва қийинчиликларга дуч келади.

Яқинда мен савдо бўйича шахсий ширкатини очган ва гарчи рақобатдан воз кечиш тўғрисидаги шартномани имзолаб, шартномада улар бундай қилмаслиги айтилган бўлсада, эски ширкатидан ўзининг барча мижозларини олиб кетган сотувчи билан гаплашдим. Улар бундай йўл тутиб, муваффақиятга эришамиз деб ўйлашадими? Бу шунчаки ўғрилик!

Биламан, Муқаддас Руҳ қиладиган ғайритабиий, ажойиб нарсаларни тасвираб берган бошқа боблар билан солиштирганда бу боб сизга ёқмаслиги мумкин, лекин сиз бу бобни тўғри тушунмасангиз, қолган ҳамма нарсани унутишингиз мумкин, чунки Худо айнан мана шуни рағбатлантиради.

Ибодат йиғинида бир аёл олдимга келиб, нима учун мен унга ибодат вақтида сўз бермаганимни йиғлаб сўраган вазиятни эслайман. Мен ҳайрон бўлдим! Бу қандай буюк иш эканки, сизни ибодатни бошқаришга таклиф қилиш шарт бўлса, наҳотки унинг ўзига хослиги умумий эътибор устига қурилса?

Албатта, агар у умуман кимнидир тинглашни билса эди, мен бир дақиқа ичида нима учун унга сўз бермаганимни айтишим мумкин эди. Бу аёл эрини ҳурмат қилмас, охир-поёни йўқ ўтиришларда эрининг руҳий камчиликларини доимо таъкидлар эди. Шунинг учун мен уни сўзга чақирмадим. Уни бутун гуруҳ билан таққослаганда, уни ўзи қиёслаган руҳий аёл сифатида қабул қилишмагани учун кўзларида ёш билан келганининг далили шуни кўрсатадики, у ҳокимиятга эга одамларни ҳурмат қилмайди ва шу тарзда хавф туғдиради.

Сизга бир савол бермоқчиман. Сиз ўзингиз хоҳлаган, орзуларингиз

интилаётган жойга бориш учун зарур малакага эгамисиз? Агар мен сизнинг чўпонингиз ёки бошлиғингиздан ўнинг сиз ҳақингиздаги ҳақиқий фикри қандайлигини сўрасам, у нима деб жавоб берган бўлар эди? Кўряпсизми, итоат синовидан ўтмагунингизча, ҳокимиятга эга бўлиш имконсиздир. Буни мен айтмадим, буни Исо айтди.

Оз нарсада содиқ бўлган кўп нарсада ҳам содиқдир. Оз нарсада садоқатсиз бўлган кўп нарсада ҳам садоқатсиздир. Шундай қилиб, агар сизлар ноҳақ бойликда содиқ бўлмасангиз, ким сизларга ҳақиқий бойликни ишониб топширар экан?

Агар бировнинг нарсасида содиқ бўлмасангиз, ким сизларга ўз нарсаларингизни берар экан?

– Луқо 16:10-12

Сизга ҳокимиятни ишониш мумкинми? Жавоб – сизнинг итоаткорлигингизда.

Келинг, Муқаддас Каломдан ҳаётдаги муваффақиятингизга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бир воқеани кўриб чиқамиз.

Филистинликлар эса Исроил билан уруш қилиш учун йиғилишди: уч мингта жанговар арава, олти минг нафар отлиқлар ҳамда денгиз қирғоғидаги қум сингари кўпчилик халқ келди ва Бет-Авеннинг шарқ тарафидан Михмашда қароргоҳ қурди.

Исроилликлар эса халқнинг сиқувга олингани сабабли ўзларини хавф остида қолганликларини кўриб, ғорларда, дараларда, қоялар орасида, ҳандақларда, чуқурларда яшириндилар.

Яҳудийларнинг айримлари Йордан дарёсидан ўтиб, Гад ва Гилъад ерларига кетдилар. Шоул ҳали Гилгалда эди. У билан бирга бўлган бутун халқ қўрқувда қолган эди.

Шоул Шомуил тайинлаган муҳлат бўйича уни етти кун кутиб турди. Аммо Шомуил Гилгалга келавермади, халқ эса Шоулнинг ёнидан қоча бошлади.

Шунда Шоул: “Тамоман ёндириш қурбонлиги билан тинчлик қурбонликларини менга олиб келинглар”, — деб буюрди ва тамоман ёндириш қурбонлиги келтирди.

– 1-Шоҳ. 13:5-9

Шомуил эса Шоулга: — Нодонларча иш тутибсан, сенинг Раббий Худойингнинг сенга берган буйруғини бажо этмадинг. Бўлмаса, Раббий Исроил устидан сенинг шоҳлигингни абадий мустаҳкамлаган бўлар эди.

Энди эса сенинг шоҳлигинг узоққа бормади. Раббий Ўз кўнглига мос эркакни топади ва Раббий унга Ўз халқининг сардори бўлишни буюради. Чунки сен Раббийнинг сенга берган буйруғини бажо этмадинг, — деди.

– 1-Шоҳ. 13:13-14

Шоул ҳокимиятга бўйсунмагани учун нолайиқ бўлиб чиқди. Шундай қилиб, биз яна бир бор кўрамизки, агар сиз ҳокимиятга бўйсунма олмасангиз, унга эга бўлолмайсиз. Жуда муҳим жиҳатга эътибор қаратмоқчиман. Раббий Ўз юрагига мос одамни топмоқчи бўлди. “Ўз юрагимга мос” дегани нимани англатади?

Уни рад этиб, Худо уларга Довудни подшоҳ қилиб кўтарди ва у ҳақида гувоҳлик бериб, шундай деди: “Мен юрагимдагидек бир эркакни – Йессей ўғли Довудни топдим. У Менинг барча истақларимни бажо келтиради”.

– Ҳаворийлар 13:22

Худо “Унинг юрагидагидек” кишини қандай аниқлайди? Аслида, бу Худо нафратланадиган нарсалардан нафратланувчи, Худо севадиган

нарсаларни севувчи кишидир, агар Худо ўша ерда бўлганида, У қиладиган ишларни қилувчи кишидир. Бошқача қилиб айтганда, агар Худо гуноҳдан нафратланса, улар ҳам гуноҳдан нафратланадилар. Агар Худо бирор нима қилинишини хоҳласа, улар бунни қилишни хоҳлашади. Биз ўз дунёимизда Худонинг юрагидагидек одам бу энг кўп руҳий бағишланган одам деб ўйлаймиз. Биз руҳийлик – бу сокин сажда мусиқаси деб ҳисоблаймиз. Бироқ Худо руҳий сажда – итоаткорликда эканини аниқ айтмоқда.

Шомуил жавоб берди: — Наҳотки Раббийга тамоман ёндирилган қурбонликлар ва бошқа қурбонликлар Раббийнинг овозига итоат қилиш каби ёқимли бўлса? Итоат этиш – қурбонликдан ва бўйсунуш – қўчқорлар ёғидан яхшироқдир.

Бўйсунмаслик – сеҳр-жоду сингари гуноҳ, ўжарлик эса – бутпарастликдир. Сен Раббийнинг сўзини рад этганинг учун У ҳам сени рад этди, токи сен подшоҳ бўлмагин.

– 1-Шоҳ. 15:22-23

Шундай қилиб, яна бир бор айтаман, Худонинг овози сизнинг бошлиғингизнинг овози каби жаранглайди! Сизнинг исмингизни ҳеч ким билмаганида, Худо сизнинг ҳокимиятга муносабатингизни синаб кўришга имкон беради. Кўпчилик одамлар буларнинг барчаси қандай ишлашини тушунишмайди. Улар ўзларининг ярим штатлик камтарона ишини аҳамиятли деб билишмайди, унда ҳеч қандай муҳим нарса йўқ деб ҳисоблашади. Лекин улар билмайдиган нарса шундан иборатки, улар ўзларини ўз истак ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда бўйсунушга лойиқ ёки лойиқ бўлмаган нарсани ўзининг шахсий мезони бўйича фикр юритишга, шахсан бўйсунушга ўргатадилар. Одамларга улар кичик қўшимча ишни олиб ишончни оқлашга рози бўлган дақиқада, бу бизнес уларнинг шахсий бизнесидек ишлашга рози бўлишга ўргатилмайди.

Кўпчилик одамлар нарсаларни бошқача кўради. Улар олдига кенгроқ кўламдаги мақсадларни қўйишади. Охир-оқибат, бу бор-йўғи қўшимча пул топиш учун кичик бир иш бўлиб қолиб, ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди. Бу нотўғри!

Аҳамиятсиз иш деган тушунча мавжуд эмас. Кичик вазифалар бўлмайди. Довуднинг қўйларга ғамхўрлик қилишдек кичик, аҳамиятсиз иши бор эди. Лекин бу иш у учун аҳамиятсиз эмас эди. У бу қўйларни ҳимоя қилиш учун камида икки маротаба ҳаётини хавф остига қўйди. Бошқача қилиб айтганда, у унга билдирилган ишончга жуда жиддий муносабатда бўлган. Гарчи унинг кимлигини бошқа ҳеч ким билмаган бўлса-да, Худо билар эди! Худо ҳар қандай вақтда унинг қаерда эканини аниқ билар эди.

Худо сизнинг қаерда эканингизни билади ва ҳокимиятга қандай муносабатда бўлишингизни билади. Хулосашуки, агар сиз кўриб турган одамга бўйсун олмасангиз, кўрмайдиган Худога бўйсунмайсиз. Мен кўрадиган одамларнинг жуда кўпчилиги қарамлик дунёқарашига, қурбон одам дунёқарашига эга бўлишади: ҳар доим кимдир айбдор. Улар доимо ҳамма нарсада бошлиқ, ҳукумат айбдор деб айтадилар, ҳар доим аранг тирикчилик ўтказиш учун етгулик иш қиладилар, уларни мажбурлашганидагина ишлайдилар. Улар одатда ижрочи дунёқарашига эга одамлар бўлиб, ўзлари ўйлаш ўрнига нима қилишни уларга айтиш керак. Кўп йиллик қуллик кишанларини ташлаб, озод этилганига қарамай, қуллар каби фикр юритишда давом этган Исроил ўғиллари билан ҳам шундай бўлган. Улар ваъда қилинган ердаги баҳайбат одамларга дуч келганларида уларнинг қуллик дунёқараши уларга панд берган эди. Улар ваъда қилинган ерга етиб боргунига қадар Худо уларни муваффақиятга тайёрлаши керак эди. Сиз ерга етиб боришингиздан аввал Худо сизни ҳам тайёрлаши керак бўлади. Мен сизга айтаётган ер – бу сизнинг тақдирингиздир. Хўш, Худо уларни ўргатдимми?

*У сени бўйсундирар эди, очликдан тинкангни қуритар эди
ва сен ҳам, сенинг оталаринг ҳам билмаган манна билан*

*сени боқар эди, токи сенга инсон фақат нон билан эмас,
балки Худонинг оғзидан чиқадиган ҳар бир сўз билан тирик
эканлигини кўрсатсин.*

– Қонуннинг так 8:3

*Сени саҳрода оталаринг билмаган манна билан боқди, токи
кейинчалик сенга яхшилик қилиш учун сени бўйсундирсин ва
сени синасин.*

– Қонуннинг так 8:16

Худо уларни бўйсундирди, яъни уларни заиф, ёрдамга муҳтож қилиб қўйди. Улар ўзларига эмас, Худога таянишни ўрганишлари керак эди. Олдинда уларни шунчаки егулик қидиришдан ҳам жиддийроқ воқеалар кутар эди. Олдинда баҳайбат одамлар ва деворлар билан ўралган шаҳарлар бўлиб, агар улар Худо уларнинг муаммоларидан буюкроқ эканини кўрмасалар, уларни осонгина қўрқитиши мумкин эди.

Бундан ташқари улар ихтиёрий равишда, мустақил тўғри қарор қабул қилишни ўрганишлари керак эди. Бугун мен ота-оналар фарзандининг юрагини эмас, балки уларда тартиб-интизомни тарбиялашга ҳаракат қилиб, хатога йўл қўйишаётганини кўраман. Болага хонани йиғиштиришни буюришади, у бўйсуниб, эшикни жаҳл билан ёпади, аммо топшириқни итоаткор юрак билан эмас, балки исёнкор юрак билан бажаради. Ўз фарзандларига дўст бўлишни хоҳлайдиган ота-оналар хонага кирадилар ва хонадаги тозаликни кўриб, болага ўз ишини қандай яхши бажарганини айтадилар. Бу нотўғри. Бола ичкаридан эмас, ташқаридан итоат қилди. Итоаткорлик – бу юракнинг вазифасидир. Бир куни ота-оналар тўғри танловни зўрлаб ўтказиш учун ёнида бўлишмайди. Ота-она ғамхўрлик қилишни тўхтатганларида, бола ўз ихтиёрича ҳаракат қилишда эркин бўлади. Юракда бўлган нарса энди юзага чиқади. Айнан мана шу дамда кўпчилик ота-оналар бола кўнгилсизликларга йўлиқаётганини кўриб, кичкинтой Жонни ҳар доим яхши бола бўлганини айтиб,

шошиб қолишади, бола коллежга ўқишга кирганида ёки мустақил яшай бошлаганида унинг ҳатти-ҳаракатидан ҳайратда қолишади.

Муқаддас Китоб Худо Исроилни охирида у билан ҳаммаси яхши бўлиши учун синашни режалаштирганини айтади. Биз айнан мана шу ҳақида гаплашяпмиз. Болага ёқиш учун қўпроқ қайғурадиган ота-онадан фарқли ўлароқ, Худо боланинг узоқ муддатли фаровонлиги ҳақида қайғуради. У юракнинг кичик мақсадларини улар сурункали ҳулқ-атворга айланиб кетмасидан олдин тўғриламоқчи. Худо уларни синамоқчи дейилганда, айнан мана шу нарса назарда тутилади. Итоаткорлик талаб қилинган вақтда юракнинг муносабати намоён бўлишига қараб Худо уларни тўғрилай олади.

Ҳар бир киши итоаткорлик синовидан ўтиши керак! Хўш, бугун кесиб ўтиш керак бўлган саҳро йўқ бўлганида, Худо бизни қаерда ўргатади? Бўйсунувчанликни ўрганиш ва кейинги лавозимга кўтарилиш ҳуқуқини олиш учун қаерда Унинг овозини эшитишимиз мумкин? Худо Шоул ҳақида нима деганини эслайсизми? Итоаткорлик қурбонликдан аълороқдир. Сизнинг жамоатдаги ташқи сажда ҳаракатларингиз юқорига кўтарилиш учун асос бўлмайди. Худо сизга ҳокимиятни ишона оладими? Бу қаердан бошланади? Уйдан.

Болалар, ўз ота-оналарингизга Раббийда итоат қилинлар, чунки бу тўғридир.

“Ўз ота-онангни ҳурмат қил”, – бу ваъда билан бўлган биринчи амрдир:

“Токи сенга эзгулик бўлсин ва ер юзида узоқ яшай олгин”.

– Эфесликларга 6:1-3

Нима учун ота-онага бўйсунуш узоқ умр ва ҳаётда муваффақиятга олиб келиши мумкин? Наҳот Худо сизга итоаткорлик учун баҳо қўшади? Йўқ, лекин сиз ҳаётингиз устидан ҳокимиятга эга бўлган ота-онангизни ҳурмат қилишни ва қадрлашни ўргансангиз, ўшанда Худони қадрлайсиз ва ҳурмат қиласиз. Агар сиз ҳаётингиздаги

Худонинг ҳокимиятини ҳурмат қилсангиз, сиз Унга итоат қиласиз ва сизда ҳаммаси яхши бўлади. Шу сабабли сиз ёш ҳамда ота-онангиз ғамхўрлиги остида бўлганингизда, Худо сизнинг ота-онангиз деб айта оламан.

Худо сизни ҳокимиятга бўйсунишга ўргатадиган иккинчи жой бу жамиятдаги ҳокимиятларга бўйсунидир. Сизнинг бошлиғингиз, чўпонингиз, милициялар ва ҳукуматингиздир, буларнинг барчаси Худо бизга бўйсуншни ўргатадиган ҳокимиятнинг намуналаридир.

Жамоатимизда ҳар доим шикоят қилиб, муаммолари ҳақида гапирадиган бир оилани эслайман. Улар уйини йўқотиш ёқасида эдилар ва уйни керакли ҳолатга келтириб, қарзлари учун уй мусодара қилинишидан қутилиб қолиш учун уларга 10 000 доллар зарур эди. Улар ўз ҳикоясини, эҳтимол, жамоатдаги ўнлаб кишига айтиб беришди. Ниҳоят, бир оила уларга ёрдам беришга қарор қилиб, 10 000 доллар берди. Бироқ бир неча ой ўтгач, улар илгариги аҳволига қайтиб, уйдан маҳрум бўлишди. Мен бу жуфтлик билан бўлган воқеа тўғрисида суҳбатлашдим, уларнинг иккаласи ҳам ишсиз эдилар. Мен уларга мос келадиган иш топилгунча, ҳеч бўлмаганда бирорта иш билан шуғулланишни таклиф қилдим. Улар шаҳарнинг бирон бир жойида ресторанда ишлаши мумкин эди, лекин улар бундай иш уларга тўғри келмаслигини айтишди. Ўйлашимча, уларнинг муаммоси пулда эмас, балки ҳокимият ва масъулиятни тушинмасликда экани маълум эди. Қандайдир бир сабабга кўра улар ўз ҳаётлари учун шахсан маъулият олишни ва бу муаммони ҳал қилиш учун барча зарур саъй-ҳаракатларни амалга ошириш кераклигини тушунишмади.

Менинг дўстим Рик Реннер айтадики, у кимнидир ишга олишдан олдин ундан машинасини кўрсатишини сўрайди, баъзан эса, огоҳлантирмасдан унинг уйига боради. У агар кимдир ўзининг машинасига қарамаса, у ҳеч қачон ўз нарсаларини ҳам тартибга солмаслигини билади. Шундай экан, қачон унинг ишхонаси машинаси каби кўринишда бўлишини фақатгина вақт кўрсатади.

Мен синов давримни хилват жойда ўтказганман. Мен Худо ҳоқимиятга нисбатан бефарқ муносабатимни шакллантиришимга йўл қўймаганидан хурсандман. Ўз вазифамни бажаришга тайёрлаш учун У мени бўйсундириб, синовдан ўтказди.

Мен фермерлик уйимда бўлган ҳаёт давримда маблағдан жуда сиқилган вақтларни эслайман. Ҳайриятки, мен катта инвестиция битимини туздим, шу орқали мен ҳар доим кечикиб тўлайдиган тўловларимни тўлай олар эдим. Лекин чек вақтида келмас эди ва менга асосий банк бўлмаган банкда ҳисоб рақами очиш, эртаси куни чекни олиш умидида бу банкдан ўрнини тўлдирмасдан асосий ҳисобимга чек олиш ва янги банкдаги таъминланмаган чекни қоплаш учун уни депозитга қўйиш ҳақида ажойиб ғоя келди. Лекин чек тўлиқ икки ҳафта мобайнида келмади! Мен навбатдаги таъминланмаган чек келмагунича, ҳар куни банкларимнинг биридан ўрни қопланмаган чек чиқарар эдим. Бу икки ҳафта ишлади ва ўрни қопланмаган чекнинг миқдори 2000 доллардан ошиб кетди, чунки мен озиқ-овқат харид қилишим керак эди. Бу давр мобайнида миқдор ўсиб бораверди.

Лекин эрта тонгда банк иш бошқарувчиси менга қўнғироқ қилганида ҳаммаси тугади ва унинг биринчи айтган сўзлари шу бўлди: “Жаноб Киси, нима қилаётганингизни биламан, мен ҳисобингизни ёпаман. Сиз бу ҳисоб рақамини ёпиш учун пул олиб келишингиз керак ва сиз бизнинг банкимизда ортиқ ҳисоб рақами оча олмайсиз”. Мен қўлга тушдим! Бу вазиятнинг энг ёмон томони шундаки, мен Ёзувдан парчалар ёзилган чеклардан фойдаланар эдим ва банкнинг иш бошқарувчисига Худонинг қанчалар буюклиги ҳақида гувоҳлик берганман. Худого шараф, чек айнан ўша куни келди ва мен қарзимни ёпиш учун уни банкка олиб боришга муваффақ бўлдим. Лекин мен банк бошқарувчисининг хонасига кириб, унинг олдида тавба қилишимга ва айбни Худого юклмаслигини, чунки буларнинг ҳаммаси менинг ишим эканини ҳамда бу аҳмоқона эканини айтишимга тўғри келди.

Тадбиркорлик фаолиятимнинг дастлабки йилларида вилоят вице-

призедентимиздан таълим олдим. У савдо қоғозларимни кўздан кечирганида, банкларнинг биридан имзо олмаганимни пайқади. У: “Муаммо йўқ, уни шунчаки чироқ нури устига қўйиб, улар ўтказиб юборган жойга намунага қараб имзо чекиб қўйгин – деди. – Охир-оқибат, улар бу маҳсулотни хоҳлашади ва қолган барча жойга имзо қўядилар” – деди. Мен шундай қилдим. Тахминан бир ой ўтгач, мижозимнинг адвокати менга қўнғироқ қилиб, мижоз нақд пул ечиб олиш учун банк қоғозида унинг исмини сохталаштирганим учун мени 100 000 доллар ундириш учун судга даъво аризаси ёзганини айтди. Вилоят вице-президентимиз бунинг учун маълум жавобгарликни олгани ва ишдан ҳайдалгани учун пул миқдори 5000 долларгача камайтирилди.

Лекин сабоқ олиш учун бир мартанинг ўзи етарли бўлмади! Менинг янги вакилларимдан бири суғурта бўйича имтиҳон топшириши керак эди, ўқув қўлланмани сотиб олишга унинг пули йўқлиги учун мен вакилимга ундан нусха олиб бердим. У имтиҳон бўлган жойда қоғозларни қолдириб келган ва менга яна муаллифлик ҳуқуқини бузганлик учун даъво қилган адвокат қўнғироқ қилди. Ўша пайтларда мен солиқ хизматлари идорасига борадиган йўлни беш бармоғимдек билардим. Ҳар доим кечиктирилган солиқ тўловлари ва жарималарга ишим тушар эди. Энди мен буларнинг барчасини аралаш ҳислар билан ёдга оламан. Худо мени масъулиятга чорлади ва ўргатди. Бир кун келиб У менинг миллион доллар билан ишлашимни билган ва У мени жазосиз қолишимга йўқ қўймайди. Бунинг учун Худога раҳмат!

Мен Худо менинг тарғиботчим эканини ва У фақатгина самарадорлик соҳасини тарғиб этиш билан шуғулланмаслигини билиб олдим. Шунингдек, менинг қанчалик қоидага амал қилишимни текшириш зарур эди. Мана нима учун мен Худо сизнинг бошлиғингизга ўхшайди дейман. Сизнинг бошлиғингиз – сизни кейинги вазифага тайёрлаш ва бўйсунушга мажбур қилиш учун Худо ишлатган воситадир. Синовдан ўтасизми?

Зеро кўтарилиш – шарқдан ҳам, ғарбдан ҳам, саҳродан ҳам эмас, лекин Худо – судьядир: бировни пасайтиради, бошқасини юксалтиради.

– Санолар 74:7-8

Ҳар бир интизомга солиниш ҳозир қувонч эмас, балки қайғу бўлиб туюлади. Бироқ кейин, шу тариқа тарбияланганларга ҳақликнинг оромбахш ҳосилини келтиради.

– Ибронийларга 12:11

Қуллар, ерлик хўжайинларингизга юракларингизнинг соддалигида қўрқув ва титроқ билан Масиҳга итоат қилгандек, итоат қилинглар.

Кўзга кўринарли хизматлар билан одамларни мамнун қилувчилардек эмас, балки Худонинг иродасини чин юракдан бажарадиган Масиҳнинг қулларидек итоат қилинглар.

Яна инсонларга эмас, балки Раббийга қилгандек тиришқоқлик билан хизмат қилинглар.

Билингларки, ҳар бир киши: қулми, озодми, қилган яшилигига яраша Раббийдан мукофот олади.

Хўжайинлар, сизлар қулларингизни қўрқитишни бас қилиб, улар билан ҳам худди шундай муносабатда бўлинглар, чунки биласизларки, уларнинг ва сизларнинг юз-хотирчилик қилмайдиган осмондаги Эгангиз бор.

– Эфесликларга 6:5-9

Ҳурмат ва қўрқув билан итоат этиш! Сизда ўз бошлиғингизга нисбатан айнан шундай муносабат бўлиши лозим. Павлус бошлиғингизга бўлган бўйсунингизни Худонинг иродасини бажариш деб белгиламоқда. Ҳайрон бўляпсизми? Мен ҳам ҳайрон бўлган эдим!

Хўш, Худонинг овози нимага ўшар экан? Сизнинг бошлигингизнинг овозига!

БУ ТЕКШИРУВ!

Бу тадқиқотни тугата туриб, сиз руҳланиш ва далда олганингизга ишонаман. Муқаддас Руҳ сизни ҳеч қачон қолдирмасликка ва тарк этмасликка ваъда берган ҳаётдаги ҳақиқий ажойиб Ҳамкордир. Бу бебаҳо ҳақиқатларни сиз билан бўлишиш мен учун катта шараф.

– Гари Киси

Қарзлардан қандай халос бўлиш ва хавфсиз маблағ киритиш тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун менинг ширкатим Forward Financial Group билан 1-(800)-815-0818 рақамлари орқали боғланишингиз мумкин.

Худо Шоҳлиги ҳақида қўшимча маълумотларни олиш учун FaithLifeNow.com. сайтига ташриф буюринг.

“Имон ҳаёти” жамоати ҳақида маълумотни FaithLifeChurch.org сайтида топишингиз мумкин.

12-БОБ.

ҚАНДАЙ ИБОДАТ ҚИЛИШ ВА МУҚАДДАС РУҲГА ЧЎМИШ КЕРАК

Биз Худодан оладиган барча нарсани Худонинг бизга айтганларига ишониш орқали қабул қиламиз ва Худодан бу инъомни олиш ҳам шундай кечади. Буни олиш учун ибодат қилишдан аввал, бу сиз учун Худонинг иродаси эканига ишончингиз комил бўлмагунича ва саволларингизга жавоб олмагунингизча, ушбу китобда келтирилган Ёзув парчаларини, албатта ўрганиб чиқинг. Муқаддас Руҳга чўмиш сизга аталганига ишончингиз комил бўлгани заҳоти, шунчаки ушбу сўзларни айтиб ибодат қилинг:

“Ота, мен бугун Сенинг Қудратли Руҳингга чўмишни сўрайман. Мен уни ҲОЗИР Сенинг Сўзинга биноан, Руҳда ибодат қилиш қобилияти билан қабул қиламан. Мен буни Масих номи билан ва Сенинг улуғворлигинг учун сўрайман! Омин”.

Ибодат жараёнида кечинмаларни ёки маълум ҳисларни изламаслигингиз, балки ибодат қилаётганингизда, олишингизга ишониб, Худонинг сўзида мустаҳкам туришингиз лозим. Сўраб, қабул қилганингиздан сўнг, Худони улуғлаб, У ваъда берганидек сизни Ўз Руҳи билан мойлагани учун Унга миннатдорчилик билдиришни бошланг.

Ибодат қила туриб, қабул қилганингизнинг исботини намоён қилганингизда эмас, балки сўраганингизда, олишингизни тушунганингизга ишончингиз комил бўлсин. Сизнинг далилингиз бу – Худонинг Сўзидир.

*“Шунинг учун Мен сизларга айтаман, ибодатда нимаики сўрасангиз, олишингизга ишонинглар ва сизлар оласизлар”
(Марк 11:24).*

Худонинг Руҳи сизнинг ибодат тилингизда Ўзини эркин намоён қила олиши учун ибодатдан сўнг Раббийга сажда қилишга, албатта вақт ажратинг. Худо оғзингизни қимирлашга мажбур қилмайди! Номаялум тилларда ибодат қилиш учун ўзингиз очиқ бўлишингиз лозим. Одатда одамлар ибодат қилаётганларида ёки Худонинг руҳини ҳис қилганларида, ичида жимирлашни ёки уялишни ҳис қиладилар.

Сажда қилишда давом эта туриб, Худонинг Руҳига таслим бўлинг. Сиз ўз руҳингиздан чиқаётган ҳар хил товушларни ёки буғинларни ҳис қила бошлайсиз. Сиз имон билан бу товушларга таслим бўлишингиз керак бўлади. Бунни қилганингиз сари Худо Руҳининг оқими ва озодлиги кўчайиб боради.

Агар бирон бир сабабга кўра дарҳол номаълум тилларда ибодат қилишни бошламасангиз, бу ҳақида ташвишланманг. Сиз имон орқали қабул қилдингиз, шунинг учун шунчаки Худога Унинг мойланиши учун миннатдорчилик билдиришда давом этинг. Мен Муқаддас Руҳга чўмишни қабул қилиш ҳақидаги ибодатдан сўнг, жамоат йиғинидан уйга қайтаётиб, йўлда пайтда, эртаси кун эрталаб ювиниш хонасида, ёки бир неча кундан сўнг, ўтларни ўраётганда Руҳда гапиришни бошлаган одамларни кўрганман. Муҳими, ҳис-туйғулар билан эмас, имон билан қабул қилишдир.

ҚАНДАЙ ИБОДАТ ҚИЛИШ ВА МУҚАДДАС РУҲГА ЧЎМИШ КЕРАК

Руҳда ибодат қилишни ҳаётингизнинг, ҳар бир кунингизнинг бир қисмига айлантиринг ва кучли ибодат одатини ривожлантиринг. Худо сиз билан гаплашади ва барча саволларингизга жавоб беради! Руҳда ибодат қилиш учун вақт топишингизга ва сиз аллақачон баҳраманд бўлган Худо Шоҳлигининг барча имтиёзларидан роҳатланишингизга ишонаман!

Гари Кисининг
«Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб»
мактубининг бошқа қисмлари

Розиликнинг кучи

Хотиржамликнинг кучи

Таъминотнинг кучи

Сахийликнинг кучи

ҲАЁТИНГИЗДАГИ МОЛИЯВИЙ ИНҚИЛОБ СТРАТЕГИЯНИНГ КУЧИ

Ҳаёт муҳим қарорлар билан тўла.

Қанақа уй сотиб олишингизни, кимга турмушга чиқиш ёки қандай ишга жойлашиш кераклигини қандай биласиз?

Агар муваффақиятга эришмоқчи бўлсангиз, сизга стратегия керак. Аммо барча саволларга жавобга эга бўлмасдан туриб, қандай стратегия тузиш мумкин?

Худонинг сирлари сиздан эмас, балки сиз учун яширинган.

Худо сиз керакли жавобларга эга бўлишингизни хоҳлайди – айнан шунинг учун У сизга махфий қуролни берган!

"Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб" номли китоблар тўпламининг учинчи қисмида Гари Киси ўз муваффақиятининг энг муҳим таркибий қисмларидан бирини ва Худо Шоҳлигининг ЭНГ МУҲИМ сирини: стратегиянинг кучини очиб беради! Тўрни қаерга ташлашни билса, ҳар ким ҳам балиқ овлаши мумкин. Худода сизга керак бўлган жавоблар бор, лекин сиз бу жавобларни қандай эшитишни ва уларни ҳаётингизда қандай қўллашни тушунишингиз лозим. Бу китоб айнан шу ҳақидадир.

Ушбу қизиқарли саёҳатда Гарига қўшилиниг ва ҳаётингизда *стратегиянинг кучини* қандай амалга оширишни ўрганинг!



Гари Киси – муаллиф, маърузачи, тадбиркор, молия мутахассиси ва одамларга асосан имон, оила ва молия соҳасида ҳаётда ғалаба қозонишга ёрдам беришга интилувчи чўпон. Гари ва унинг рафиқаси Дренда бир неча муваффақиятли ширкатларнинг асосчилари ва "Пул масалаларини ҳал қилиш" ва "Дренда" номли иккита теледастурларни эфирга чиқарувчи, бутун дунё бўйлаб анжуманлар ташкил этувчи ва амалий манбалар билан таъминловчи "Ҳозирги имон ҳаёти" хизматининг асосчиларидир. Кисилар оиласи Огайо штатидаги Колумбус шаҳрининг яқинида жойлашган "Имон ҳаёти" жамоатининг чўпонларидир.

GKM GARY KEESEE
MINISTRIES

garykeesee.com